
Мундарижа

Содержание

ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТ

В.Эргашев. Сервитутнинг ҳуқуқий табиати	6
М.Нажимов. Вояга етмаганларни ҳимоя қилишда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари	10
А.Турлаев. Становление и развитие Национального превентивного механизма, направленного на предупреждение пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих человеческое достоинство видов обращения и наказания в Республике Казахстан	13
Ҳ.Азимов. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги демократлаштиришдаги роли	17
Б.Алимов. Давлат ҳокимияти тизимида президент ва ҳукумат муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлари	20
М.Содиқова. Ҳуқуқий таълимнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти	25
Н.Сулаймонова. Ўзбекистон Республикасига нотариатга оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари	28
Б.Боймуродов. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида қонуности ҳужжатларининг тутган ўрни	31
Б.Раҳимберганова. Меҳнат низоларини ҳал қилишнинг замонавий шакларини такомиллаштириш масалалари	35
Ж.Раҳмонов. Историко-правовое развитие института министерства в Узбекистане	38
Д.Уразбаев. Ўзбекистон республикаси давлат ҳокимияти тизимида ротация институтини такомиллаштириш муаммолари ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари	40
А.Чинмирзаев. Ўзбекистон республикаси давлат ҳокимияти тизимида прокуратура органларининг ўрни ва роли	45
Ш.Шарипов. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг ҳуқуқий мақоми	49
Д.Иминова. Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигининг кафолатланиши	53
А.Туташев, С.Сапарбаев. Президентлик бошқарув шаклидаги давлатларга президентлик институтининг ўрни ва роли	56
Р.Шодиёв. "Ўрмон тўғрисида"ги қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик	59
Н.Юсупов. Ўзбекистон Республикасига маъмурий процедураларга доир қонунчиликни такомиллаштириш масалалари	62
S.Yaxshiboyev. Davlat organlari yoki ushbu organlar mansabdor shaxslarining g'ayriqonuniy harakatlari (harakatsizligi) natijasida yetkazilgan zararlarni qoplashning huquqiy asoslari	66
В.Махмудов. Eksport va import operatsiyalarini amalga oshirishda bojxona nazorati va uning ahamiyati	69
С.Сапарбаев. Президентлик институти тушунчаси ва давлат бошқарувидаги аҳамияти	73

Ғ.Хуррамов. Қонунчилик ташаббуси институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари	75
А.Низамидинов. Божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари	77
А.Бердимуратов. Қонунчиликни шарҳлаш тушунчаси ва унинг турларига оид айрим назарий масалалар	80
Ф.Раҳматуллаев. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари	83

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТ

Д.Ҳабибуллаев. Алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича судга тақдим этиладиган аризани расмийлаштиришнинг процессуал хусусиятлари	86
М.Содиқова, М.Аҳмедова. Оила - чинакам тарбия маскани	90
И.Эргашев. Гаров шартномасида гаров нарсасини сақлаш ва асраш шартининг бажарилмаслик оқибатлари	93
Н.Сулаймонова, Б.Шамсутдинов. Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини кафолатлаш	96
И.Салимова. Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришнинг назарий ва амалий масалалари	99
Ш.Азимов. Ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби ва бунда юзага келадиган муаммолар.....	102
А.Ашуров. Шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш асослари ва усуларини амалга ошириш тартиби	106
М.Юсупджанова. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг махсус (маъмурий) усули ва унинг мазмуни	111
К.Меҳмонов. Компьютер дастурларининг ахборот тизимларини шакллантиришдаги ўрни	115

ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТ

Ф.Рамазанова. Ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллаш тушунчаси, тартиби ва ҳуқуқий оқибати (хориж тажрибаси билан қиёсий таҳлил)	118
М.Каримжонов. Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик	123
М.Курбанов. Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олганлик учун жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари	126
А.Алланова, С.Қурбонов. Ушлаб турилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш	130
М.Жалилов. Транспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишнинг субъектив белгилари	133
J.Maxmudov. Fransiyada poraxo'rlik va korrupsiya jinoyatlari uchun javobgarlik masalalari	136
В.Суннатов, Р.Ҳалилов. Суд ҳужжатларини ижро этмасликнинг субъектив томони белгилари	138
Д.Султанова. Вояга етмаганлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари	140

Д.Турсунов. Спорт билан шуғулланишга соғлиққа шикаст етказганлик учун жавобгарлик	143
Ж.Убайдуллаев. Жиноят ҳуқуқига юридик ва фактик хатога доир масалалар	146
К.Авазов. Тортишув модели ва уни принцип сифатига амалга оширишнинг шаклланиш тарихи	149
F.Ramazanova, J.Muminov Jinoyat sudlarida jinoyat ishlarining oshkora ko'rilishi prinsipining mazmuni va ahamiyati	151
Д.Маматқулов. Дастлабки тергов босқичига терговчи ва суриштирув органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар(назарий таҳлил)	154
SH.Makmatov. Yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasi surishtiruvining o'ziga xos xususiyatlari	157
Ш.Муратов. Жиноят ишини судга қадар юритиш босқичига шикаят қилувчи субъектлар доирасининг умумий тавсифи	160
Ж.Насриддинов. Алдаш ёки ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган қонун нормаларининг ривожланиш тарихи	163
С.Ибадуллаев. Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга баданга оғир шикаст етказганлик учун жавобгарлик ва унинг хусусиятлари	165
М.Каримжонов, С.Рахматов. Радиоактив материаллардан фойдаланиш қондаларининг бузилиши оқибатлари, инсонларнинг соғлиғи ва атроф муҳитга таъсири	169

ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТ

Д.Бедилова. БМТ нинг "Қийноқларга ҳамда муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриқонуний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция"си нормаларининг тиббий жиҳатлари	171
Р.Халилов. МДҲ мамлакатлар жиноят қонунчилигида суд ҳужжатларини ижро этмаслик учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши	174
У.Олимжонов. Роль и значение международных организаций в современном мире	177
Ш.Зайниев. Ўзбекистон Республикаси сайлов ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда миллий сайлов тизимининг умумий тавсифи	179
S.Begmatova. Tashqi iqtisodiy faoliyat subyektlarining huquqiy maqomi	182
Д.Хамидов. Транснациональные корпорации как важный фактор укрепления роли Узбекистана в мировой экономике	185

ТАДБИРКОРЛИК-ҲУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТ

Ш.Холиқова. Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг миллий хусусиятлари	187
Ш.Мелибаева. Подведомственность хозяйственным судам споров, возникающих из корпоративных правоотношений	191
Ш.Ҳаққулов. Риэлторлик фаолияти ҳуқуқий асосларининг шаклланиши (миллий ва хорижий қонунчиликнинг қиёсий таҳлили)	194
А.Тешабоев. Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланмаганлик учун жавобгарлик	198

В.ЭРГАШЕВ

"Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви" кафедраси
муdiri, ю.ф.н., доцент

СЕРВИТУТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Бозор муносабатларига ўтиш ва мулкнинг барча шакллари тенглигини тан олиш, янги Ашъвий ҳуқуқларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Улар сирасига сервитут [1] ҳам киради. Сервитутнинг моҳияти шундан иборатки, битта ер участкасининг афзалликлари ёки камчиликлари қўшни ҳисобига қондирилади, яъни манфаатдор субъектларга (қўшни ер участкаси мулкдорларига) ўзганинг кўчмас мулкдан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Сервитутнинг вужудга келиши, битта ер участкасининг мулкдорига бошқа ер участкаси мулкдоридан, сервитут ўрнатмасдан қондирилиши мумкин бўлмаган, муайян эҳтиёжларнинг мавжудлиги билан боғлиқ, тобе участкадан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқининг берилишини талаб қилиш ҳуқуқини берувчи иккита ер участкаларининг қўшнилиги, туташлигига асосланади.

Маълумки, Рим ҳуқуқи Фарбий Европа ҳуқуқий тизимларининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган. Сервитут институти - Рим хусусий ҳуқуқининг энг қадимги институтларидан бири. У ўзганинг ашъсидан бирор-бир жиҳатдан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида ифодалайди. Рим ҳуқуқида сервитут институтининг вужудга келиши ва ривожланишини романист олимлар ерга бўлган хусусий мулк институтининг ривожланиши билан боғлайдилар. Масалан, А.И.Косарев бу ҳақда шундай деб ёзади: "Ерга бўлган хусусий мулк ҳуқуқининг ривожланиши ва ер участкалари сонининг кўпайиши билан баъзан мулкдор ўз участкасига фақат қўшнининг участкаси орқали келиши мумкин бўлиб қолган. Шу тариқа қишлоқ сервитутлари институти, яъни қўшнининг участкаси орқали пиёда ёки уловда ўтиш, ушбу участка орқали подани ҳайдаб ўтиш ёки ариқ қазиб сув келтириш ҳуқуқи пайдо бўлган" [2]. Юридик адабиётларда қайд этилишича, айнан классик ҳуқуқ даврида Рим юристлари сервитут ҳуқуқий моделининг асосий принципларини ишлаб чиққанлар [3]. Мазкур принциплар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) *nulli res sua servit* - хусусий ашъра сервитут бўлиши мумкин эмас;

б) *servitus servitutis esse non potest* - сервитут эгаси ўз сервитутига янги сервитут белгилаши мумкин эмас;

в) *servitus in faciendo consistere non potest* - хизматгаги ашънинг мулкдорига муайян ижобий ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юқловчи сервитут белгиланиши мумкин эмас.

Сервитутларнинг Рим даврида таърифланган юридик белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) мутлақлик; 2) эргашиш ҳуқуқи; 3) бўлинмаслик; 4) ўз ашъсига ҳуқуқни белгилаш мумкин эмаслиги; 5) муддатининг номуайянлиги; 6) шартномавийлик, чунки шартнома сервитутлар вужудга келишининг айниқса кенг тарқалган асоси ҳисобланган.

Кўпгина хорижий мамлакатлар қонунчилигида бўлгани сингари сервитут институти, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топган.

Сервитут тушунчасининг таърифи 1997 йилда амалга киритилган ФҚда мустаҳкамланган. Унга мувофиқ, сервитут деганда қўшни ер участкаси, бино, иншоот ва бошқа кўчмас мулкдан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи тушунилади (ФҚ 176-моддасининг 1-қисми). Бироқ мазкур таъриф камчиликлардан холи эмас, чунки сервитутларни бошқа ашъвий ҳуқуқлардан ажратиш имконини берувчи муҳим белгилар унда акс эттирилмаган.

ФК 176-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур тармоқларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек, кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминланиши мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин. Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш бўйича муносабатлар фақатгина ФК билан эмас, балки Ер кодекси билан ҳам тартибга солинади. Масалан, Ер кодексининг 30-моддасига мувофиқ, сервитут қуйидаги мақсадларда белгиланиши мумкин: ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш; ўзганинг ер участкасида дренаж ишлари ўтказиш; ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа тармоқлари ва қувурлар, ирригация, муҳандислик ва бошқа тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш; ўзганинг ер участкасидан экинзор ва молларни суғориш учун сув олиш; молларни ўзганинг ер участкаси орқали ҳайдаб ўтиш; ўзганинг ер участкасидан қидирув, тадқиқот ва бошқа ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш; ўзганинг ер участкасида ихота дарахтлари экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар барпо этиш. Таъкидлаш ўринлики, ФК ва Ер кодексида сервитут ўрнатиш мақсадларининг келтирилган рўйхати тўлиқ эмас. Сервитут қонунчиликка зид бўлмаган бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши мумкин. Сервитутнинг барча ҳоллардаги жиддий шарти - кўчмас мулк эгасининг тегишли эҳтиёжларининг мавжудлиги ва уларни "сервитутни таъминлаш" тартибида, ўзга участкадан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқининг сервитут ўрнатмасдан қондирилишининг имконсизлигидир. Субъект томонидан ўзга ер участкаси сервитутидан фойдаланиш хусусияти, унинг ўрнатилиш мақсадларига жавоб бериши лозим. Шунинг учун, ер участкасининг бир қисми транспортда ўтиш учун ажратилган бўлса, у ердан молларни ҳайдаб ўтиш ёки электр ўтказгич тармоқларини ўтказиш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Л.В.Щенникова фикрига кўра, сервитут ер участкасига ёки бошқа кўчмас мулкка белгиланган шундай бир мажбуриятни ўзида ифодалайдики, у мазкур объектдан бошқа мулкдор (қўшни ер участкаси ёки бошқа кўчмас мулкнинг мулкдори) чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишидан ёки ўз ҳуқуқларини чеклашидан иборат бўлиши мумкин [4].

М.Г.Масевич ашёвий сервитутнинг тўрт белгисини қайд этади:

- 1) *сервитут асосий ер участкасидан фойдаланиш қимматидан ортиқ бўлиши лозим;*
- 2) *сервитут тобе ҳуқуқ ҳисобланади; унинг мавжудлиги шарти сифатида бошқа ҳуқуқларнинг мавжудлиги амал қилади; шу туфайли ҳам у мазкур асосий ҳуқуқлар тақдирига эргашади;*
- 3) *сервитут бўлинмасдир; агар асосий ер участкаси умумий фойдаланишда бўлса, биргаликда фойдаланувчиларнинг бирортаси ҳам сервитутни ўз улушига нисбатан бекор қила олмайди; бу ҳолда ёрдамчи ер участкасидан умумий фойдаланиш ҳолларига ҳам тегишлидир;*
- 4) *сервитутнинг вазифаси ердан фойдаланишни тартибга солишдан иборат бўлгани боис, у суперфиций, эмфитевзис ва ерни ижарага олиш каби ҳуқуқлар билан бирикиши, яъни мулк ҳуқуқидан бошқа муносабатларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин [5].*

Сервитурий учун сервитут ашёвий ҳуқуқни ўзида ифодаласа, у хизмат қилувчи кўчмас мулкнинг мулкдори учун мулк ҳуқуқини чеклаш ҳисобланадими? Бу саволга жавоб беришдан олдин сервитут ва мулк ҳуқуқига доир чеклашнинг ўзаро нисбатини фуқаролик ҳуқуқи умумий назарияси нуқтаи назаридан аниқлаб олиш зарур [6].

Цивилистика фанида мазкур муаммони ечишга нисбатан бир нечта ёндашув шаклланган. С.В.Пахман "мулк ҳуқуқини чеклаш", "мулк ҳуқуқини қўшниларнинг манфаатларида чеклаш", "сервитутлар" тушунчаларини маънодош тушунчалар сифатида ишлатади [7]. Г.Ф.Шершеневич фикрига кўра, "мулк ҳуқуқига доир чеклашлар ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқларни бегона шахсларга беришни эмас, балки фақат мулкдор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда бегона шахслар туфайли муайян чеклашларга тоқат қилишини назарда тутаяди. Ушбу мақсадга асосан ўзганинг мол-мулкидаги яйловларга бўлган ҳуқуқлар номи билан маълум бўлган сервитутлар хизмат қилади" [8]. Шуни ҳисобга олиб Г.Ф.Шершеневич қуйидаги хулосага келади: сервитутлар - бу учинчи шахснинг ҳуқуқлари бўлиб, улар туфайли мулкдор ўз ҳуқуқларини чекланган тарзда амалга оширишга мажбур бўлади; қонуний чеклашлар - бу мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг манфаатларини таъминлаш йўлида белгиланган чеклашларга тоқат қилиши [9]. Д.И.Мейер фикрига кўра, чеклашлар ўзганинг ашёсига бўлган ҳуқуқни ташкил этмайди, чунки ўзганинг ашёсига бўлган ҳуқуқ амалда мулк ҳуқуқидан ажратилган ҳуқуқдир [10].

Л.Ю.Василевскаянинг қайд этишича, "тўлиқ бўлмаган (чекланган) ҳуқуқлар тушунчаси мазмунан ўзганинг мол-мулкига бўлган ашёвий ҳуқуқлар тушунчасидан анча кенг, чунки ...герман қонун чиқарувчиси тўлиқ бўлмаган ҳуқуқлар деганда мулк ҳуқуқига доир чеклашларни ҳам тушунган ва уларни ҳам чекланган ашёвий ҳуқуқларга киритган" [11]. Бундан хулоса шуки,

герман қонунчилигида сервитутлар ўзганинг мол-мулкига бўлган ашёвий ҳуқуқлар сифатида мулк ҳуқуқига доир чеклашлар билан бир қаторда чекланган (тўлиқ бўлмаган) ашёвий ҳуқуқлар мазмунини ташкил этади.

В.Б.Ельяшевич фикрига кўра, мулк ҳуқуқини умумманфаатларида қонуний чеклаш ва реал (ихтиёрий ва мажбурий) сервитутларни ўз ичига олган қўшничилик манфаатларида мулк ҳуқуқини қонуний чеклаш ўртасида умумий жиҳат сифатида ўта салбий жиҳат - "мулк ҳуқуқига нисбатан қонуний чеклашлар билан ҳам, кўчмас мулкка нисбатан реал сервитутлар билан ҳам тенг даражада белгиланувчи чеклаш амал қилади. Ер мулкдорининг ҳуқуқини чеклашга қаратилган шу салбий жиҳат бирлаштирувчи омил ҳисобланади" [12].

Шундай қилиб, ўзганинг ашёсига бўлган ҳуқуқларнинг йўқлиги ёки мавжудлиги мулк ҳуқуқига доир чеклашлар ва сервитутларни бир-биридан ажратишнинг асосий мезони сифатида эътироф этилиши лозим. Зеро, Е.В.Васьковский таъкидлаганидек, "...сервитутлар ҳам аксарият ҳолларда мулк ҳуқуқини чеклайди, бироқ бу чеклаш сервитут эгасига тегишли бўлган ҳуқуқнинг натижаси, орқа томони ҳисобланади, холос" [13], деганда, бизнингча, тўла ҳақ эди.

Бизнинг назаримизда, сервитутлар аслида мулк ҳуқуқига доир чеклашлардир, чунки ўзганинг кўчмас мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсга бериш орқали улар ҳар доим сервитут юкланган мол-мулк мулкдорининг мазкур мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклайди. Ҳозирги замон цивилистикасида айнан ушбу нуқтаи назар қўллаб-қувватланади [14]. Шунингдек, мазкур нуқтаи назар чет эл мамлакатларининг айрим кодекслаштирилган ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Масалан, Қозоғистон Республикаси ФКнинг мулк ҳуқуқи тушунчаси ва унинг мазмунини белгилашга бағишланган 188-моддасининг 6-бандида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор ўз мол-мулкдан бошқа шахслар чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбурлиги мустақамланган [15]. Шундай қилиб, мулк ҳуқуқининг мазмунига бағишланган моддада сервитут тушунчасига берилган таъриф жойлаштирилганлигининг ўзиёқ Қозоғистон республикаси фуқаролик ҳуқуқида унинг мулк ҳуқуқига доир чеклаш сифатидаги ҳуқуқий табиатидан далолат беради.

Шундай қилиб, мулк ҳуқуқини чеклаш тушунчаси ўз мазмунига кўра ҳар доим мулк ҳуқуқини чеклаш ҳисобланадиган сервитут тушунчасидан кенгрок.

Сервитут тушунчасининг тавсифи тўлиқ бўлиши учун сервитутлар ва "қўшничилик ҳуқуқлари"нинг ўзаро нисбатини аниқлаш талаб этилади [16]. Биз юқорида сервитут ҳар доим мулк ҳуқуқини чеклашдир, деган хулосага келдик. Бироқ мулк ҳуқуқини чеклаш доим ҳам сервитут шаклида амал қилавермайди.

Масалан, қўшничилик муносабатлари ҳар бир қўшнининг мулк ҳуқуқини амалга оширишда қулайлик яратиш учун қўшни мулкларнинг мулкдорларига бир қатор чеклашлар белгиланишига сабаб бўлади. Натижада сервитутлар ва қўшничилик ҳуқуқларини бир-биридан ажратиш мезонлари тўғрисидаги масала юзага келади. Бизнингча, бундай мезонлар сифатида қуйидагилар амал қилиши мумкин: ҳукмрон ва хизмат қилувчи кўчмас мулкнинг мавжудлиги ёки йўқлиги; ўзганинг ашёсидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги (сервитут учун); ўзароликнинг мавжудлиги (қўшничилик ҳуқуқлари учун).

Шундай қилиб, сервитутлар каби, қўшничилик ҳуқуқлари ҳам мулк ҳуқуқига доир чеклашларга киради, бироқ сервитутлардан шу билан фарқ қиладикки, қўшничилик ҳуқуқлари ўзаролик билан тавсифланади, уларда ҳукмрон ва хизмат қилувчи кўчмас мулк мавжуд эмас, ўзганинг ашёсидан фойдаланиш ҳуқуқи берилмайди.

Шу билан бир қаторда сервитутларни бошқа ашёвий ҳуқуқлардан (хусусан, узуфруктдан) ва сохта сервитут ҳуқуқларидан ҳам ажратиш зарур.

Мулкдор ўзига қарашли бўлган, сервитут белгиланган кўчмас мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишдан четлатилмайди, шу туфайли ҳам мазкур ашёни лозим даражада сақлаш мажбурияти унинг зиммасида қолади. Бундан ташқари, сервитут реал хусусиятга эга бўлади, узуфрукт эса шахсий хусусият касб этади, яъни "шахсий сервитут" ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида сервитутларга "оммавий сервитутлар"ни киритиш тўғрисидаги масала ҳам баҳсли бўлиб қолаётир. Айрим цивилист олимлар фикрига кўра, оммавий сервитут мулк ҳуқуқини жамоат манфаатларида чеклашдан иборатдир [17]. Биз бу фикрга қўшилаемиз, чунки оммавий сервитутни белгилашда конкрет ваколатли субъект мавжуд бўлмайди. Бундан ташқари, мулк ҳуқуқига доир мазкур чеклаш кўчмас мулкдан фойдаланиш учун қулайлик яратиш мақсадида эмас, балки номуайян доирадаги шахсларнинг манфаатларида белгиланади.

Юқорида баён этилганлар сервитут деганда ўз кўчмас мулкдан (ҳукмрон кўчмас мулкдан) фойдаланишда кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида қўшни кўчмас мулкдан (хизмат қилувчи

кўчмас мулкдан) фойдаланишга доир чекланган ашёвий ҳуқуқини тушуниш лозим, деган хулосага келиш имконини беради. Бунда хизмат қилувчи кўчмас мулк мулкдорига ҳукмрон кўчмас мулк эгасининг хизмат қилувчи кўчмас мулкка нисбатан муайян ҳаракатларига тоқат қилиш ёки сервитут мавжуд бўлмаган ҳолда қонуний ҳисобланиши мумкин бўлган ҳаракатларни бажаришдан ўзини тийиш мажбурияти юкланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сервитут лотинча "servire" сўзидан олинган бўлиб, хизмат кўрсатиш маъносини англатади.
2. Косарев А.И. Римское право - М.: Юрлит., 1986. - С. 31.
3. Покровский И.А. История римского права. - М.: Статут, 2006. - С.261.
4. Щенникова Л.В. Вещное право. Учебное пособие. - М.: Юристъ, 2004. - С.141.
5. Гражданское и торговое право зарубежных государств / Под ред. проф. В.В.Безбаха и проф. В.К.Пучинского. - С. 245-246.
6. Камышанский В.П. Право собственности: пределы и ограничения. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000.
7. Пахман С.В. Обычное гражданское право в России. - М., 2003. - С. 28-33.
8. Шершеневич Г.Ф. Курс гражданского права. - М.: Статут, 2006. - С. 230.
9. Шершеневич Г.Ф. Курс гражданского права. - М.: Статут, 2006. - С. 230.
10. Мейер Д.И. Русское гражданское право. - М.: Статут, 2006. - С. 22.
11. Василевская Л.Ю. Учение о вещных сделках по германскому праву. - М.: Статут, 2004. - С. 305.
12. Ельяшевич В.Б. Избранные труды о юридических лицах, объектах гражданских правоотношений и организации их оборота. В 2 - х.т. Т. 2. - М.: Статут, 2007. - С. 284.
13. Васильковский Е.В. Учебник гражданского права. - М.: Статут, 2003. - С. 283-284.
14. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации, части первой (постатейный) / Отв. ред. О.Н.Садилов. Изд. 3-е, испр., доп. и перераб. - М., 2005. - С. 6.; Гражданское право. Учебник. В 4 т. Т. 2 / Отв. ред. Е.А.Суханов. - 3-е изд., перераб. и доп. - М., 2005. - С. 150.; Щенникова Л.В. Вещное право. Учебное пособие. - С. 140-141.
15. Гражданский кодекс Республики Казахстан / Науч. ред. и предисл. Н.Э.Лившиц. - СПб., 2002. - С.292.
16. "Қўшничилик ҳуқуқи" масалаларига бағишланган мустақил бўлим Туркменистон Фуқаролик кодексига ва Грузия Фуқаролик кодексига мавжуд.
17. Гражданское право. Учебник. В 4 т. Т. 2 / Отв. ред. Е.А.Суханов. - 3-е изд., перераб. и доп. - М., 2005. - С. 151-152.; Копылов А.В. Вещные права на землю в римском, русском дореволюционном и современном российском гражданском праве. - С. 62.; Малеина М.Н. Публичные сервитуты // Законодательство. - 2004. - №4. - С. 11.; Дерюгина Т.В. Гражданско-правовое регулирование института сервитута в России: Автореф дисс. ...канд. юрид. наук. - М., 2003. - С. 15.

М.НАЖИМОВ

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат
университети "Ҳуқуқшунослик"
кафедераси доценти, ю.ф.н.*

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганидан бошлаб ҳозирги кунга қадар ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашлари учун тегишли имкониятларни яратишга хизмат қилиб келмоқда. Аммо шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги кун, бугунги давр бу соҳадаги ишларни яхшилаш, ёшларнинг манфаатларини таъминлашга ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва шу асосда ёшларимиз учун янги имкониятларни очиб беришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда вояга етмаганларларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол шахс этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масаладир. Вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни баркамол шахс этиб тарбиялашнинг аҳамияти хусусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ҳаётимизнинг қайси соҳасини олмайлик, уларнинг барчаси охир оқибатда шу масалага, яъни бизнинг қандай жамият қуришимиз ва шу жамиятга муносиб баркамол авлодни тарбиялашимизга бориб тақалади" деган фикрлари вояга етмаганларни тарбиялаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш нақадар муҳим масала эканлигини кўрсатади. [1]

Вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш кенг тушунча бўлиб, у амалга оширилиши керак бўлган муҳим чора тадбирларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишида (2006 йил 12 декабрь) вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш лозимлиги кўрсатилган:

Биринчидан, боқувчисини йўқотган вояга етмаганларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам нормалари ва ставкаларини мақбуллаштириш;

Иккинчидан, болалар уйлари ҳамда касалликларга чалинган болалар учун интернатларни таъминлашга сарфланадиган норматив моддий харажатлар миқдорини мақбуллаштириш;

Учинчидан, 2 ёшгача болалари бўлган оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга маҳалла кўмиталари томонидан кўрсатиладиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар миқдорларини қайта кўриб чиқиш;

Тўртинчидан, "Меҳрибонлик" уйлари ва махсус мактаб интернатларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш, "Сен ёлғиз эмассан" инсонпарварлик шиорини ҳаётга амалий жорий этилишини таъминлаш;

Бешинчидан, жисмоний соғлом, маънавий бой авлодни шакллантириш, чора тадбирларини янада кенгайтириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, "Соғлом она соғлом бола" ҳаракатини ривожлантириш, бунда нафақат моддий ёрдам билан боғлиқ, балки мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, касб ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари, турли факультатив машғулотларни олиб бориш билан боғлиқ бўлган аниқ йўналишларни белгилаб олиш;

олтинчидан, ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш, ёш оилалар мустақил ҳаётга қадам қўйишида уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш йўли билан қўллаб қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар бериш [2].

Юқоридаги чора - тадбирларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Прокуратура органлари вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини назорат қилишда, вояга етмаган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонунийликни таъминлашда, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тегишли ишларни амалга оширмоқдалар.

Бу борада прокуратура органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид бўлган қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 27 сонли "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи асосида олиб бормоқдалар.

Юқорида қайд қилинган буйруқда прокуратура органларининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назоратини олиб боришда асосий вазифаси "вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат" бўлиши лозимлиги кўрсатилган [3].

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларининг бу борадаги фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, прокуратура органлари томонидан эришилган ютуқлар билан бирга, вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояга оид бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар борлигини кўришимиз мумкин:

1) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 27 сонли "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғининг 8-қисм биринчи бандида "Давлат таълим муассасаларида вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклайдиган қоидаларни жорий қилиш, асоссиз равишда ўқувчилар сафидан чиқариш, стипендия ва нафақа олиш ҳуқуқининг бузилиши, таъсир чораларини қўллашда ўзбошимчалик ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларнинг жавобгарлиги қатъий таъминлаб борилиши лозимлиги" кўрсатилган [4].

Бугунги кунда нодавлат таълим муассасалари, уларда таълим олувчилар сони ошиб бормоқда. Шу боисдан ушбу таълим муассасаларидаги вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга оид бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда қонунийликни таъминлаш учун прокуратура органларининг фаолияти жуда муҳимдир. Шу боисдан "Давлат таълим муассасаларида вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклайдиган қоидаларни жорий қилиш, асоссиз равишда ўқувчилар сафидан чиқариш, стипендия ва нафақа олиш ҳуқуқининг бузилиши, таъсир чораларини қўллашда ўзбошимчалик ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларнинг жавобгарлиги қатъий таъминлаб борилиши лозимлиги" кўрсатилган ушбу қонуннинг ўрнига "мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча таълим муассасаларида вояга етмаганларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклайдиган қоидаларни жорий қилиш, асоссиз равишда ўқувчилар сафидан чиқариш, стипендия ва нафақа олиш ҳуқуқининг бузилиши, таъсир чораларини қўллашда қонунийлик ҳолати бўйича ҳар чоракда текширишлар ўтказиш лозим"лиги кўрсатилган қоида киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 12 декабрда қабул қилган "Ижтимоий ҳимоя йили" давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармойишида вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида нафақат моддий ёрдам бериш билан боғлиқ бўлган тадбирлар, балки уларни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилишга қаратилган турли тадбирларни олиб бориш лозимлигини кўрсатиб ўтган эдилар. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ташвиқот ишларини олиб боришда прокуратура органлари катта ишларни амалга оширмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бу борадаги ишлар билан қаноатланмай, ҳар ойнинг маълум бир кунда оммавий ахборот воситалари орқали вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича савол жавоб дастурлари уюштирилиши лозим. Зероки, Президентимиз И.А.Каримов айт-

ганларидек, "Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умум-миллий, умумдавлат миқёсидаги вазифадир" [5]. Ёшлар бизнинг келажакимиз, азалий орзу-интилишларимизни рўёбга чиқарадиган буюк кучдир. Биз уларни асрашимиз лозим. Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик - бу, аввало, биз - катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш - аввало, биз - оналар ва давлатнинг зиммасидадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов.И.А.Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. -Т.: "Ўзбекистон", 2004. - Б.135.

2. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Фармойиши. Халқ сўзи, 2006 йил, 13 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 27 сонли "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик

назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги 27 сонли "Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи.

5. Каримов И.А. "Камолот" ёшларимизнинг чинакам таянчи ва суянчи бўлсин. Халқ сўзи. 2001 йил 25 январь.

СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО ПРЕВЕНТИВНОГО МЕХАНИЗМА, НАПРАВЛЕННОГО НА ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ ПЫТОК И ДРУГИХ ЖЕСТОКИХ, БЕСЧЕЛОВЕЧНЫХ ИЛИ УНИЖАЮЩИХ ЧЕЛОВЕЧЕСКОЕ ДОСТОИНСТВО ВИДОВ ОБРАЩЕНИЯ И НАКАЗАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН

Развитие современного правового государства обусловлено необходимостью защиты и обеспечения прав и свобод человека и гражданина, и развитием гражданского общества. Как и другие государства, Республика Казахстан делает шаги по защите и обеспечению прав человека внутри страны. С этой целью Казахстан присоединился к основным международным актам в сфере прав человека. Важным этапом защиты прав человека в Казахстане явилось присоединение республики к Факультативному протоколу Конвенции против пыток [1]. Исходя из положения Второго (периодического) доклада о выполнении Республикой Казахстан Международного Пакта о гражданских и политических правах, подготовленного в соответствии со статьей 40 этого Международного Пакта [2], а также учитывая рекомендации представленные Комитетом ООН по правам человека, в Казахстане был создан Национальный превентивный механизм. В 2013 году в Республике Казахстан был принят Закон Республики Казахстан "О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам создания национального превентивного механизма, направленного на предупреждение пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания". Этим законом превентивный механизм был внедрен: 1) в уголовный процесс; 2) в уголовно-исполнительную систему; 3) в систему здравоохранения; 4) в систему адаптации и образования несовершеннолетних; 5) в систему временной изоляции лиц от общества. Кроме того, были приняты поправки в Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях, предусматривающие ответственность за воспрепятствование законной деятельности участников превентивного механизма. Во исполнение пункта 2 распоряжения Премьер-министра Республики Казахстан от 15 августа 2013 года № 139-р "О мерах по реализации Закона Республики Казахстан от 2 июля 2013 года "О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам создания национального превентивного механизма, направленного на предупреждение пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания" [3]. Национальным центром по правам человека, распоряжением Уполномоченного по правам человека разработаны и утверждены следующие правовые акты:

- 1) *Положение о Комиссии по избранию членов Координационного совета при Уполномоченном по правам человека;*
- 2) *Положение о Координационном совете при Уполномоченном по правам человека;*
- 3) *правила отбора участников национального превентивного механизма;*
- 4) *правила формирования групп из участников национального превентивного механизма для превентивных посещений;*
- 5) *правила подготовки ежегодного консолидированного доклада по итогам превентивных посещений. Разработаны Постановления Правительства Республики Казахстан "Об утверждении Правил возмещения расходов участников Национального превентивного механизма по превентивным посещениям" и "Об утверждении Правил превентивных посещений участниками наци-*

онального превентивного механизма". Разработаны методические рекомендации по превентивным посещениям, которые находятся на согласовании у экспертов Подкомитета ООН против пыток и PRI (Международная тюремная реформа) [4]. Были внесены изменения и дополнения, касающиеся прав и обязанностей участников национального превентивного механизма, их ответственности, порядка, видов и периодичности посещений участниками национального превентивного механизма, взаимодействия уполномоченных государственных органов с участниками национального превентивного механизма, а также других вопросов, связанных с деятельностью Национального превентивного механизма в Республике Казахстан в следующих нормативно-правовых актах:

- Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан;
- Уголовно-исполнительный кодекс Республики Казахстан;
- Кодекс Республики Казахстан об административных правонарушениях;
- Кодекс Республики Казахстан "О здоровье народа и системе здравоохранения";
- Закон Республики Казахстан "О принудительном лечении больных алкоголизмом, наркоманией и токсикоманией";
- Закон Республики Казахстан "О порядке и условиях содержания лиц в специальных учреждениях, обеспечивающих временную изоляцию от общества";
- Закон Республики Казахстан "О правах ребенка в Республике Казахстан";
- Закон Республики Казахстан "О профилактике правонарушений среди несовершеннолетних и предупреждении детской безнадзорности и беспризорности".

Таким образом, законодательно закреплено создание и функционирование системы предотвращения пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания на государственном уровне. Внесение изменений и дополнений в вышеперечисленные нормативно - правовые акты делает подход к становлению и развитию института национального превентивного механизма комплексным и легитимным. Участники Национального превентивного механизма, осуществляют свою деятельность под общим руководством Уполномоченного по правам человека в Республике Казахстан, опираясь в своей деятельности на вышеперечисленные нормативно-правовые акты. При этом следует отметить, что в первый год осуществления своих полномочий участники национального превентивного механизма сталкивались с недостаточной информированностью государственных чиновников, что вызывало у них непонимание целей, задач Национального превентивного механизма и, особенно, в части полномочий участников национального превентивного механизма, что являлось в отдельных случаях для нормального осуществления мониторинга. В настоящее время все руководители государственных органов содействуют осуществлению полномочий участников Национального превентивного механизма.

В Казахстане предпринимались ранее, и предпринимаются в настоящее время различные по своей значимости и действенности шаги по мониторингу прав человека в закрытых учреждениях. При этом механизм защиты неприкосновенности человеческого достоинства, свободы от пыток, и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания создан впервые в Казахстане в 2013 году. Государственные учреждения, которые посещают участники Национального превентивного механизма, различны по своему назначению, подчинены различным ведомствам и, что, немаловажно, несмотря на двадцатипятилетний срок независимости государства, всё ещё переживают процесс реформирования и становления. В связи с этим обстоятельством особое внимание уделяется государственным учреждениям, в которых проживают, временно находятся, отбывают наказание, проходят стационарное (амбулаторное) лечение, в том числе совмещенное с образованием, получают среднее образование (с проживанием в учреждении) граждане Казахстана, лишённые свободы. Руководители государственных учреждений, властных органов, ведомств и соответствующих служб, выполняющих проверки, осуществляющих контрольные функции в таких учреждениях, ответственны за всё, что происходит в стенах того или иного учреждения с человеком, находящимся там не по своей воле или в силу обстоятельств. Это - ответственность за жизнь человека, его безопасность, состояние здоровья, реализацию прав и свобод, предусмотренных действующим в Республике Казахстан законодательством [5]. При этом следует обратить внимание, что основным институтом, призванным защитить и обеспечить права человека, являются государственные органы. К функциям институтов гражданского общества следует отнести функции общественного контроля, главным предназначением которого является выявление недостатков и недоработок в деятельности государственных органов. Следует отметить, что Национальный превентивный механизм создан, в первую очередь, для мониторинга в сфере защиты и обеспечения прав человека в закрытых учрежде-

ях, недоступных для широкой общественности. При этом институты гражданского общества не должны заменять или подменять контрольно-надзорные государственные институты. В своей деятельности участники Национального превентивного механизма должны пользоваться определенными государственными стандартами, инструкциями, положениями и приказами, то есть всем спектром производных нормативно-правовых актов, которые и определяют правовое положение лиц, которые находятся в закрытых учреждениях. Однако, при этом представляется необходимым отметить, что сводить полномочия участников Национального превентивного механизма исключительно к дублированию контрольно-надзорной деятельности государственных органов не правильно. Деятельность Национального превентивного механизма - это, прежде всего, деятельность институтов гражданского общества, основным критерием которой является морально-нравственные нормы и здравый смысл, поскольку использование только государственных стандартов и нормативов превратит Национальный превентивный механизм в новый, комплексный контрольно-надзорный орган, дублирующий функции органов государственного контроля и надзора. При этом следует обратить внимание на понятие "Превенция". Превенция - это понятие, которое означает предупреждение, предохранение, предотвращение. Например, в праве превентивными мерами называют профилактические и другие меры, направленные на предотвращение преступлений и других правонарушений. Выделяют виды превенции: общая превенция - предупреждение правонарушений другими лицами, например, наказание одного лица сдерживает других субъектов от совершения подобных деяний, так как они не желают подвергаться подобным лишениям; частная превенция - предупреждение совершения правонарушений тем же лицом (самим правонарушителем), которое воздержится в будущем от подобного поведения, чтобы избежать повторного наступления неблагоприятных последствий [6]. Таким образом, Национальный превентивный механизм можно рассматривать в качестве элемента развивающейся национальной превентивной системы, которая закреплена в Законе Республики Казахстан "О профилактике правонарушений" от 29 апреля 2010 года. В число субъектов профилактики правонарушений входят: правительство, акиматы, маслихаты, Органы внутренних дел, Органы по делам государственной службы и противодействию коррупции, органы юстиции, органы прокуратуры, органы образования, органы и организации здравоохранения, органы в области социальной защиты населения, органы в области физической культуры и спорта, уполномоченный орган в области средств массовой информации [7]. Представляется, что в перечень субъектов профилактики правонарушений должен быть включен Уполномоченный по правам человека и Центр по правам человека, а также уделено внимание Национальному превентивному механизму. Результаты деятельности национального превентивного механизма, скорее всего, должны доводиться помимо Уполномоченного по правам человека и Национального центра по правам человека также и межведомственными комиссиям по профилактике правонарушений, которые в соответствии со статьей 18 Закона "О профилактике правонарушений" призваны осуществлять координацию деятельности субъектов профилактики правонарушений.

Таким образом, Национальный превентивный механизм можно рассматривать как институт гражданского общества, призванный выявлять системные недоработки и нарушения в процессе предупреждения правонарушений, в целом, и попыток, в частности. Этот институт призван осуществлять мониторинговые функции, в результате которых должны быть приняты системные меры в сфере предупреждения правонарушений. Как правильно отмечает Директор Карагандинского филиала Казахстанского бюро по правам человека и соблюдению законности Ю.А.Гусаков: "В отличие от проверок и контроля, Национальный превентивный механизм и посещение его участниками государственного учреждения предполагает несколько другой алгоритм подготовки, проведения его как такового и, что наиболее отлично, последующей работы с результатами" [5]. В этом смысле деятельность Национального превентивного механизма сродни исследованию, предполагающему продолжение действий и принятие необходимых решений на различных уровнях. Это уровни от руководителя учреждения до Парламента, от принятия конкретного управленческого решения до изменения законодательства, относящегося к правовому регулированию в сфере предотвращения пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания. Кроме того, участники Национального превентивного механизма, проводящие превентивные посещения (визиты), представители некоммерческих (неправительственных) организаций, их опыт, квалификация и непредвзятость позволяют говорить о большей объективности исследования или изучения ситуации. Не исключается последующая работа государственных органов на основе исследований, проведенных некоммерческой организацией самостоятельно в виде точечного мониторинга прав человека в отдельном учреждении. Однако

Уполномоченному по правам человека в Республике Казахстан в период становления Национального превентивного механизма в Республике Казахстан, как государственному органу, основывающему свои действия на таких исследованиях, следует пристально изучить инструментарий, используемый некоммерческой организацией, состав группы, проводившей исследование, опыт членов группы и квалификацию. И, таким образом, совершенствовать Национальный превентивный механизм, используя наработанный опыт участников Национального превентивного механизма [5], а также опыт других институтов гражданского общества.

Соответственно, в Казахстане в стадии становления находится новый институт гражданского общества - Национальный превентивный механизм, призванный осуществлять мониторинг в сфере борьбы с пытками, жестоким и бесчеловечным обращением и наказанием. Этот институт призван стать одним из основных элементов национальной превентивной системы, основной задачей которой является профилактика и предупреждение правонарушений, а также защита прав человека от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания.

Список использованной литературы:

1. Закон Республики Казахстан "О ратификации Факультативного протокола к Конвенции против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания" от 26 июня 2008 года // www.online.zakon.kz.
2. Международный Пакт о гражданских и политических правах // www.online.zakon.kz.
3. Закон Республики Казахстан от 2 июля 2013 года "О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам создания национального превентивного механизма, направленного на предупреждение пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания" // www.online.zakon.kz.
4. Второй (периодический) доклад о выполнении Республикой Казахстан Международного Пакта о гражданских и политических правах // Министерство юстиции Республики Казахстан. Официальный Интернет-ресурс. www.adilet.gov.kz.
5. Гусаков Ю.А. Опыт мониторинга детских учреждений в Республике Казахстан // Казахстанское бюро по правам человека и соблюдению законности. www.bureau.kz.
6. Превенция. Материал из Википедии - свободной энциклопедии // www.wikipedia.org.
7. Закон Республики Казахстан "О профилактике правонарушений" от 29 апреля 2010 года // www.online.zakon.kz.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДАГИ РОЛИ

Мазкур мақолада Оммавий ахборот воситаларининг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли масалаларига эътибор қаратилган. Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган ишлари, шунингдек, жамиятимизда демократик жараёнларни тобора чуқурлаштиришдаги аҳамияти масалалари ўрин олган. ОАВ олдида турган долзарб масалалар хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби оммавий ахборот воситаларига бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди.

Истиқдолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда бошланган туб ислохотларнинг мазмун-моҳиятини, мустақилликнинг тарихий аҳамиятини халқимиз онгига сингдиришда оммавий ахборот воситаларининг хизмати беқиёс аҳамиятга эгадир.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номи маърузаларида Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиб ўтдилар.

Дарҳақиқат, демократик жараёнларни чуқурлаштириш - бевосита ахборот эркинлигини таъминлаш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва қарашларини эркин ифода эта оладиган минбарга айлантириш энг устувор вазифалар сирасига киради.

Айнан ушбу йўналишдаги вазифалар олдимишга қўйилган мақсадларни амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Зеро, Президентимиз Ислом Каримов юқоридаги маърузаларида таъкидлаганларидек: "...Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади".

Халқимизни адолатли демократик жамиятни қуриш сари сафарбар қилиш, бу йўлда уларга камарбаста бўлиш матбуотнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикаимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни ёритишда ва уни кенг халқ оммасига етказишда, авваламбор, матбуот омманинг фикрини ўзида ифода этган бўлиши ва шу асосда, уни матбуот саҳифаларида акс эттириш лозимдир.

Халқнинг орзу-умидлари, унинг хоҳиш истакларини ўзида мужассам этиши, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга холисона ёндашиши ва уни ҳаққоний тарзда ёритиши матбуотни эркин матбуот даражасига кўтаради. Шундагина матбуот омманинг ишончли қуролига айланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситаларисиз ҳаётни тасаввур этиш қийин. Халқимиз ўзининг бой маданий ва маънавий мероси, иқтисодиёт соҳасидаги ютуқлари, таълим, илм-фаннинг равнақи, ҳуқуқ соҳасидаги муҳим ўзгаришлар ҳақида айнан ана шу ахборот воситалари орқали маълумот оладилар. Бундан кўриниб турибдики, ахборот соҳаси барча-барча соҳаларни қамраб олгани ва бу борада улар зиммасида улкан масъулият борлиги ўз-ўзидан равшандир.

Мустақиллик йилларида Республикамиз оммавий ахборот воситалари дунё сари юзланди. Жаҳонда кечаётган воқеа-ҳодисалар ўз вақтида мабуот, радио, телерадио орқали бериб борилмоқда.

Шуни айтиш керакки, ҳозирда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими жаҳоннинг 180 мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эгадир. Республикамизда истиқомат қилаётган миллат ва элатларнинг 7 тилида оммавий ахборот воситаларининг фаолият олиб бориши унинг роли ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Матбуот ролининг ортиб бориши бевосита халқ манфаатлари билан йўғрилганлигидадир. Халқнинг манфаати, мустақил юртимизнинг буюк келажаги, унинг мақсад - муддаолари ҳақида қайғурган матбуот Ватан тақдирига бефарқ бўлмайди. Ватанни ҳар қандай таҳдидлардан, хавф у хатарлардан асраш йўлида оммани ўз ортидан эргаштиради. Бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситалари - Ватан тараққиётига камарбаста бўлиши лозим.

Ана шундай улкан ишларни рўёбга чиқариш учун оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш ҳар қачонгидан кўра долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Шу боис, 1996 йил 2 августда Олий Мажлис томонидан "Ноширлик фаолияти тўғрисида" ги Қонун ва 1996 йил 7 майда "Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди.

Ушбу фармон асосида Ўзбекистон Давлат телевидение ва радио эшиттириш қўмитаси Ўзтеле-радиокомпаниясига айлантирилди. Республика ҳукумати эркин, демократик ахборот манбаларини яратиш мақсадида давлатга қарашли бўлмаган, мустақил нашрлар ва ахборот воситалари тармоғини кенгайтиришга кенг эътибор қаратмоқда.

Умуман олганда, нодавлат ахборот воситалари, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти ўсиб бормоқда. Уларнинг фаолияти жамоатчилик ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган барча телеканалларнинг қарийб 53%и, радио каналларнинг эса 85 %и нодавлат ахборот воситаларини ташкил этади. Матбуот эркинлиги юксак интизомга, фуқаролик маъсулиятига, шунингдек, қонун устуворлигига асосланмоғи лозим.

Президентимиз Ислом Каримов "Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш" асарларида таъкидлаганларидек, "Ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдида қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Лекин энг муҳими - ҳаёт ҳақиқатини тўлақонли акс эттиришдан иборат. Чунки, ҳақиқат журналистиканинг ўзгармас ва доимий шарт бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши зарур".[2]

Дарҳақиқат, ҳаёт ҳақиқатини қандай бўлса, шундай акс эттириш инсоният цивилизацияси, қолаверса, давлат ва жамиятнинг улкан одимлаши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, ҳозирда глобаллашув суръатлари тез ўсиб бораётган замонда ахборот воситаларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Ҳаётимизнинг бирон-бир соҳасини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда ҳаётимиздаги барча соҳалар муайян ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниши баробарида ОАВ билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳам айнан шундай йўсинда тартибга солинган.

Асосий қомусимиз бўлган Конституциямизда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти аниқ ва лўнда қилиб белгилаб қўйилган.

Масалан, Конституциямизнинг 29-моддасида шундай дейилган: "Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга". Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир...".[3]

Оммавий ахборот воситалари ролини Конституция доирасида мустаҳкамлаш мақсадида мустақиллик йилларида 10 га яқин қонунлар қабул қилинганининг ўзи ҳам бунинг яққол исботидир. Хусусан, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (24.04.1997), "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги (24.04.1997), "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" ги (1997), "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида" ги (12.12.2002), "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" ги (янги таҳрирдаги 15.01.2007) қонунлар шулар жумласидандир.

Юқорида қабул қилинган қонунлардан кўриниб турибдики, уларда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини кучайтириш назарда тутилган бўлиб, жамиятда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган.

Бу каби ўта долзарб вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар, ечимини кутаётган масалалар ва уларни ҳал этиш чора - тадбирлари хусусида Президентимиз Ислом Каримов "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да кўрсатиб ўтдилар.

Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда қуйидаги бир қатор қонунларни қабул қилиш масалалари илгари сурилди:

"Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Телерадиоэ-шиттиришлар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғри-сида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғри-сида"ги қонунларни қабул қилиш, шунингдек, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахбо-рот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатла-рига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшитириш тизимига ўтиш бўйича тад-бирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ҳам ушбу вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган чора-тадбирлар ом-мавий ахборот воситаларининг халқ билан ҳамкорлигидаги фаолиятини юксалтириб қолмасдан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи бўлган сўз эркинлигини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, жамиятда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, келажаги буюк Ўзбекистон давлатини барпо этишда барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш оммавий ахбо-рот воситаларининг асосий мақсад ва муддаолари бўлиши даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маъруза. - Т.: "Ўзбекистон", 2010.

2. Каримов И.А. "Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқати-ни акс эттириш". - Т.: "Ўзбекистон", 2009. - Б.9.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2015.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА ПРЕЗИДЕНТ ВА ҲУКУМАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ- ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Мақолага хорижий мамлакатларда президентнинг ижро ҳоқимияти тизимидаги ўрни, ҳукуматнинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, давлат бошлиғи ва ижро ҳоқимияти олий органи муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлари давлат бошқарувининг турли шакллари кесимида назарий ва қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган бўлиб, мазкур конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар юзасидан асослантирилган хулосалар илгари сурилган.

Ҳар қандай мамлакатда президент ҳамда ижро ҳоқимияти, хусусан, бутун мамлакат ҳудудида ижро ҳоқимиятини амалга оширишга ваколатли бўлган орган - ҳукумат ўртасидаги муносабатлар давлат механизмининг узлуксиз ҳаракатини таъминловчи барқарор воситалардан бири бўлиб, аксарият давлатларда мазкур муносабатлар давлат бошлиғининг ушбу ҳоқимиятга раҳбарлиги ёки унинг фаолиятидаги фаол иштироки асосида таъминланади.

Давлат бошлиғининг ҳукумат билан ўзаро муносабатлари президентнинг давлат ҳоқимияти ва бошқарувидаги ўрни, президентлик институтининг бошқарув салоҳиятини ва маълум маънода унинг сиёсий ролини акс эттириш билан бирга, ижро ҳоқимияти органларини, хусусан, ҳукуматнинг ҳоқимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни, унинг мамлакатдаги олий ижро ҳоқимияти органи сифатидаги потенциали, ваколатлари ва масъулиятининг доирасини белгилаб беради.

Жаҳон давлатчилиқ амалиётида президентнинг ижро ҳоқимияти органлари билан муносабатлари, асосан, қуйидаги кўринишларда намоён бўлади ва уларнинг аксарияти давлат бошлиғининг ҳукумат билан муносабатларига ҳам хосдир.

Биринчидан, президент бевосита ижро ҳоқимиятини амалга оширади;

иккинчидан, ижро ҳоқимияти органлари тизимини шакллантириш ва ўзгартиришдаги роли;

учинчидан, ҳукуматни шакллантиради ва ижро ҳоқимияти органлари тизимига кирувчи идораларнинг раҳбарларини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

тўртинчидан, ижро ҳоқимияти органларининг жавобгарлигига оид масалаларни ҳал қилади, ҳукуматни истеъфога чиқишида иштирок этади;

бешинчидан, ҳукумат мажлисларида ва ҳукумат раёсати мажлисларида иштирок этади, раислик қилади;

олтинчидан, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашдаги иштироки ва роли;

еттинчидан, ижро ҳоқимияти органлари учун мажбурий бўлган ҳужжатлар қабул қилади ва ҳукуматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида иштирок этади;

саккизинчидан, ижро ҳоқимияти органларига топшириқ беради ва фаолиятини назорат қилади;

тўққизинчидан, ижро ҳоқимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахсларини президент олдидаги ҳисобдорлиги масаласи.

Президент ва ҳукумат муносабатларининг юқорида санаб ўтилган кўринишлари давлат ҳоқимиятининг ушбу асосий икки субъекти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг умумий конституциявий-ҳуқуқий жиҳатларини ташкил этиб, республика бошқарув шакли ўрнатилган давлатларнинг барчасига бир хилда татбиқ этилмайди. Чунки ҳар бир мамлакатнинг давлат ҳоқимияти ва ҳуқуқ тизими ўзига хос бўлиб, тарихий, сиёсий-ҳуқуқий, географик, миллий, ижтимоий омилларни инobatта олган ҳолда жорий қилинган.

Давлат ҳоқимияти тизимида давлат бошлиғи ва ҳукумат ўртасидаги муносабатлари таҳлил қиланар экан, авваламбор, ижро ҳоқимияти кимга ёки қайси органга тегишли эканлиги ва маз-

кур конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар Конституцияларда қай кўринишда ўз аксини топган-лигини аниқлаб олиш лозим. Президентнинг ижро ҳокимиятига раҳбарлигига оид муносабатлар чуқур муҳокама талаб қилиб, давлатдаги бошқарув шакли билан белгиланса, давлат бошқарув шаклининг қайси бири ўрнатилганидан қатъи назар давлат бошлиғи ҳукумат фаолиятида у ёки бу кўринишда иштирок этиши муқаррардир. Зеро, "Президентнинг фаолияти кўпроқ давлат ҳокимиятининг ижро тармоғига ўхшайди" [3].

Масалан, ҳукумат алоҳида коллегиял орган сифатида мавжуд бўлмаган классик кўринишдаги президентлик республикаларида (АҚШ, Бразилия, Мексика ва Лотин Америкасидаги бир қатор давлатлар) ижро ҳокимияти президент томонидан амалга оширилиши конституцияда мустақамлаб қўйилган бўлса, ҳукумат коллегиял шаклда мавжуд бўлган ва президент республикаси бошқарув шаклига хос бўлган бир қатор давлатларда (Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон) президент ижро ҳокимиятининг бошлиғи эканлиги асосий қонун даражасида ўз аксини топган.

Президентлик республикаларида давлат бошлиғининг ижро ҳокимиятидаги ўрни тўғридан-тўғри конституцияда ўз аксини топган бўлса, аралаш (ярим президентлик) ва парламентар республикаларда президентнинг ижро ҳокимиятидаги ўрни, асосан, унинг ушбу ҳокимият соҳасидаги ваколатлари ва ҳукумат билан ўзаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятларида намоён бўлади. Масалан, аралаш республикаларнинг аксариятида давлат бошлиғи давлат ҳокимияти органларининг нормал фаолият юритишини таминлайдиган институт сифатида гавдаланади (Россия, Франция, Арманистон, Греция, Хорватия, Португалия). Президент ҳокимиятлар ўртасида ўзига хос "ҳакам" ёки "мувофиқлаштирувчи шахс" вазифасини бажарар экан, ушбу ҳокимият тармоқларига нисбатан таъсир чоралари ва ваколатларга эга бўлиши талаб этилади. Айниқса, амалиёт шуни кўрсатадики, аралаш республикаларда президент айнан ижро ҳокимияти соҳасида кенг ваколатларга эга бўлиб, шунинг учун ҳам бир қатор адабиётларда аралаш республика "дуалистик республика" деб ҳам юритилади. [1,4,8] Бунинг сабаби шундаки, бу давлатларда ижро ҳокимиятида ўзига хос дуализм мавжудлиги, яъни ижро ҳокимияти икки орган - президент ва ҳукуматга тегишли эканлиги назарда тутилади. Яна бошқа адабиётларда, ижро ҳокимиятининг бундай конструкцияси "бицефал" [6,7] деб номланиб, "икки турли сиёсий ҳокимиятдан, яъни монарх ёки президент бўлиши мумкин бўлган давлат бошлиғи ва премьер-министр деб номланувчи ҳукумат раҳбари томонидан бошқариладиган коллегиял орган - ҳукуматдан иборат" [6]. Парламентар республикаларда (Австрия, Италия, Исландия, Ирландия, Латвия, Литва, Польша, Словения, Германия, Чехия, Эстония) эса президент расман давлат бошлиғи бўлиб, ижро ҳокимияти соҳасидаги ваколатларнинг доираси нисбатан тор, амалиётда ижро ҳокимияти тўлалигича ҳукумат ва унинг раисига тегишли бўлади. Бироқ шундай давлатлар ҳам борки, бошқарув шакли парламентар республикаларга хос бўлса ҳам, уларнинг конституцияларида давлат бошлиғи ҳам ижро ҳокимиятини амалга ошириши кўрсатиб қўйилган бўлади (Ҳиндистон, Туркия). Демак, турли хил бошқарув шаклига эга давлатларда ижро ҳокимияти тизимининг тадқиқоти шуни кўрсатмоқдаки, "ҳар қандай бошқарув шаклида ижро ҳокимияти органлари тизимини фақат иккита олий давлат ҳокимияти органи - президент ёки ҳукумат бошқариши мумкин. Бундан ташқари, ижро ваколатлари президент ва ҳукумат ўртасида турлича тақсимланиши мумкин. Устунлик президентга ёки ҳукуматга берилади, бу Конституцияда белгилаб қўйилиши ёки сиёсий кучларнинг жойлашувига боғлиқ бўлади"[2].

Бугунги кунда анъанавий тарзда президентга нисбатан ижро ҳокимияти бошлиғи сифатида қараш кун сайин ўзининг аҳамиятини йўқотмоқда. Ижро ҳокимияти тепасида президент туриши лозимлигини назарда тутувчи давлат бошқаруви шакли моҳиятан, ҳокимиятлар бўлиниши тизимида унинг субъектлари ўртасида ўзаро тийиб туришнинг самарали механизмларига эга бўлмай, аксарият ҳолларда улар ўртасида ўзаро қарама-қаршилик келиб чиқишига замин яратади. Давлатчилик ривожланишининг бугунги босқичида "ижро ҳокимияти дуализми доктринасини ривожлантириш лозим". [9] Мазкур доктринанинг моҳияти шундаки, ижро ҳокимияти икки институтга (органга) - президент ва ҳукуматга тегишли эканлиги назарда тутилиб, ижро ҳокимиятида ягона бошлиқ бўлмайди. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясига мувофиқ, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти ҳам ижро ҳокимияти сингари давлат ҳокимиятининг икки мустақил тармоғидир. Бироқ олимлар бирор марта ҳам "ким қонун чиқарувчи ҳокимият бошлиғи?" ёки "ким суд ҳокимияти бошлиғи?" деган саволга жавоб изламаганлар. Ахир аксарият мамлакатларда қонун чиқарувчи ҳокимият икки бўғиндан (қуйи ва юқори палата), суд ҳокимияти эса уч бўғиндан (Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди) иборат. Ушбу ҳокимият тармоқларининг мазкур тизими ва ягона бошлиқнинг мавжуд эмаслиги уларнинг самарали фаолият кўрсатишига умуман тўсқинлик қилаётгани йўқ. Шу сабабли ҳам, ижро ҳокимияти президент ва ҳукуматга тегишли бўлиб, улар

ўз фаолиятини ўзаро ҳамкорликда, бир-бирининг фаолиятини такрорламасдан амалга ошириши кераклиги ҳақидаги қондани ривожлантириш лозим. Зеро, "Давлат бошлиғининг мамлакат ижро ҳокимияти раҳбари сифатидаги анъанавий ифодаси мунозарали масаладир, бироқ давлат бошлиғи сўзсиз ижро ҳокимиятини амалга оширишда иштирок этади"[10].

Президент - бу шундай мақомга эга бўлган субъектки, унинг биргина давлат бошлиғи эканлиги, ижро ҳокимияти соҳасида кенг ваколатларга эга бўлиши ва ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғига нисбатан таъсир чораларига эга бўлиб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши лозимлигини тақозо этади. Мазкур формуланинг инкор этилиши Президентнинг давлат бошлиғи сифатидаги функциясининг моҳиятини инкор этилиши деб баҳоланади. Бироқ ижро ҳокимиятини ташкил этишнинг юқорида қайд этилган формуласи барча давлатлар амалиётига бир хилда татбиқ этилиши ва бир хил натижа бериши мумкин эмас. Зеро мазкур формула ижро ҳокимиятини ташкил этиш, ижро ҳокимиятида президент ва ҳукумат муносабатларининг умумий хусусиятларини ўзида мужассам этиб, у ёки бу давлатнинг ички ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ қилиниши мумкин.

Бевосита президент ва ҳукумат муносабатларининг умумий конституциявий-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қиладиган бўлсак, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, айнан бир предмет бўйича давлат бошлиғи ва ҳукумат ўртасидаги муносабат турли давлатларда турлича кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, баъзи мамлакатларда президент бевосита ижро ҳокимиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлса, баъзи мамлакатларда у ушбу функцияни ижро ҳокимияти органлари орқали (уларга топшириқлар бериш, ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва ҳоказо) амалга оширади.

Ҳукумат таркибини шакллантириш ва истеъфога чиқариш, ижро ҳокимияти органларининг раҳбарларини тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш давлат бошлиғининг ҳукумат билан ўзаро муносабатларининг муҳим предмети десак муболаға бўлмайди. Айтиш керакки, бу президент-парламент-ҳукумат учлиги муносабатининг предметидир.

Президентлик республикаларининг аксариятида ҳукумат коллегиал орган сифатида мавжуд эмас (АҚШ, Бразилия, Мексика ва Лотин Америкасидаги бир қатор давлатлар). АҚШ мисолида олиб қарасак, тадқиқотчилар ўз давлатлари амалиётига нисбатан "кабинет асосан уйдирма ҳисобланади", [11] деб таъкидлашган. Бундай мамлакатларда, ҳукумат вазифасини давлат бошлиғининг маъмурияти (бошқа номи Президент Маҳкамаси - коллегиал эмас, аксинча консултатив органи ҳисобланади) бажаради, ҳукумат раҳбари лавозими ҳам мавжуд бўлмайди. Президент маъмуриятидаги вазирлар бир пайтнинг ўзида унинг маслаҳатчилари ҳисобланади. Ҳукумат сиёсий масалаларни коллегиал тарзда муҳокама қилади, аммо охир-оқибатда қарор Президент томонидан шахсан қабул қилинади[5]. Ижро ҳокимияти бошлиғи сифатида Президент мамлакатнинг бутун ижро аппаратини якка ўзи бошқаради. Ҳукумат алоҳида орган сифатида мавжуд давлатларда (Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон) эса ҳукумат президентга бўйсуниб ўз ваколатларини янги сайланган президент олдида зиммасидан соқит қилади, президент бир пайтнинг ўзида унинг раиси вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Ярим президентлик (Россия, Франция, Португалия) ёки парламентар (Италия, Германия, Эстония) республикаларда ҳукуматни шакллантиришда парламент ва ундаги сиёсий партияларнинг иштироки яққол намоён бўлади. Бунинг сабаби шундаки, парламентар республикаларда ҳукумат парламент олдида, ярим президентлик республикаларида ҳам президент, ҳам парламент олдида жавобгар бўлиб, одатда, президент ёки парламент олдида ваколатларни зиммасидан соқит қилади. Бундай мамлакатларда ҳукумат раҳбари лавозимига номзод президент томонидан парламентга киритилади. Аммо бу ерда парламентдаги сиёсий кучларнинг жойлашуви катта роль ўйнайди, сабаби ҳукумат раиси ўз ҳукуматини шакллантириб, фаолиятини бошлаши учун парламент палаталарининг розилигини олиши лозим бўлади. Акс ҳолда эса ҳукумат раҳбари лавозимига қайта номзод кўрсатиш ва ҳукумат инқирозлари ҳолати ҳам юзага келиши мумкин. Шу сабабли ҳам, амалиётда президент парламентга маъқул бўлган, аксарият ҳолларда эса, парламентда энг кўп депутатлик ўринларини эгаллаб турган сиёсий партиянинг раҳбарини ҳукумат раҳбари лавозимига номзод қилиб кўрсатишга мажбур бўлади. Бундай вазиятни Европа мамлакатлари амалиётида кузатишимиз мумкин. Бу ерда давлат бошлиғи ҳукумат раҳбари лавозими юзасидан келишмовчилик юз берганда парламентни тарқатиб юбориб, ҳукумат раҳбарини якка тартибда тайинлаш ваколатига эга бўлгани билан, унинг ушбу ваколати мазкур вазиятда самарасиздир. Сабаби, ҳукумат янги сайланган парламент олдида ўз ваколатини зиммасидан соқит қилади. Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Россияда ҳукумат раиси ўз ваколатига киришиш олдидан парламент ишончига эга бўлиши шарт эмас ва ҳукумат янги сайланган президент олдида ўз вакола-

тини зиммасидан соқит қилади. Бу эса, ўз навбатида, ҳукумат раисини тайинлаш ва унинг таркибини шакллантиришда давлат бошлиғининг роли ҳал қилувчи эканлигини кўрсатади. Зеро, ҳукумат раиси лавозимига номзод бўйича президентнинг таклифи парламент томонидан уч марта рад этилса, президент парламентни тарқатиб юборади ва ҳукумат раисини якка тартибда тайинлайди.

Ҳукумат таркибини шакллантиришга келсак, парламентар республикаларда ҳукумат раҳбари ҳукумат таркибини мустақил равишда шакллантиради. Амалиётда ҳукумат раҳбари ўз партиясининг аъзолари ичидан (ҳукумат аъзоси ва парламент депутати лавозимларини бир пайтнинг ўзида эгаллаш мумкин бўлган давлатларда, ўз сиёсий партиясининг парламентдаги депутатлари орасидан ҳам) ҳукуматни шакллантиради. Ярим президентлик республикаларда эса лавозимига тайинланган ҳукумат раҳбари президент билан келишган ҳолда (аксарият ҳолларда ҳукумат аъзолари лавозимига номзодларни давлат бошлиғига тақдим этиш орқали) амалга оширади.

Ҳукумат истеъфосига келсак, парламентар республикаларда президент ҳукуматни мустақил равишда истеъфога чиқариш тўғрисида қарор қабул қила олмайди. Фақатгина ҳукумат раҳбарининг аризаси ёки парламент томонидан ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми қабул қилинган тақдирдагина давлат бошлиғи ҳукуматни истеъфога чиқаради (ярим президентлик республикаси бўлган Францияда ҳам президент ҳукуматни мустақил равишда истеъфога чиқара олмайди). Ярим президентлик республикаларида эса президент конституция ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ҳукуматни мустақил равишда истеъфога чиқариш ваколатига эга бўлади.

Ижро ҳокимияти фаолиятида президент иштирокининг энг фаол кўринишлари - бу унинг ҳукумат мажлисларида раислик қилиши, ҳукумат ёки унинг раиси томонидан мамлакатдаги вазият юзасидан давлат бошлиғига ахборот бериб боришидир. Президентнинг ҳукумат мажлисларида раислиги шакли турли мамлакатларида турлича бўлади. Президентлик республикаларда Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи (айрим мамлакатларда ҳукумат раиси) бўлганлиги сабабли, унинг ҳукумат (агар коллегиял орган сифатида мавжуд бўлса) мажлисларида раислигининг ташкилий-ҳуқуқий масаласи баҳс-мунозарадан холидир. Сабаби мазкур бошқарув шаклининг моҳияти давлат бошлиғида ижро ҳокимияти олий органининг мажлисларида раислик қилиш ваколати мавжуд бўлишини тақозо этади. Парламентар республикаларнинг қонунчилиги ва амалиёти Президент ҳукумат мажлисларида раислик қилиши мумкинлигини назарда тутмайди. Ярим президентлик республикаларида эса давлат бошлиғининг ҳукумат мажлисларида раислиги ҳам ҳуқуқ, ҳам ваколат кўринишида қонунчиликда мустаҳкамланган бўлиши мумкин. Масалан, Францияда ҳукумат икки шаклда мажлис ўтказади. Вазирлар Кенгаши - ҳукуматнинг кенг доирадаги мажлиси бўлиб, унга Президент раислик қилса, Вазирлар Маҳкамаси (худди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раёсати мажлисига ўхшайди) - ҳукуматнинг тор доирадаги мажлиси, унга Премьер-министр раислик қилади (бу мажлисда давлат бошлиғи раислик қилиш ҳуқуқига эга эмас). Вазирлар Кенгаши мажлисида давлат бошлиғининг раислиги зарурий шартлардан бўлиб, ушбу мажлисда унинг топшириғига кўра Премьер-министр ҳам раислик қилиши мумкин, бошқа ҳолларда ҳукумат кенг доирада мажлис ўтказишга ҳақли эмас. Россияда ҳукумат мажлисларида унинг раҳбари раислик қилади. Президент эса нафақат ҳукумат мажлисларида, балки унинг раёсати мажлисларида ҳам раислик қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳукумат ёки унинг раиси томонидан мамлакатдаги вазият (бу ерда ижтимоий-иқтисодий вазият юзасидан десак биров хато бўлар эди, сабаби баъзи мамлакатларда, асосан парламентар республикаларда ҳукумат мамлакат мудофаа ва хавфсизлиги учун ҳам масъул ҳисобланади) юзасидан давлат бошлиғига ахборот бериб бориш амалиётига тўхталадиган бўлсак, ушбу ҳуқуқий муносабат дунёнинг деярли барча мамлакатларида, ҳатто, мусулмон фундаментализмига мансуб, шунингдек, давлат бошлиғи "кучсиз" президент бўлган Европа мамлакатларида ҳам мавжуд. Масалан, англосаксон ҳуқуқ тизимига мансуб мамлакатларнинг аксариятида ҳукумат раҳбари давлат бошлиғига ҳар ҳафта ахборот бериб боради, баъзи мамлакатларда эса ушбу жараёнда тегишли вазирлар ҳам иштирок этади. Бошқа бир қатор давлатларда эса ҳукумат (раиси) томонидан Президентга ахборот бериб боришнинг муддатлари белгиланмаган бўлса ҳам, унинг ҳуқуқий асослари конституция ёки қонунчиликда назарда тутилади. Ҳукуматнинг мамлакатдаги вазият юзасидан давлат бошлиғига ахборот бериб бориши Президент ва ҳукумат муносабатларининг ўзига хос предмети бўлиб, унинг аҳамияти мамлакатдаги бошқарув шаклига бевосита боғлиқдир. Сабаби, парламентар республикаларда ҳукумат бундай мажбуриятга эга бўлгани билан у расмий характерда бўлса, президентлик (агар коллегиял орган сифатида мавжуд бўлса) ёки ярим президентлик республикаларида унинг аҳамияти ниҳоятда юқори бўлади, зеро бундай давлатларнинг аксариятида Президент мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати учун масъул бўлиб, ҳукуматнинг, шу жумладан, давлат бошлиғи олдидаги ҳисобдорлигининг (жавобгарлиги) амалий ифодаси ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида президент ва ҳукумат муносабатларининг энг муҳим предметларидан бири - бу мазкур икки субъектнинг ҳуқуқ ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги юзага келувчи муносабатлари бўлиб, уларнинг ичига президентнинг ижро этилиши мажбурий бўлган актлар қабул қилиши ва уларнинг контрассигнация қилиниши, давлат бошлиғининг ҳукумат актларини қабул қилишдаги иштироки ва уларни бекор қилиш ваколатини киритса бўлади.

Юқорида қайд этилган муносабатлар ҳам мамлакатдаги бошқарув шакли ва унинг ўзига хос хусусиятларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Масалан, барча мамлакатларда давлат бошлиғининг актлари ижро этилиши мажбурий ҳисобланади. Фақат парламентар ва бир қатор ярим президентлик республикаларида (масалан, Франция) Президент томонидан қабул қилинадиган актлар (асосан, ижро ҳоқимияти соҳасида) ҳукумат раиси, айрим ҳолларда эса соҳа бўйича вазир томонидан контрассигнация қилиниши лозим. Президентлик республикаларида (агар ҳукумат коллегиял орган сифатида мавжуд бўлса) ва бир қатор ярим президентлик республикаларида (масалан, Россия) ҳукумат томонидан қабул қилинаётган актлар (асосан, аҳамияти жиҳатдан юқори бўлган ва президент ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича қабул қилинаётган) давлат бошлиғи билан келишилиши лозим. Президентнинг ҳукумат актларини бекор қилиш ваколати президентлик (агар ҳукумат коллегиял орган сифатида мавжуд бўлса) ва айрим ярим президентлик республикаларида кенг тарқалган ҳуқуқий муносабатлардан бўлиб, асосан, ҳукумат актлари, агарда улар конституция, қонунлар ва давлат бошлиғи актларига зид бўлганда бекор қилинади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Президент ва ҳукумат ижро ҳоқимиятининг икки мустақил соҳиби бўлиб, уларнинг ўзаро муносабати бутун ижро ҳоқимияти механизмини ҳаракатга келтиради. Мазкур муносабатларнинг қай йўсинда амалга оширилиши давлат бошлиғининг давлат ҳоқимияти тизимидаги ўрни, унинг бошқарув потенциали ва сиёсий ролини акс эттириш билан бирга, ҳукуматнинг ҳоқимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни, унинг олий ижро ҳоқимияти органи сифатидаги мақоми, ваколатлари ва масъулиятининг доирасини белгилаб беради. Давлат бошлиғи ва ҳукумат ўртасида юзага келувчи муносабатлар ижро ҳоқимияти соҳасида амалга оширилиб, мазкур икки субъект фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади. Шу сабабли ҳам, давлатчилик тараққиётининг бутунги босқичида президент ижро ҳоқимият бошлиғи бўлмаса ҳам, ҳукумат билан ўзаро муносабати орқали давлат бошқарувини амалга ошириши самарали механизмдир. Чунки президентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми ўзига хослиги, унга ҳам давлат бошлиғи сифатида, ҳам ижро ҳоқимияти соҳиби сифатида фаолият юритишига барча шарт-шароитлар яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши. - Т.: "Ўзбекистон", 2011. - Б. 501-503.
2. Ашаев Д.С. Роль Президента и Правительства Российской Федерации в осуществлении исполнительной власти. Дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2003. - С. 61.
3. Бобылёва К.Н. Полномочия Президента Российской Федерации в сфере исполнительной власти. Дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2007. - С. 3.
4. Гаджи-Заде Э.А. Конституционные модели формы правления и институт президентства в странах СНГ. Дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2005. - С. 13.
5. Жакке Ж.-П. Конституционное право и политические институты. - М.: "Юристъ", 2002. - С. 130.
6. Исполнительная власть, судебная власть и учредительная власть во Франции. - МИД; МКСЦВЕ, 1993. - С. 16.
7. Конституционные основы, формы и методы государственного управления. - М.: "ЮНИТИ-ДАНА", 2012. - С. 533.
8. Марино И. Сравнительно-правовой анализ конституционно-правовых отношений президента с иными высшими органами государственной власти (опыт России, Италии, США и Франции). Дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2005. - С. 77.
9. Хазанов С.Д. Правительства Российской Федерации в системе органов государственной власти. Конституционное основы организации и функционирование институтов публичной власти в России. - Екатеринбург, 2001. - С. 32-33.
10. Чиркин В.Е. Глава государства. Сравнительно-правовые исследование. - М.: Норма ИНФРА-М, 2010. - С. 209.
11. J.Q.Wilson, J.J.Dilulio Jr. American Government: Institutions and Politics. - Lexington, 1995. - P. 360.

ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Маълумки, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, модернизациялаш, иқтисодни эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, кўп жиҳатдан ҳуқуқий таълимни ривожлантиришни, юридик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш услубларини сифат томонга ўзгартиришни тақозо этади. Бинобарин, ушбу мақолада замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида мукамал ҳуқуқий таълим тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти эканлиги таъкидланган. Бундан ташқари, таълимга хусусан, ҳуқуқий таълим масалаларига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор берилаётганлиги бежиз эмаслиги ҳамда бу борада қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар тўғрисида батафсил ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси мамлакатда эришилган саводхонлик даражаси билан том маънода фахрланса арзийди. Ҳолбуки, саноати ривожланган барча мамлакатларда ҳам бундай юксак кўрсаткичларга эришилаётгани йўқ. Шундай экан, Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги бундан кейинги вазифалари янада юксаклигича қолади, яъни таълим сифатини ошириш, таълимдан умумий фойдаланиш имкониятларини сақлаш ва аҳолини умри давомида ўқитиш ишларини яна ҳам юқори даражада амалга ошириш асосий вазифа бўлиб қолаверади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга бу борада дунёда етакчи ўринни эгаллаш имконини беради.

2007 йилда ишлаб чиқилган аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясида яқин келажақда миллий ривожланишни таъминлаш тизимидаги таълим соҳасига доир эҳтиёжлар ўз ифодасини топган. Ушбу мақолада мазкур вазифага тўхталиб ўтилган бўлиб, Ўзбекистонда ривожланишни амалга ошириш борасидаги ишларда қатнашаётган миллий ҳамда халқаро ҳамкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг кўламли ахборот, статистика маълумотлари, таҳлил ва тавсиялар келтирилган. Ҳисоботда келтирилган таълимнинг серқирра жиҳатлари орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учун алоҳида аҳамиятга эга бўлганларини қайд этиб ўтмоқчиман, яъни: таълим олиш инсоннинг асосий ҳуқуқи сифатида инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, инсоннинг барча ҳуқуқ ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаш, шунингдек, барча халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беришга қаратилгандир.

Миллатнинг ижтимоий жиқлашуви ва уйғунлашувига хизмат қиладиган таълим-тарбия оиладан бошланиши лозим. Оила ҳар бир бола учун биринчи мактаб, асосий таълим-тарбия ўчоғи ҳисобланади. Болаларнинг оилада таълим-тарбия олиши уларнинг келажақда ривожланиши учун ниҳоятда муҳимдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таълимга кўмаклашишни нафақат тўғри ва асосий бирдан-бир мақсад, балки одамлар онгу шуурида тинчликсеварлик асосларини яратиш воситаси деб ҳисоблайди. Уйимиз ва оиламизда аҳиллик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва тинчликсеварликни ўргатмасак ва ўрганмасак, жамиятда ушбу қадриятларни амалга ошира олмаймиз. Узлуксиз таълим катта ёшли аҳоли билим даражасини мустаҳкамлашнинг асосий шарти саналади. Бу ёшдаги одамлар ўз оиласи фаровонлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш билан бир қаторда, ўз халқи иқтисодий фаровонлигининг янада юксалишига салмоқли ҳисса қўшишга қодир. Бу эса барча муҳим ижтимоий мақсадларга эришишга кўмаклашишда ҳаётий зарур восита ҳисобланади. Айни пайтда мавжуд жами техник воситалар муайян даражада барча ёшдаги одамларнинг таълим марказларидан олисда яшашидан қатъи назар, улар учун таълим олиш имкониятини яратади. Таълимнинг ҳаётда тутган ўрни фуқаролар, фуқаролик жамияти ва хусусий секторнинг таълим соҳасидаги ташаббусларни режалаштириш ва амалга оширишда давлат сектори ролини ошириш ҳамда кучайтиришда фаол иштирок этишини тақозо этади.

Шу ўринда Президент И.Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида бу борада таъкидлаган ушбу фикрларини келтириб ўтсак: "Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши асосий қонуниimizда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир. Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди - бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси" [1].

Бугунги кунда юридик таълим ва фан мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда, қонунчиликни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишда, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлаш ҳуқуқий таълим сифати билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳозирги ҳуқуқий модернизация шароити ҳамда бу босқичдаги ислохотлар ҳуқуқий таълим-тарбия ва ҳуқуқий саводхонликни янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Зеро, "жамият ва давлат ижтимоий фаол ва қонунга итоаткор фуқароларни тарбиялашдан манфаатдордир. Давлат жамият маданий ҳаётининг таркибий қисми бўлиши ҳуқуқий маданият тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилади. Ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини беришдан иборатдир". [2]

Халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва маданияти, замонавий технология, фан ва техника ютуқлари асосида мукамал ҳуқуқий таълим тизимини шакллантириш мамлакат ривожланишининг муҳим шартларидан бири эканлиги бугунги кунда кўпчиликка аён бўлиб қолди.

Шу боис, истиқдолнинг дастлабки кунлариданоқ таълим тизимини жадал ислох қилишга киришилди. МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб таълим тизимининг мустақкам ҳуқуқий асосларини белгиловчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июндаги "Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг Комплекс дастури тўғрисида"ги 296-сонли қарори, 1997 йил 29 августда тасдиқланган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 235-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури", Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги 1997 йил 25 июндаги Фармони, "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш" тўғрисидаги 1997 йил 6 октябрдаги Фармони, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги 2001 йил 4 январдаги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги 2000 йил 21 сентябрдаги қарори шулар жумласидандир.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши мамлакатимизда ҳуқуқий таълимни тизимли ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу фармойишда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш баробарида бошланғич таълим босқичи учун "Конституция оламига саёҳат", "Конституция алифбоси"; ўрта маълумот босқичи учун "Конституция сабоқлари", "Давлат ва ҳуқуқ асослари"; академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун "Ҳуқуқшунослик", "Конституциявий ҳуқуқ" каби фанлар бўйича дарслар жорий этилди. Мазкур таълим босқичларида инсон ҳуқуқларига оид билим асослари, қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ стандартларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча вилоятларда ҳуқуқ йўналишидаги ихтисослаштирилган лицейлар, республика пойтахтида ана шундай лицей билан бир қаторда иккита юридик коллеж самарали фаолият кўрсатмоқда.

Айни вақтда биз ҳуқуқий таълимнинг муҳим мақсадларидан бири бу маънавий етук инсонни камол топтиришдан иборат эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишимиз ўринли бўлади: "Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида

содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айти замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак"[3].

Шу маънода, ҳуқуқий таълим самарадорлигини ошириш ва уни замон талаблари асосида ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этиб ўтилган вазифаларнинг самарали ҳал этилиши мамлакатимизда таълим соҳасида амалга ошириладиган умуммиллий давлат дастурларининг ижросини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ-1990-сонли "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакатда ўтказиладиган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мадомики, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиладиган экан, ундаги ҳар бир фуқаро ҳуқуқ асосларини, унинг амал қилиш тамойилларини, асосий ҳуқуқий норма ва қоидаларини билиши зарур. Ушбу жараён, айтиқса, таълим муассасаларида амалга ошириладиган ҳуқуқий билим беришнинг пировард мақсадини ташкил этмоғи лозим. Зотан, ҳуқуқий тарбияда қуйидаги мураккаб вазифаларни ҳал этиш: биринчидан, таълим олувчиларга ўзини ва бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда, амалий фаолиятда олинган ҳуқуқий билимларни мустақил татбиқ қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш; иккинчидан, қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ фақат қонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш йўл-йўриқларини шакллантириш; учинчидан, ҳар қандай ҳуқуқбузарликка нисбатан қатъий муносабатда бўлиш фазилатини тарбиялаш имконини беради. Зеро, давлатимиз раҳбари И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, "... одамларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, керак бўлса, умумий маданиятни ўстириш - бу албатта керак. Ўқув юрларида, ишхоналарда, ёшми, қарими - аҳолининг барча қатламлари ўртасида бу ишни узлуксиз олиб бориш муҳим аҳамиятга эга" [4].

Мухтасар қилиб айтганда, сўз билим ва таълим олиш ҳақида кетар экан, буюк алломаимз Юсуф Хос Ҳожибнинг бу борадаги фикрини келтириб ўтиш ўринлидир: "Барча эзгуликлар билим нафи туфайлидир. Билим билан ҳатто, осмонга ҳам йўл топилади. Дунёда билимдан ҳам азизроқ яна нима бор, билимсиз деган сўз одам учун нечоғлик хунук ҳақорат". Буюк адибнинг бундан бир неча аср илгари айтган фикрлари бугун айти ҳақиқатдир.

Ёшларимиз нафақат ҳуқуқий билимларини, қолаверса, бошқа илм соҳаларини ҳам мукамал эгалламоғи даркор. Бунинг учун эса юртимизда барча шароит ва имкониятлар яратилган десак муболаға бўлмайди. Бироқ ўз ҳуқуқларидан оқилона фойдаланиш учун ёшларимиз онгида ҳуқуқий таълимни сингдириш биз - ўқитувчилар олдида турган долзарб вазифа бўлиши керак десак хато бўлмайди. Абу Наср Фаробий айтганидек: "Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади". Зеро, ҳуқуқий таълим - ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятни шакллантиришнинг зарурий воситаси, ҳуқуқий давлатнинг таянчидир. Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бош мақсадимиз экан, ҳуқуқий таълимнинг мукамал замонавий тизимини яратиш биринчи даражали вазифамиз бўлмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: "Маънавият", 2013. - Б.62-63.

2. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. - №9. - 227-модда.

3. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. - Т.: "Ўзбекистон", 1999. - Б.381

4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. -Т.: "Ўзбекистон", 2002. - Б.155.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОТАРИАТГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мазкур мақолада нотариат соҳасига амалга оширилаётган ислохотлар, ўз навбатида фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини ҳар томонлама нотариал идоралар томонидан самарали ҳимоя қилиниши, охириги йилларда нотариатга оид қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ тақлиф ва мулоҳазалар берилган.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг янгича мазмун касб этиши, шартнома тузиш ва унга амал қилиш маданиятини юқори босқичга кўтариш жараёнида нотариал идораларнинг ўрни беқиёс. Нотариал идораларнинг фаолияти мамлакатимизда 1996 йилнинг 12 декабрида қабул қилинган "Нотариат тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади. Таъкидлаш жоизки, мазкур Қонунда мамлакатимизда давлат нотариуслари, уларнинг ҳуқуқ, мажбурият ва ваколатлари ҳамда нотариуслар мавжуд бўлмаган ҳудудларда нотариал фаолиятни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар фаолиятининг асосий йўналишлари аниқ ифодалаб берилган.

Нотариуслар жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қиладилар ва таъминлайдилар.

Ўзбекистоннинг нотариатга оид қонунчилиги комплекс ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади. Булар орасида Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонуни алоҳида ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, мазкур соҳа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2006 йил 8 ноябрдаги ҳайъат қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳузурида стажировка ўташ тартиби тўғрисида"ги Низом, шунингдек, Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2006 йил 8 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган ҳамда 2006 йил 18 ноябрдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида"ги Низом, Адлия вазирининг 2006 йил 19 июндаги "Нотариал идоралар томонидан бериладиган гербли бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича ҳисобот бериш Қоидалари"ни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи, вазирликнинг 2005 йил 12 ноябрдаги ҳайъат қарори билан тасдиқланган "Муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонуни 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган [1]. Қонун мазкур соҳани ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган махсус ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, у 2 бўлим, 17 боб, 93 моддадан иборат. I бўлимда нотариат фаолиятининг ташкилий асослари, II бўлимда нотариал ҳаракатлар ва уларни амалга ошириш қоидалари ҳақида сўз боради. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат. Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатларни, қонунга асосланган ҳолда, давлат нотариал идорасида ишловчи нотариуслар амалга оширади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида, Президент Ислон Каримовнинг 2010 йил 5 майда имзолаган "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони [2] нотариат институтлари фаолиятида ўзига хос бурилиш ясади. Айнан мазкур Фармон билан ўзини оқлай олмаган хусусий нотариуслар

фаолиятига чек қўйилиб, республика ҳудудидаги барча хусусий нотариал органларга "давлат нотариал идораси" мақоми берилган бўлса, иккинчидан, нотариусларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди ва ёш (25 беш ёшдан кичик бўлмаган) цензи белгиланди.

Уқоридаги Фармон ижроси юзасидан 24 та, шу жумладан, 1 та қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 5 та қарори ва Адлия вазирлигининг 18 та норматив ҳужжати ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида нотариал архивлар ҳамда қўшимча равишда 220 та давлат нотариал идораси ташкил этилди.

Умуман олганда, бугунги кунда **юртимиздаги давлат нотариал идораларининг сони 540 тани, нотариуслар сони эса 738 нафарни** ташкил этмоқда. Шунингдек, **1308 нафар нотариус ёрдамчиси, котиби ва архивариус** лавозимлари жорий этилган [3].

2014 йил 14 майда қабул қилинган "**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**"ги Қонун билан нотариус лавозимига кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш ва нотариат соҳасини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида, судьялик лавозимида камида беш йил ёки нотариат соҳасида раҳбарликни амалга оширувчи ва назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировка муддати бир йилга қисқартирилди. Нотариуслар уч йилда камида бир марта ўз касбий малакасини ошириши лозимлиги шарт қилиб белгиланди.

Шу билан бирга, Адлия вазирининг 2015 йил 29 декабрдаги "Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга [4] ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи билан 2016 йилнинг 1 июлидан бошлаб нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш икки босқичда:

а) *биринчи босқич - тест синов;*

б) *иккинчи босқич - ёзма-оғзаки ўтказилиши белгиланди.*

Тест синовларида нотариус лавозимига номзодларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий, хорижий тиллар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим даражаси аниқланиши назарда тутилди.

Соҳага оид қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш, шунингдек, амалиётда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал этиш мақсадида қонун ҳужжатлари хатловдан ўтказилиб, нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Адлия вазирининг 2014 йил 15 августдаги "Аҳолига нотариал ҳаракатларга оид бепул маслаҳат бериш кунларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинди. Бугунги кунда жойларда аҳолига нотариал ҳаракатларга оид бепул маслаҳат бериш кунлари ташкил этилган бўлиб, тегишли режалар асосида нотариуслар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилмоқда.

Адлия вазирининг 2014 йил 30 сентябрдаги "Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахсларни ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинган бўлиб, унга кўра, ҳар бир давлат нотариал идорасида аҳолига қулай бўлган жойларда "Ахборот бурчаги" ташкил этилди. Ушбу "Ахборот бурчаги"да нотариал ҳаракатни расмийлаштириш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва тўловлар (давлат божи, герб йиғими ва пуллик хизмат) миқдори, шунингдек, давлат божи тўлашдан озод этиладиган шахслар ҳақидаги маълумотлар, апостиль (легализация) қилиш тартиблари, ушбу масалалар билан шуғулланадиган ташкилотлар ва ходимлар ҳақида маълумотлар, шунингдек, "ишонч телефони" рақамлари ва бошқа муҳим маълумотлар акс эттирилди.

Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органларининг расмий веб-сайтларида нотариал ҳаракатлар учун давлат божи, пуллик хизмат ва герб йиғимлари қийматининг автоматлаштирилган ҳисобкитобини амалга оширишни назарда тутувчи электрон калькулятор дастури яратилди. Унга кўра, жисмоний ва юридик шахслар аниқ нотариал ҳаракатлар бўйича тўловлар миқдори ҳақида олдиндан билиш имконига эга бўлишди.

Адлия вазирининг 2014 йил 30 сентябрдаги буйруғига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида қўшимча равишда 9 нафар нотариус, 9 нафар нотариус ёрдамчиси ва 9 нафар нотариус котиби штат бирлиги жорий этилди.

Шунингдек, Адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги буйруғи билан Давлат нотариал идоралари нотариуслари ва бошқа ходимларининг касб этикаси қоидалари тасдиқланиб, нотариуслар

ва бошқа ходимлар учун мажбурий бўлган касбий бурчлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатлари белгиланди, уларга нисбатан янги талаблар қўйилди.

Шу билан бирга, амалиётда мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда ҳукуматга киритилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда нотариат соҳасидаги ислоҳотлар нота-риал ҳаракатларни амалга оширишдан манфаатдор бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан ўрнатилган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлашга, нотариусларнинг эса мижозлар олдидаги мажбуриятларини виждонан ва ҳалол бажаришига йўналтирмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги "Нотариат тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 2-сон, 42-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 18-19-сон, 137-модда.

3. Ўзбекистонда нечта нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари мавжуд? <http://xushnudbek.uz>

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2015 йил 29 декабрдаги "Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 391-мх-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2165-6, 29.12.2015 й.) таҳририда - ЎР ҚХТ, 2015 й., 52-сон, 654-модда.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИДА ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мақолада қонуности ҳужжатлари тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида тутган ўрни ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида, хусусан, қонуности ҳужжатларининг юридик табиатини аниқлаш билан боғлиқ масалаларга тўхталиб, уларнинг назарий жиҳатдан асосланган илмий ечимлари кўрсатиб ўтилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат турлари уларнинг юридик кучи ва вазифа ҳамда функцияларидан келиб чиқиб, қонунлар ва қонуности ҳужжатларига бўлинади. Қонуности ҳужжатлари ва уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида тутган ўрни ҳақида кўпгина миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар тўхталиб ўтишган. Жумладан, юридик фанлар доктори, профессор З.Исломов қонуности ҳужжатиغا қуйидагича таъриф беради: "қонунни бажариш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат, яъни қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжати - қонунга мувофиқ чиқарилган ва унга зид келмайдиган ҳужжатдир". З.Исломов қонуности ҳужжатларига нисбатан умумлашган тушунча сифатида ёндашиб, у олий вакиллик органлари, Президент, ҳукумат ҳужжатларидан тортиб то маҳаллий бошқарув органлари (ҳокимликлар) фармойишларигача - энг хилма-хил норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар, фармойишларни қамраб олишини таъкидлайди [1].

Ю.А.Тихомировнинг фикрига кўра эса, қонуности ҳужжати дейилганда, қонун асосида ва уни бажариш юзасидан чиқарилган ҳужжат тушунилади. Қонуности ҳужжати қонунга зид бўлиши мумкин эмас [2]. Ўзбекистон юридик энциклопедиясида қонуности ҳужжатиغا давлат ҳокимияти органларининг қонунга нисбатан пастроқ юридик кучга эга бўлган ва қонунларни ижро этиш бўйича чиқарган ҳужжати сифатида таъриф берилган [3].

Қонуности ҳужжати дейилганда, миллий қонунчилигимизга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари тушунилади [4].

Албатта, қонун масалага умумий ёндашган ҳолда ушбу муносабатларга оид принципаал нормаларни ўрнатишини таъкидлаш жоиз. Мазкур нормалар асосида эса қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилади. Буни қонун ижодкорлигининг ўзига хос мантиқий кўриниши дейишимиз мумкин. Сабаби, қонунда акс этган умумий хулқ-атвор қоидаларини амалиётда самарали рўёбга чиқарилиши учун қонуности ҳужжатлари ниҳоятда зарур. Агарда қонуности ҳужжатларининг мазмун моҳиятига диққат билан назар соладиган бўлсак, уларда, асосан, моддий нормалардан кўра процессуал нормалар кўпроқ жой олганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойиш чиқаради. Мазкур ҳужжатлар вазифа ва функциялари жиҳатдан фақат қонун ҳужжатларини ижро этиш учун эмас, балки Президентга юклатилган ваколатларни амалга ошириш учун ҳам чиқарилади. Президент томонидан чиқариладиган фармон, қарор ва фармойишлар ҳар доим ҳам норматив характерда бўлмайди. Уларнинг аксарияти индивидуал хусусият касб этади. Бу ҳолат норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида учрайдиган муаммолардан бири ҳисобланади. Сабаби, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида" Қонунининг 5-моддасида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари сифатида Президентнинг фармон, қарор ва фармойишлари умумий ҳолда белгилаб қўйилган [4]. Уларни норматив аҳамиятга эга бўлганларинигина норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури сифатида келтириб ўтиш керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар ҳам қонуности ҳужжатлари иерархиясининг кейинги босқичида туради. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунига кўра, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади" [4]. Лекин ушбу Қонуннинг 5 моддасида санаб ўтилган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар турлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари кўрсатилмаган. Бу ҳолатни қонунчилик нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, масалага аниқлик киритиш жоиз. Зеро, амалиётда бу борада баъзи тушунмовчиликлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94 моддаси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармон, қарор ва фармойишлар чиқариши белгиланган ва ушбу конституциявий норма асосида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунида норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тури сифатида мазкур ҳужжатларнинг учаласи ҳам келтириб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98 моддасига кўра: "Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради". Лекин Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунида Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқариладиган фармойиш норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари сифатида кўрсатилмаган. Мазкур ҳолатга бошқа қонун ҳужжати, яъни 2003 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг "Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуни орқали ойдинлик киритиш мумкин. Ушбу Қонуннинг 20 моддаси биринчи қисмида Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқариши айтиб ўтилган. Шу модданинг кейинги қисмида Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқариладиган қарор ва фармойишларнинг ҳуқуқий табиати очиб берилган. Жумладан, иккинчи қисмида Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий тусдаги ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида қабул қилиниши айтилган бўлса, учинчи қисмида Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилиниши белгилаб қўйилган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, тезкор ва жорий масалалар бўйича чиқариладиган фармойишлар индивидуал характерда бўлади ва уларни норматив ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиш мумкин эмас. Сабаби мазкур фармойишларда норматив ҳуқуқий ҳужжатлардаги каби кенг одамлар доирасига мўлжалланганлик, такрорий қўлланилиш ва мажбурий тусдаги умумий хулқ атвор қоидаларини белгилаш хусусиятлари мавжуд эмас. Лекин Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжати атрофлича таҳлил қилинганда, баъзи бир масалалар борлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Юқорида тадқиқ қилганимиз Ўзбекистон Республикасининг "Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуни 20 моддаси иккинчи қисмида Вазирлар Маҳкамасининг норматив ҳуқуқий тусдаги ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари қарорлар шаклида қабул қилиниши айтилган. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқариладиган барча қарорларни ҳам норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг бир тури сифатида қабул қилишимиз мумкин эмас.

Қонуности ҳужжатлари ичида кенг қамровли ва турли соҳаларга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солишда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг қарорлари ва буйруқлари алоҳида аҳамият касб этади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколати доирасида буйруқлар ҳамда қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқ ва қарорларини тадқиқ қилишдан олдин, аввало, ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи (чиқарувчи) субъектларни аниқлаштириб олишимиз керак. Вазирлик кўпчилик давлатларда давлатнинг марказий ижро ҳокимияти органи, иқтисодий, ижтимоий ва маданий фаолиятнинг айрим тармоқларида давлат бошқарувини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги "Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-3358 сон Фармонида мувофиқ, вазирликлар давлат бошқаруви органлари рўйхатига киритилган. Давлат қўмитаси эса умумдавлат бошқарув вазифаларини бажарадиган соҳалараро давлат бошқаруви

марказий органидир. Давлат қўмитаси тегишли тармоқ муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3358 сон Фармонида асосан, давлат қўмитаси республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади [5]. Лекин идора тушунчасига аниқлик киритиш керак бўлади. Сабаби бу тушунчанинг изоҳи Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунида ҳам, Ўзбекистон Юридик энциклопедиясида ҳам келтириб ўтилмаган. Ушбу тушунчани аниқлаштирувчи ягона расмий ҳуқуқий ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги "Идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи билан тасдиқланган Идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини кўрсатишимиз мумкин. Унга кўра, идоралар деганда, вазирлик ёки давлат қўмитаси ҳисобланмаган, ижро этиш ва ёки фармойиш бериш функциялари, шунингдек, идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган республика давлат бошқаруви органлари (агентликлар, комиссиялар, марказлар, бошқармалар ва бошқалар) тушунилади.[6] Демак, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар деганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3358 сон Фармони билан белгиланган Давлат бошқаруви органлари тушунилади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади. Идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, агар кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар билан вазирлик ва идорага тегишли идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича ёки тегишли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ваколати берилган бўлса, уларнинг ваколатига киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар маълум бир соҳалар ёки соҳалараро ваколатли органлар бўлганлиги сабабли, катта тузилишга эга ҳисобланади. Лекин норматив ҳуқуқий ҳужжатларни чиқариш ваколати фақат уларнинг марказий аппаратларигагина тегишли ҳисобланади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар муайян муддатларда ишлаб чиқиши керак. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш юзасидан идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш муддати, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қоида тариқасида бир ойдан ошмаслиги керак.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқ ва қарорлари билан низом, қоида ва йўриқномалар тасдиқланиши мумкин. Албатта, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бир неча соҳаларга тегишли бўлиши, шунингдек, муайян вазирлик, давлат қўмитаси тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар бир соҳага тегишли бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўзаро келишган ҳолда норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишига тўғри келади. Бундай норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қарорлар шаклида қабул қилинади. Кўриниб турибдики, юридик кучи жиҳатидан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ва қарорлари Президент фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан кейинги ўринда туради. Қоида тариқасида, буйруқлар вазирлар томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилиш якка тартибда амалга ошириладиган идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинса, қарорлар давлат қўмиталари томонидан ёки идора номидан қарорлар қабул қилишни мазкур идоранинг коллегиял органи амалга оширадиган идоралар томонидан қабул қилинади.

Қонуности ҳужжатлари иерархиясида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қабул қилган қарорлари ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари сифатида норматив ҳужжатларни қабул қилиш санаб ўтилган [1]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунига кўра: "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколати доирасида қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти юқори турувчи органларининг қарорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади".

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исломов З.М Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, "Адолат" - Т., 2007. - Б.601.
2. Ю.А.Тихомиров Конституция. Закон. Подзаконный акт // "Юридическая литература" - М., 1994. - С. 81.
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси.- Т.: "Адолат" 2009. - Б. 613.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда
5. Ўзбекистон Юридик энциклопедияси - Т., 2010 й., Б. 98, 117
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда, 21-сон, 253-модда
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолага Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига меҳнат шартномасини бекор қилишга оид меҳнат низоларини кўрувчи органларнинг, жумладан, судларнинг фаолиятини такомиллаштириш масаласи ҳамда меҳнат низоларини кўришнинг замонавий шакли - медиация институти-ни миллий қонунчилигимизга татбиқ қилишнинг айрим жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари акс эттирилган.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий яшаш шароитини ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва бу масалада фуқароларга етарли кўмак бериш нафақат давлатнинг, балки мамлакатимизда фаолият юритаётган корхона, муассаса, ташкилотлар, иш берувчиларининг зиммасидаги асосий вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир шахс меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида кафолатланган.[1]

Шунингдек, ходимларни ишдан бўшатиш фақат қонунда кўрсатилган тартибдагина амалга оширилиши мумкинлиги ҳам фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг энг муҳим кафолатидир [2]. Ушбу тартибнинг бузилиши эса жавобгарликни юзага келтиради. Шунингдек, ходимларга меҳнат қилиш ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган бўлиб, ходимнинг ҳуқуқлари иш берувчининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида поймол этилса, у ушбу ҳуқуқларини суд воситасида тиклаш имкониятига эга. Шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилишнинг сўнгги инстанцияси ҳам суд ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига [3] меҳнат низолари якка ва жамоаларга доир меҳнат низоларига бўлинади ва ушбу низолар қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат низолари комиссиялари ва фуқаролик ишларини кўрувчи туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади (ЎЗР МК 260-модда). Шунингдек, айрим тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низоларини кўриб чиқиш бошқа Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (ЎЗР МК 276-модда).

Эътибор бериш керакки, Ўзбекистон Республикасида меҳнат низолари фуқаролик ишлари бўйича судларда кўрилади. Аммо, бошқа ривожланган мамлакатларда (Германия, Франция, Англия) меҳнат низоларини махсус судларда кўриш амалиёти ҳам жорий қилинган бўлиб, бунда меҳнат низолари мукамал тарзда ҳал қилинишига эришилмоқда.

Бу борада, М.М.Мамасиддиқов ҳам судларни ихтисослаштириш ва меҳнат низоларини кўрувчи алоҳида судларни ташкил қилиш масаласини илгари сурган. Унинг фикрича, меҳнат ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни кўриб ҳал қилувчи махсус меҳнат ишлари бўйича судларни ташкил этиш фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. [4]

Кўплаб муаллифлар ҳам судларнинг ихтисослашуви, судлар миқдорининг кўплиги, уларни мутахассислар билан таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини суд воситасида ҳимоя қилиш - ҳуқуқий давлат тамойилларининг аниқ кафолати ҳисобланишини таъкидлаб ўтадилар[5].

Меҳнат низоларини кўрувчи ихтисослаштирилган судларни ташкил қилиш таклифи кўплаб мутахассис олимлар томонидан илгари сурилган бўлса-да, ушбу таклифни амалга ошириш жуда мураккаб бўлиб, кўпгина сарф-харажатлар қилинишига олиб келади. Шу сабабли, дастлаб меҳнат низоларини кўрувчи махсус мутахассисликка эга бўлган судьяларни тайёрлаш ва уларни даврий тарзда малакасини ошириб бориш имкониятининг яратилиши ва буни суд амалиётига татбиқ қилиниши таклифини кўриб чиқилиши ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Бу жараёнда ушбу судьялар фуқаролик ишлари бўйича судларда фаолият юритсалар-да, фақат меҳнат низоларинигина кўриб ҳал қилишлари керак бўлади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда меҳнат низоларини ҳал қилишнинг бошқа турлари мавжуд эмас, яъни АҚШ, Европа давлатлари ҳамда айрим МДХ давлатларида бўлгани каби меҳнат низоларини муқобил ҳал қилиш усуллари - арбитраж судлари томонидан меҳнат низоларини кўриш, медиация (воситачилик) орқали низоларни ҳал қилиш ва бошқа усуллар қўлланилмайди. Ушбу давлатларда, жумладан, Россия Федерацияси, Беларусия Республикаси ва Қозоғистон Республикаларида фуқаролик, меҳнат ва оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишнинг медиация орқали амалга ошириладигани, ушбу институтнинг низоларни ҳал қилишда самарали восита эканлигини исботламоқда.

Медиация (инг. Mediation - воситачилик) - бу низоларни муқобил (судгача) ҳал қилиш усули бўлиб, унда бетараф медиатор низолашувчи тарафларга ўзаро мақбул келишувга келишларига ёрдам беради, лекин у низо бўйича қарор қабул қилишга ва тарафларнинг ҳеч бирига маслаҳат беришга ҳақли эмас. Медиация институти қадимги Грецияда эраמידан аввалги II асрнинг бошида қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд [6].

Медиация низоларни муқобил, яъни судгача ҳал қилиш усули бўлиб, низолашаётган тарафлар медиатор (воситачи) ёрдамида ўзаро мақбул ва ҳар икки тараф учун фойдали бўлган қарорга келишади. Албатта, бу жараёнда воситачининг ҳам ўрни бениҳоя катта ҳисобланиб, воситачи қанчалик тажрибали ва нотик бўлса, тарафлар низони тез ва осон ҳамда ҳар иккала томон учун самарали тарзда ҳал қилишади.

Ҳозирги кунда медиация институтидан Европа мамлакатлари, АҚШ ва Австралия фаол равишда фойдаланади. Медиация Россия Федерацияси, Беларусия Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва бошқа МДХ мамлакатларида ҳам кенг қўлланилади ва алоҳида Қонун ҳужжатлари билан тартибга солингандир.

Жумладан, Россия Федерациясида 2010 йил 27 июлда "Воситачи иштирокида низоларни муқобил ҳал қилиш тартиби (медиация тартиби) тўғрисида"ги Федерал Қонун [7] қабул қилинган. Ушбу Қонун фуқаролик-ҳуқуқий, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлардан, меҳнат-ҳуқуқий ва оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиация таомилини қўллаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Қонуннинг 1-моддасига кўра, юқоридаги муносабатлардан келиб чиққан низолар, шунингдек, жамоаларга доир меҳнат низолари медиацияда иштирок этмайдиган учинчи тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ёки оммавий манфаатларга дахл қилса, медиация таомилини қўллаш мумкин эмас. Қонунда, шунингдек, медиация принциплари ҳам қатъий белгиланган бўлиб, улар қуйидагича: ихтиёрийлик, махфийлик, ҳамкорлик ва тарафларнинг тенг ҳуқуқчилиги, холислик ва мустақиллик.

Россия Федерациясида медиация таомили меҳнат муносабатларида фақат жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилишда қўлланилади. Бу қоида Россия Федерацияси Меҳнат кодекси [8] да ўз аксини топган бўлиб, ушбу кодекснинг 403-моддаси, айнан, жамоаларга доир меҳнат низоларини воситачи иштирокида кўришни тартибга солади.

Белорусия Республикасида ҳам медиация институтини меҳнат низоларини ҳал қилишга нисбатан қўллаш қонунийлаштирилган бўлиб, ушбу таомилни қўллаш 2013 йил 12 июлда қабул қилинган "Медиация тўғрисидаги Беларусия Республикаси Қонуни" [9] билан тартибга солинган.

Белорусия Республикаси Меҳнат кодекси [10] да ҳам воситачилик фақат жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилишда қўлланилиши белгилаб қўйилган (382-модда).

Россия Федерацияси ва Беларусия Республикасида воситачидан низо келиб чиқиши билан, яъни низони ҳал қилишнинг дастлабки воситаси сифатида, шунингдек, низони фуқаролик, хўжалик судларида ёки арбитраж судларида кўришда яраштирув институти сифатида қўллаш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Бундан келиб чиқадигани, медиация низони фақат судгача ҳал қилиш усули сифатида эмас, балки судда ҳал қилиш усули ҳам бўла олар экан.

Қозоғистон Республикасида ҳам низоларни медиация воситасида ҳал қилиш 2011 йил 28 январда қабул қилинган "Медиация тўғрисида"ги Қонун [11] билан тартибга солинган бўлиб, Россия ва Беларусия Республикаларидан фарқли равишда, жиноят ишларини судда кўришда ҳам медиатордан яраштирув воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлиги белгиланган.

Аммо, ушбу давлатларда медиация фақат жамоаларга доир меҳнат низоларни ҳал қилишда қўлланилиши медиацияни тор доирада қўллаш шакли бўлиб қолган. Шу сабабли, кўпгина россиялик олимлар медиация институтини яқка меҳнат низоларини ҳал қилишда ҳам қўллашни, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилишдан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал қилиш воситаси сифатида қўллаш зарурлигини таъкидлаб ўтишган.

Жумладан, Н.А.Князева "медиация - ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шакли" экан-

лиги сабабли, Россия Федерацияси Меҳнат Кодексининг 382-моддасида бўшлиқ борлигини алоҳида таъкидлаб, медиацияни "якка меҳнат низоларини ҳал қилиш шакли", деб эътироф этади [12].

Минкинанинг Н.И. фикрича эса, РФ МҚда медиация билан боғлиқ айрим нормаларнинг мавжуд эмаслиги, унинг йўқлигини ёки меҳнат муносабатларида қўллаш мумкин эмас, деган мазмунни келтириб чиқармайди. Чунки, Россия Федерацияси Конституциясида ҳар ким ўзининг меҳнат ҳуқуқини Қонунда тақиқланмаган ҳар қандай йўл билан ҳимоя қилиши мумкин эканлиги ўз аксини топган [13]. Шунингдек, унинг таъкидлашича, медиацияни якка меҳнат низоларини ҳал қилишга нисбатан қонунда белгиланмаган, медиациянинг ушбу низоларни кўришда оддий ахборот бериш характерида тавсифлашга олиб келар экан. Шу сабабдан ҳам, бу РФ Меҳнат кодексининг камчилиги бўлиб, кодексга бу масалада тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурлигини таъкидлаган [14].

Оқоридаги фикрлардан хулоса тарзида айтиш мумкинки, РФ МК нормалари келгусида такомиллаштирилиб, якка меҳнат низоларини медиатор, яъни воситачи иштирокида ҳал қилиш масаласи кодексга киритилади.

Шуларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида медиация институти ҳали ҳам жорий қилинмагани - бу низоларни ҳал қилишнинг муқобил вариантлари йўқлигини билдиради.

Демак, меҳнат низоларини, асосан, якка меҳнат низоларини кўришда медиацияни қўллаш келгусида ўзининг ижобий натижаларини бериши мумкин. Айниқса, меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган босқичда ёки айнан бекор қилиш босқичида медиатор (воситачи)нинг маслаҳатларидан фойдаланиш бу борада ходим ва иш берувчи ўртасида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олади, десак адашмаган бўламиз. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида ҳам "Медиация (воситачилик) тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, меҳнат низоларини кўришда ва ҳал қилишда воситачининг ҳуқуқий мақомини белгилаб бериш мақсадга мувофиқдир. Бунда медиация (воситачилик) фақат жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилиш воситаси сифатида эмас, балки якка меҳнат низоларини ҳал қилиш ва тарафларнинг келишувига эришиш воситаси сифатида жорий қилиниши фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини янада таъминлаган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон" 2012 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Муаллифлар жамоаси. - Т.: "Ўзбекистон", 1995. - Б. 106.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996, 1-сонга илова
4. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. - Т., 2002. - Б. 16.
5. Шорахметов Ш.Ш. Суд тизимини ислоҳ қилиш давр талаби// Қонун номи билан. №3. 1997. - Б. 41.
6. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / нашр учун маъсул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ., маъсул муҳаррир Н.Тойчиев. - Т.: "Адолат", 2010. - Б. 300.
7. "Об альтернативной процедуре урегулирования споров с участием посредника (процедуре медиации)": Федер. Закон от 27 июля 2010 г. № 193-ФЗ//СЗРФ.2010, №31. Ст. 4162. www.consultant.ru.
8. www.svobodny-trud.ru
9. www.kodeksy-by.com
10. www.mojazarplata.by
11. www.online.zakon.kz
12. Князева Н.А. Сфера применения процедуры в трудовом праве // Актуальные проблемы Российского права. - 2014. - № 6.
13. Н.И.Минкина. Некоторые особенности применения медиации в урегулировании трудовых конфликтов. Вестник Омского университета. Серия "Право". № 3 (44). 2015. - С. 157-162.
14. Н.И.Минкина. Некоторые особенности применения медиации в урегулировании трудовых конфликтов. Вестник Омского университета. Серия "Право". № 3 (44). 2015. - С. 157-162.

ИСТОРИКО - ПРАВОВОЕ РАЗВИТИЕ ИНСТИТУТА МИНИСТЕРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Данная статья раскрывает понятие и смысл института министерства, его историческое появление и развитие на территории современного Узбекистана.

"Современные управленческие кадры должны обладать не только высоким уровнем профессиональных знаний, но и быть широко эрудированными, компетентными людьми, инициативными, болеющими душой за порученный участок работы, творчески подходящими к решению проблем, а главное - быть истинными патриотами своей Родины" [1].

Там, где власть организуется по принципу разделения властей, то орган исполнительной власти олицетворяет обычно правительство. Министерство - это орган государственного управления отдельной сферой деятельности и возглавляются министрами. В разных странах существуют различные министерства, но некоторые из них существуют в подавляющем большинстве стран (Министерство обороны, Министерство иностранных дел, Министерство финансов, Министерство здравоохранения и др.).

В некоторых странах (Швейцария, Филиппины, США) министерства называют департаментами, в Гонконге - Бюро [2].

Слово премьер-министр происходит от французского слова *le premier*, что означает "первый", то есть глава исполнительной власти в государствах.

В каждом государстве своё название Главы исполнительной власти, например: в Латвии - президент министров; Германии и Австрии - канцлер; Болгарии - министр-председатель, в Израиле - глава правительства, в Италии и Перу - Председатель Совета Министров [3].

Современное название "премьер", столь необходимое во многих государствах, впервые появилось в Англии случайно. Король Георг I, родом из Ганновера был чужим в возглавляемом им государстве. Он плохо владел английским языком, мало знал свое окружение, и даже правительство.

Возникла необходимость определения среди прочих министров одного, с тем, чтобы упростить отношения между королем и правительством. Естественно, этот министр и оказался первым (*prime*). Затем должность приобрела свойства не просто первого министра, но и главы правительства [4].

С древних времен на территории Узбекистана существовали различные министерства, но названия и некоторые полномочия были другими по сравнению с настоящим временем. Например, если взять эпоху Амира Темура, то при нем исполнительная власть государства возглавлялась Советом визирей, в состав которого входили семь визирей во главе с главным визирем. Они составляли отчеты о численности населения, развитии торговли и культуры, состоянии надзора в государстве, информировали правителя о работе администрации, положении дел в провинциях, сборе и распределении налогов, податей и т.д. Каждый из визирей выполнял свои определенные функции. Первый визирь по государственным и гражданским делам занимался вопросами сбора урожая, налогов с вилоятов (областей) и туманов (районов) и их распределением. Второй визирь по военным делам отвечал за вопросы довольствия и вооружения армии, информировал о состоянии военного дела в государстве. Третий визирь по делам торговли занимался вопросами на следствия и сбором налогов со скотоводов. Четвертый визирь следил за финансовым состоянием учреждений и ведал государственной казной. При дворе были введены должности еще трех визирей, отвечавших за состояние дел в провинциях и зависимых владениях - вассальных государств, а также ведавших вопросами государственного имущества.

Таким образом, совет визирей представлял собой главное управление по контролю в государстве - Халиса. При совете были учреждены должности: кази (духовный судья); арзбеги (рассмат-

ривал жалобы и заявления от граждан и воинов); садр аъзам (главный чиновник по вакуфному имуществу); шейх ул-ислам (следил за исполнением законов шариата лицами разных социальных сословий); кази ал-куззат (главный судья по гражданским делам); мунши (секретарь, отвечающий за поступление и распределение денежных средств, их учет в государстве). [5]

Амир Темур в своем "Уложении" писал:

"Я требовал от визиря четыре необходимых качества: 1) благородство мыслей и возвышенность души; 2) тонкий и проницательный ум; 3) опыт и привычку жить с солдатом и гражданином; 4) терпимость и способность примирить.

Человек, одаренный этими качествами, заслуживает быть участником в правлении: он будет хорошим министром и мудрым советником. Ему можно вверить бразды правления, начальство над войском и власть над народом. Ему же нужно предоставить доверие, уважение, свободу действий и достаточную власть".

Этим, мы считаем, Амир Темур хотел сказать, что только всесторонне развитый, тонкий в политике, одаренный человек сможет выполнить с достоинством все задачи, возложенные на него.

При правлении Шейбанихана и Шейбанидов исполнительная власть называлась "диван", а глава исполнительной власти "Диван - беги". В Хивинском Ханстве при правлении Кунгратов при Мухаммаде Рахимхане I был образован Диван, который решал государственные задачи. Вторым после хана в Диване считался кушбеги. Он стал первым помощником хана. Все грамоты и указы хана проходили через его руки. После кушбеги в государственном управлении был мехтар - министр финансов хана.

В Бухарском Эмирате главой государства являлся сам Эмир. Главным визирем, управляющим государственными делами, был Кушбеги, который ведал сбором налогов, руководил администрацией Эмира, вел переписку с местными беками, а также ежедневно докладывал эмиру о состоянии дел в эмирате. Все чиновники назначались им, лишь высшее чиновничество назначалось самим Эмиром.

Таким образом, если провести параллель с сегодняшним днем, то Кабинет Министров - полноценный институт, который ведет свою работу во всех аспектах человеческой жизни, старается улучшить все условия для граждан, проживающих на ее территории.

Использованная литература:

1. Каримов И.А. Узбекистан на пути углубления экономических реформ. - Т.: "Узбекистан", 1995. - С.82.
2. Алексеев С.С. и др. Теория государства и права. 2005.
3. Мелехин А.В. Теория государства и права. Учебник. 2007.

4. К.В.Арановский. Государственное право зарубежных стран. Учебник для ВУЗов. - М.: "ФОРУМ-ИНФРАМ", 1998. - С.416-417.
5. "Уложение Темура". - Т.: Издательство литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1999. - С.61.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА РОТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИДАН ҲОИДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида ротация институтининг тутган ўрни ва аҳамияти, унинг такомиллашуви борасидаги муаммоларнинг таҳлили акс этган бўлиб, бу институт хорижий мамлакатлар тажрибаси билан қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган ва шулар натижасида ротация институтини давлат ҳокимияти тизимида қўлланилишининг самарасини оширишга қаратилган келгусидаги истиқболлари таклиф ва тавсиялар сифатида келтирилган.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Демократия инсон, жамият, давлат деган уч субъект ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитиб, керак бўлса, назорат қилиб турадиган тизим демакдир. Бу ҳар қайси инсоннинг жамият билан, жамиятнинг эса давлат билан муносабатини, улар ўртасидаги мувозанатни англатади" [2]. Бинобарин, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг таъминланишида давлат ҳокимияти органлари асосий ўринни эгаллайди. Бу уларнинг самарали фаолияти натижасида кўринади.

Давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини самарали ташкил этишда ротация институти муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. У давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига тааллуқли бўлиб, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Давлат ҳокимиятини амалга оширишда унинг органлари фаолиятида ротация институти такомиллаштириш муаммоларининг сифатли ечимини топиш бошқарув фаолиятини самарасини оширади. Бунга эришишда, авваламбор, тегишли ҳуқуқий кафолатларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, Ўзбекистондаги ротациялаш соҳасидаги асосий муаммолардан бири шундаки, ротациялик фаолияти давлат томонидан мувофиқлаштирилиб келинмоқда. Бу дегани, ротацияни амалга ошириш мақсадлари, вазифалари ва тартиблари борасида ягона давлат сиёсати шакллантирилган бўлиши лозим. Лекин, ҳозиргача бундай мувофиқлаштирув етарлича йўлга қўйилмаган. Бунга далолат шундаки, Ўзбекистонда ҳозирга қадар ротация институти давлат органларининг фаолиятида қўлланилишини тартибга солувчи ягона норматив-ҳуқуқий акт мавжуд эмас. Демак, ҳулоса қилиш мумкинки, ҳозирда ротациялаш соҳасида тизимли ҳуқуқий кафолатлар яратилмаган ва бу давлатни мазкур муҳим бўлган фаолиятини йўналишида ягона ёндашув мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Мазкур масала бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибасига кўра, улар ротация борасида ягона махсус қонун қабул қилиб, шу қонун орқали бошқа барча давлат органларининг ротациялаш механизмларини шакллантирилишини мувофиқлаштириб келмоқдалар.

Бунга мисол тариқасида, Россия Федерациясининг "Россия Федерациясининг фуқаролик давлат хизмати тўғрисида"ги Қонунини келтириш мумкин [3]. Ушбу Қонунда ротацияни ўтказишнинг муҳим талабларидан бири сифатида бошқа жойга ўтказилаётган ходимларни яшаш жойи билан таъминлаш лозимлиги кўрсатилган. Бу ротация ўтказилишининг асосий шартларидан бири этиб белгиланган.

Бу ерда Россиянинг ротация соҳасида бундай ҳуқуқий асосларни яратишдаги тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистонда бундай тажрибанинг қўлланилишининг маъқуллик масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 1995 йилда кўтарилган эди. Жумладан, Президентимиз ўзининг 1995 йил 23 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги "Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари" мавзусидаги чиқишларида таъкидладикки, "... иқтисодий, айниқса,

сиёсий ислохотларнинг муваффақияти, аввало, бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ. Худди шу боис ҳам, давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонун қабул қилиш зарурати сезилмоқда. Бу қонунда ва унинг асосида қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатларда давлат хизматчиларини танлаб олиш тизими, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, масъулияти, униб-ўсиши, ижтимоий ҳимояси, имтиёзлари белгилаб берилган бўлар эди.

Мазкур муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги ўзбошимчаликни, шахсий садоқат, қариндош-уруғчилик каби иллатларнинг пайини қирқади. Қонун кучли рағбатлантириш механизмини вужудга келтириши керак. Сир эмаски, бугун давлат муассасаларида хизмат қилиш на моддий, на маънавий жиҳатдан ҳавас қиладиган машғулот. Бундай қонун қабул қилинган эса, ўз хизмат вазифасига садоқатли, юксак малакали хизматчилардан иборат давлат аппаратига эга бўламиз, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, биз кадрларнинг топширилган вазифа учун жавобгарлигини қаттиқ назорат остига олишимиз керак. Токи ҳар бир раҳбар жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар учун масъул эканини теран ҳис этсин. У белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида одамларни бирлаштириш, ижодий муҳит ярата билиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Биз ноқобил, лоқайд, манман раҳбар кадрлардан тезроқ қутулишимиз керак. Ўзини билимдон ва уддабурон қилиб кўрсатадиган, амалда эса ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган, ўз манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўядиган, эл-юрт ичида обрў қозонолмаган шахсларга раҳбарлар орасида ўрин бўлмаслиги керак" [4].

Шу билан бирга, мазкур ғоялар ҳозирги кунга қадар ўз долзарблигини йўқотмаган. Буни қўйидаги иккита белгиларда кўриш мумкин: биринчидан, ҳозиргача давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонун қабул қилинмаганлигидан; иккинчидан, бундай муаммонинг мавжудлигини ва унинг ислохотларни ҳозирги босқичига қадар етарлича ечилмасдан долзарб масала бўлиб турганлиги Президентимиз И.А.Каримовнинг қўйидаги таъкидидан келиб чиқади: "Бугунги кунда ҳукумат олдида турган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши учун, менинг фикрим бўйича, авваламбор, иккита нарсани талаб қилиш керак.

Биринчи талаб - ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ўз ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш. Бизда баъзи вазирлар борки, йил давомида бирон нарсани сўрамасангиз, ўзича ҳеч қандай таклиф ва ташаббус билан чиқмайди. Уларнинг хаёлида бир гап: ҳеч ким менга тегмаса бас, тинчгина куним ўтса бўлди. Бу энг номаъқул, керак бўлса, энг зарарли ёндашувдир;

Иккинчи масала - ҳукумат аъзоси сифатида сизларга катта ишонч, катта вазифа юклатилган. Лекин шу ишонч, шу вазифага муносиб бўлиш учун ҳар қайсингиз тегишли билим ва тажриба, юқори малакага эга бўлишингиз шарт. Рус тилида буни "компетентность" дейди. Яъни, ўз соҳасида компетентли бўлиш - бу замон талаби. Ўзбекча айтганда, ўз ишининг устаси бўлиш, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш керак.

Биз ҳар бир раҳбарнинг фаолиятига мана шу иккита талабга қай даражада жавоб беришига қараб баҳо берамиз ва хулоса чиқарамиз. Мен бу икки талабдан биринчисига, яъни масъулият масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин, у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди" [5].

Давлатимиз бошлиғи мазкур фикрларни давом эттириб, муаммоларни янада аниқроқ кўрсатиб, уларнинг ечими борасидаги чоралардан бири сифатида айнан ротация институтига эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, Президентимиз таъкидлайдики, "Агар Ғарб давлатларининг биздан устунлиги нимада, деб сўраса, мен қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлигида, деб айтган бўлардим.

Бизда эса кимдир қонунни бузса, айтайлик, солиқни ўз вақтида тўламаса, кечирамиз. Боз устига, солиқчи текшириб келса, айбдор унинг чўнтагига бир нарса солса, бўлди - олам гулистон.

Мана шундай иллатга чек қўйиш учун солиқ идораларидаги раҳбарларни тумандан туманга тез-тез алмаштириб туриш тажрибасини кенг қўллаш зарур, деб ўйлайман" [6].

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, давлат бошлиғимиз кўрсатган кадрлар билан боғлиқ муаммоларни изчил ечишда ротация институтини самарали қўллаш лозим. Бунинг учун, биринчидан, давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонунни қабул қилиш керак; иккинчидан, мазкур қонун асосида давлат органларининг барча соҳаларида, ҳар бир соҳани давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, улардаги кадрларни ротациялаш борасидаги Низомларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

Натижада, давлат ҳокимияти тизимида ротация институтининг ҳуқуқий асосларининг бундай такомиллашуви Президентимизнинг ғоялари асосида давлат фаолияти соҳасидаги муносабатларни

янада соғломлаштиришга, уларни қонун йўли билан тартибга солишга, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги масалаларни самарали ечишда муҳим ҳуқуқий кафолат сифатида хизмат қилади.

Ротация институтини ривожлантиришда хорижий мамлакатларнинг тажрибасини қўллаш учун, авваламбор, бундай тажрибаларни ажратиб олиш принципларини аниқлаб олиш лозим. Бу дегани, қайси давлатларнинг, яъни қандай ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий холикларига эга бўлган давлатларнинг ротация институтига тегишли тажрибаларини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунда, биринчидан, ривожланишнинг демократик йўлини танлаган ва шу йўналишда ривожланиб келаётган давлатлар тажрибаларини; иккинчидан, шулар қаторида тоталитар конституциявий тузумдан демократик тузумга ўтиш сиёсий-ҳуқуқий шароитларида ҳозир бўлган давлатларнинг ва, ниҳоят, учинчиси, бу ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси.

Мазкур масалани ҳал этишда, яъни ротация институтини ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш мақсадида, бу давлатларнинг ҳокимиятнинг барча тармоқларига тегишли ротация борасида ҳуқуқий белгиларини тадқиқ қилиш лозим. Бу дегани, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти органлари фаолиятида ротация институтини қўлланилишининг мақсад, вазифалари, шакл ва услубларини аниқлаш керак бўлади.

Ўз навбатида Ўзбекистонда давлат бошқаруви соҳасида ислохотлар босқичма-босқичлик принципи асосида амалга оширилаётган экан, бунда мазкур талабларнинг қўлланилишининг даврийлигини аниқлаш талаб этилади. Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлайдики: "Ҳеч муболағасиз, бу қонунларни тайёрлашда, аввало, ўтган ўн йил давомида тўплаган ўз тажрибамизга таяниб, кадриятларимиз ва тафаккуримизни ҳисобга олган ҳолда, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасини ҳам ўрганиб, уларни ҳаётга татбиқ қилишимиз муҳим аҳамият касб этади" [7].

Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, Ротация институти ривожланишининг хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари ривожланган демократик давлатларнинг бу борада умумий қонуниятини аниқлаб, Ўзбекистон давлатчилигида қўлланилишининг шакл ва услубларини белгилаб олишни талаб этади.

Бунда ротация институти давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида асосий иккита, яъни режали ва режадан ташқари шаклларда қўлланилишига асосланган ҳолда уни давлат ҳокимияти тармоқларида намоён бўлиш умумий қонуниятининг аниқланганлигини тақозо этади. Демократик хорижий давлатларда айнан шу умумий хусусиятларни Ўзбекистонда қўлланилиши борасида тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш мумкин. Бу ерда уларда ҳокимият тармоғининг давлат органи фаолиятида қай даражада режали ва режадан ташқари ротация қўлланилаётганлигидан ҳам келиб чиқиш керак. Улардаги режали ротация Ўзбекистон билан муштарак, лекин режадан ташқари ротация жиҳатдан фарқларга эга.

Жумладан, агарда давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақомидаги ротация институтини ривожланган демократик давлатлар бўлмиш Европа давлатлари, АҚШ, ривожланган шарқ давлатлари: Япония, Жанубий Корея, шу жумладан, ривожланиб келаётган МДХ давлатларидан Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг тажрибаларига мурожаат қилинса, шуни кузатиш мумкинки, уларда давлат бошлиғини ротациялашда, тахминан, бир хил механизмлар қўлланилади.

Бунда уларнинг бу борадаги тажрибасини Ўзбекистон билан таққослаганда, асосий фарқ давлат бошлиғини режадан ташқари ротацияни мавжудлигидан келиб чиқади. Бу ерда хорижий давлатлар давлат бошлиғини режадан ташқари ротациялаш институтининг ротация тизимига киритганда бир хил, лекин уни қўллаш механизми ўзининг миллий давлатчилигининг хусусиятидан келиб чиқади.

Ўз навбатида, Ўзбекистонда ҳам мазкур механизмни келажақда ротация тизимига киритиш мақсадга мувофиқдир, чунки у ҳокимиятлар бўлиниши принципини янада ривожлантириб боришда ажралмас элемент сифатида хизмат қилади. Хорижий мамлакатларда мазкур механизм, ҳокимиятлар бўлиниши принципи тизимида, ҳокимият тармоқлари орасида мувозанатни таъминлашда айнан ажралмас элемент сифатида кўрилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳозирги вақтда ўз тараққиётида ўтиш даврида экан, бунда энг муҳим масала сифатида давлат фаолиятида барқарорликни таъминлаш асосий масалалардан бири бўлиб кўрилиши керак. Айнан шунинг учун давлат бошлиғини режадан ташқари ротацияси ўзининг асослантилган хусусиятларига эга. Ҳозиргача ротация тизимига киритилмаяпти.

Шу билан бирга, ислохотларнинг келгуси босқичида мазкур ротациялаш механизмни киритиш талаб этилади. Лекин бунда ҳам босқичма-босқичликни қўллаш лозим. Бу дегани, мазкур механизмни киритгандан сўнг уни қўллаш механизми биринчи вақтларда мураккаб бўлиб [8], кейин аста-секин такомиллашиб мувозанатга олиб борилиши керак. Аммо мазкур ротация механизмнинг мавжудлиги ривожланиб келаётган демократиянинг белгиси сифатида қабул қилиниши мумкин.

Жумладан, масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистонга ўз сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларидан ўхшаш давлатларда - Россия, Украина, Қозоғистонда мазкур ротация механизми ўзини оқлаб келмоқда ва салбий оқибатларга олиб келмаяпти. Аксинча, уларда ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг такомиллашувига стратегия белгиланганлиги асос бўлиб хизмат қилади.

Уларда импичмент механизмидаги умумийлик шундаки, мазкур масала фақатгина қўйи палата-си аъзоларининг аксарият қисми томонидан қўйилиши мумкин, ундан кейин махсус комиссия ташкил этилиб, у томонидан айблов матни тайёрланади. Мазкур жараёнда ўз хулосасини берувчи конституциявий ва олий судлар иштирок этадилар. Бунда қарорлар учдан икки қисм билан қабул қилинади. Мазкур жараён тезроқ тугатилиши мақсадида унинг вақти қисқача ўрнатилади. Агарда кўрсатилган вақтда қарор қабул қилинмаса, унда президентга қарши айблов рад этилган бўлади.

Хорижий мамлакатлардаги парламент фаолияти соҳасидаги ротация институтининг аксарият ҳолда парламент аъзолари бўлмиш депутатлар ва сенаторларни режадан ташқари ротациялаш тартиби бўйича тажрибаси Ўзбекистон учун истиқболдир.

Бунда парламент аъзоларини режадан ташқари ротациясининг иккита турини қўллаш истиқболлари мавжуд; бу, тўла ротация; иккинчиси, қисман ротация.

Бу ерда тўла ротация парламент аъзосини мақомидан маҳрум қилиб, унинг тўла мандатини янгилашдан иборат. Бунда парламентдаги қўйидаги ротация механизмларини таққослаш истиқболлари юзага келмоқда:

-биринчиси, бу парламент палатасининг ўз аъзосига интизомий таъсир чораларини кучайтириш ва кенгайтириш;

-иккинчиси, парламентни тарқатиб юбориш механизмларини такомиллаштириш. Унинг натижасида, ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари орасида мувозанатни таъминлаш мақсадида парламентни тарқатиб юбориш юзасидан қўшимча механизмларини киритиш. Бу, хусусан: парламентнинг ташаббусига кўра ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳолатида; ҳукумат томонидан парламент олдида ишонч билдириш масаласи қўйилганида, бундай ишонч парламент томонидан билдирилмаганда; агарда парламент белгиланган муддат ичида давлат бюджетини қабул қилмаса. Мазкур барча вазиятлар парламентни тарқатиб юбориш ва, натижада, унинг аъзоларини тўла ротациялашга олиб келади.

Парламент аъзоларининг режадан ташқари ротациясининг иккинчи тури бўлмиш қисман ротация депутат ва сенаторларни мақомидан тўла маҳрум қилиб, уларни қайта сайлаш эмас, балки парламент ичидаги тузилмавий бўғинларнинг орасида лавозимлардан кўчириб туришдан иборат.

Ўз навбатида, Парламентда қўйидагича лавозимларнинг турлари мавжуд; палата раиси, унинг ўринбосарлари, фракция раислари, қўмиталар раислари, уларнинг муовинлари, котиблари, қўмита аъзолари.

Жумладан, Ўзбекистонда мазкур лавозимларни эгаллаш тартиби 2002 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунларда, 2003 йил 29 августдаги Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ҳар бирининг алоҳида регламентларида, палаталарнинг қўмита ва комиссиялари тўғрисидаги Низомларда белгиланган. Шу лавозимларда ишлаб келаётган мансабдор шахсларнинг ротацияси режадан ташқари шаклда амалга оширилади, чунки аксарият хорижий давлатларнинг тажрибасида улар вакиллик органининг конституциявий ваколат муддатига тайинланадилар.

Ўзбекистон Республикаси ўз олдида ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини қўйган экан, бунга эришишда давлат ҳокимияти органларида фаолият юритувчи ва давлат ҳокимиятини амалга оширувчи шахсларни мазкур мақсадлар сари сафарбар этиш талаб этилади. Ўз навбатида, бу давлатдан изчил кадрлар сиёсатини шакллантиришни ва амалга оширишни талаб қилади. Бунда кадрлар сиёсатининг муҳим элементларидан бирини ротация институти ташкил этади. Шулардан келиб чиқиб, хорижий мамлакатлар тажрибаси билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш натижасида, ротация институтининг давлат ҳокимияти фаолиятида қўланилишининг самарасини янада оширишга қаратилган қўйидаги таклиф ва тавсияларни келтириш мумкин:

- ҳар бир ташкилотда ходимларни кўчириб ўтказишнинг горизонтал тизимини ишлаб чиқиш лозим. У кадрларни бошқариш бўйича бўлимлар томонидан бошқа бўлимларнинг раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорликда тузилиши керак. Бунда бўлим бошлиқлари лавозимда бўлиб бориш учун оптимал даврни аниқлашлари, ўзига бўйсунган ходимларнинг кўчиб ўтишлари схемасини тузиш билан шуғулланишлари лозим. Бунинг учун мазкур раҳбарларга нисбатан ўқув курсларини ўтказиш мақсада мувофиқ. Бундай тизимни жорий этишда қаршиликларни енгиш учун у бошқарувнинг олий даражаларида бошланиши лозим, унинг жорий қилиниши фақатгина олий раҳбариятнинг ташаббуси билан бўлиши мумкин. Бунда муҳим жиҳат шундаки, кўчиб ўтказишлар адолатли амалга оширилиши, енглироқ ёки оғирроқ лавозимлар бир текис тақсимланиши керак. Бу ерда ротация-

лаш тизими самарали амал қилиши учун ходимлар юқори даражадаги интеллектуал ва иродали сифатларга эга бўлишлари лозим. Шунинг учун ходимларни танлаш босқичида муҳими шундаки, бунда айнан энг яхши номзодлар танлаб олиниши лозим;

- хорижий давлатларда, агарда улар ривожланган демократик давлатлар бўлса, уларда ротация институтини ҳокимиятлар бўлиниши принципи талабларига мос ва унга асосланган ҳолда амалга оширилиб борилади;

- давлат ҳокимияти тизимидаги кадрлар билан боғлиқ муаммоларни изчил ечишда ротация институтини самарали қўллаш лозим. Бунинг учун, "Давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш керак ҳамда мазкур қонун асосида давлат органларининг барча соҳаларида, ҳар бир соҳанинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, улардаги кадрларни ротациялаш борасидаги Низомларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

Ротацияни қўллашда давлат хизмати ва хизматчилари хусусиятларини инобатга олишнинг хорижий тажрибасидан фойдаланиш истиқболлари қуйидагиларда кўринмоқда:

Биринчидан, принципиал муҳим деб топилаётгандаки, аксарият ривожланган давлатларда номзодларни маъмурий лавозимларга танлаш сиёсий ва хизмат манфаатлардан мустақил бўлган махсус органлар томонидан назорат қилинади. Бу органларнинг ҳуқуқий мақоми "Давлат хизмати тўғрисида"ги Қонун билан мустаҳкамланиб, уларга ротацияни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш ваколати берилади. Мазкур тажрибанинг Ўзбекистонда ҳам қўлланилиши давлатнинг ягона кадрлар сиёсатини мувофиқлаштиришга хизмат қилиши мумкин;

Иккинчидан, ротацияни ўтказиш бевосита давлат хизматчиларининг хизмат одоби қоидалари билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, одоб-ахлоқ масалаларини ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш, бу борадаги ўқитишни ташкил қилиш, шунингдек, давлат хизматчилари томонидан хизмат одоби қоидаларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш борасидаги хорижий тажрибани қўллаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур жараёнларни ҳуқуқий таъминлаш мақсадида, Япония ва бошқа кўпгина давлатлар сингари "Этика кодекси" ва "Давлат хизматчилари этикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш керак;

Учинчидан, ривожланган хорижий давлатларнинг замонавий кадрлар сиёсатида давлат хизматида қабул қилиш ва ротацияни қўллашда энг катта эътибор ходимларни танлаш услубига қаратилмоқда. Бунда давлат хизматини ташкил этишдаги мавжуд барча ижобий ёндашувлардан максимал фойдаланишга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида катта иш тажрибасига эга бўлган профессионал кадрларни сақлаш ва такомиллаштириш ҳисобидан унинг барқарорлигини таъминлашга интилоқдалар.

Раҳбар ходимларни ўқитиш жараёнида асосий урғу назарий билимларгагина эмас, балки катта ташкилотларни бошқариш кўникмаларини эгаллашга, амалий муаммоларни аниқ таҳлил қилишга ва уларни ҳал этиш стратегиясини ишлаб чиқиш масаларига қаратилмоқда. Бу соҳадаги хориж тажрибасини Ўзбекистонда ҳам қўллаш алоҳида аҳамиятга эга;

Тўртинчидан, давлат хизмати учун юқори малакали ва истиқболли кадрларни танлаш вазифасини ҳал қилишда мустақил танлов комиссиялари орқали ишга қабул қилиш тизимини жорий этиш ёки давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг гуруҳ ва категориясини ҳисобга олган ҳолда, махсус давлат танлов имтиҳонларини ташкил этиш яхши самара беради, деб ҳисоблаймиз;

Бешинчидан, чет эл тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, "раҳбарлар" категориясидаги давлат хизматчиларини аттестация қилишда уларнинг хизмат фаолияти натижаларини нафақат юқори турувчи раҳбарият, балки бўйсунувчи ходимлар томонидан ҳам баҳолалишини кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: "Ўзбекистон", 2015.

2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2015. - Б.103.

3. Ротация по коррупции. // Россия Президенти В.В.Путиннинг 2006 йил октябрь ойидаги "Бевосита мулоқот"даги жавоблари.

4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: "Ўзбекистон", 1996.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Тўплам. - Т.: "Ўзбекистон", 2005. - Б. 69-70.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Тўплам. - Т.: "Ўзбекистон", 2005. - Б. 76-77.

7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. - Т.: "Ўзбекистон", 2002.

8. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. - М.: "Юрист", 1997. - С.278

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Мақолада алоҳида мақомга эга бўлган орган бўлмиш прокуратуранинг Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни ва аҳамияти, улар билан ўзаро муносабати ва алоқаси, прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолият юртишининг конституциявий асослари, Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган фикр-мулоҳазалари ҳамда хорижий мамлакатларда прокуратуранинг ҳокимиятлар бўлиниш тизимида тутган ўрни қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган.

Давлат ҳокимияти тақсимланишининг конституциявий тизимида алоҳида мақомга эга бўлган орган бўлмиш прокуратура ўзининг муносиб ўрни ва нуфузига эга ҳисобланади. Одатда, прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги ўрни ушбу институт фаолиятини тартибга солувчи конституциявий нормалар ва қонунларда мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларини ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиби, шунингдек, уларнинг ваколатлари, аввало, бош Қонун - Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади, деб қайд этилган. Ушбу конституциявий норма прокуратуранинг давлат идоралари тизимидаги ўрнини белгиловчи марказий қоидадир. Прокуратура Конституция ва қонунда белгиланган ваколатлар доирасида давлат вазифаларини амалга оширишда, барча субъектлар томонидан қонунларнинг аниқ ва қатъий бажарилиши, қонунийликни барқарор таъминлашда фаол иштирок этади. Конституциянинг 119-моддасига кўра, прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимига Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилади. Ўзбекистон Республикасида Бош прокурор Президент томонидан тайинланади, кейин бу хусусдаги Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади. Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан тайинланади. Вилоятлар, туман ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланади.

Ҳокимият ваколатлари бўлиниши таълимоти (тамойили) нуқтаи назаридан мамлакатимиз давлат ҳокимияти тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли лозим даражада илмий талқин этилмаган. Асосий қонунимизда прокуратура органларининг тизими прокурор назорати ва прокурорлар фаолиятини ташкил қилиш маъноси билан кифояланилган. Шу сабабли прокуратуранинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни масаласи давлат ва ҳуқуқ назарияси фани томонидан ҳам ҳозирга қадар етарлича ўрганилмай қолмоқда. Муаммонинг концептуал жиҳатдан пухта ишлаб чиқилмаганлиги, шубҳасиз, прокуратура органлари мақомининг Конституцияда мукамал мустаҳкамланишига салбий таъсир этади. Амалдаги Конституцияда прокуратуранинг ягона марказлашган тизим эканлиги, Бош прокурор ҳамда бошқа прокурорларнинг тайинланиш тартиби ва муддати кўрсатилган бўлиб [1], прокуратуранинг давлат ҳокимиятининг қайси тармоғига тааллуқли эканлиги акс эттирилмаган. Янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти нуқтаи назаридан прокурорлар ва терговчилар давлат ҳокимиятининг вакиллари дидир.

Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистондаги сиёсий-ҳуқуқий ривожланиш даражасини, унинг тарихи, маданияти ва анъаналарини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш мақсадига қаратилган тегишли "ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш тизими"ни инобатга олган ҳолда прокуратуранинг ривожлантиришига доир

изчил концепцияни яратиш, шунингдек прокуратуранинг ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан муносабатини тўлиқ аниқлаш имконини бермайди.

Прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги ўрни кўриб чиқилар экан, конституциявий муносабатлар бир томондан, давлат органлари иккинчи томондан, фуқаролар ўртасида вужудга келишини қайд этиш даркор. Бу муносабатларнинг мақсади шахс, жамият ва давлатни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, Конституцияга риоя этиш, Ўзбекистон ҳудудида амал қилувчи қонунларни бажариш, қонунларнинг ягона талқини ва қонунийликнинг мустаҳкамланишидан иборатдир. Ушбу конституциявий муносабатларда, аслида, гап ижтимоий (моддий) кучларнинг ўзаро нисбати тарзида тушуниладиган ҳокимият хусусида бормоқда.

Ўзбекистон давлатининг ҳозирги даврдаги асосий ички функциялари қуйидагилардан иборат: халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни сақлаш. Прокуратурага, аввало, ижтимоий муносабатлар иштирокчилари (давлат органлари, мансабдор шахслар, тадбиркорлар, нодавлат ноижорат ташкилотлари)нинг Конституция, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда мустаҳкамланган ҳуқуқ нормаларини амалга ошириши устидан назоратни, яъни қонунийлик принципини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Профессор М.Х.Рустамбаев ва доцент Е.Никифированинг фикрига кўра, давлатимизнинг ҳуқуқий тизими (барча бошқа давлатлардагидек) кўплаб ички алоқалар орқали бир-бири билан узвий боғланган, нормал фаолият кўрсатиши ўн йиллар ва ундан ҳам зиёд муддатда аста-секинлик билан юзага келган мураккаб механизмдан иборатдир. Ушбу механизмнинг қайсидир бир қисмини ўйламасдан ва шошма-шошарлик билан ўзгартириш мамлакатнинг бутун ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини издан чиқариши мумкин [2].

Юридик адабиётларда прокуратурани ҳокимият органи сифатида эмас, балки ҳокимиятлар бўлиниши механизмидаги "ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш тизими"нинг элементи сифатида таърифловчи фикрлар мавжуд [3]. Ушбу фикрлар маълум баҳс ва мунозаралар туғдиргани сабабли уларга қўшилиш қийин.

Давлат ҳокимиятининг ҳар бир тармоғи бошқа тармоқларни назорат этишга имкон берувчи конституциявий ваколатларга эга бўлиши лозим. Ана шунда ҳеч бир ҳокимият тармоғи бошқаларининг фаолият доирасига дахл қила олмайди. Бунда ҳокимиятнинг барча идоралари "ўзаро тийиб туриш ва мувозанатлаш тизими" воситасида ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши мумкин бўлади. Мазкур тизим давлат ҳокимияти органларининг бир-бирига нисбатан тенг ҳуқуқли ва мустақил бўлишини таъминлаш эҳтиёжлари туфайли вужудга келади. Афсуски, прокуратуранинг императив, тергов ва назорат ваколатлари ҳокимият ваколатларининг алоҳида тури сифатида эътироф этилмай келинмоқда. Аслида, прокуратура амалга ошираётган назорат ва жиноий таъқиб этиш фаолияти прокурорлик ҳокимияти намоён бўлишининг асосий шакллари дир.

Бир қатор хорижий давлатларда прокуратура парламент ёки президентга ёхуд уларнинг иккаласига бўйсунувчи алоҳида орган сифатида намоён бўлади. Молдова Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 1-моддасида: "Прокуратура ўз функцияларини суд органлари тизимидаги мустақил орган сифатида амалга оширади", дейилган [4]. Озарбайжон Республикасининг прокуратураси суд ҳокимияти тизимига кирадиган ҳамда ҳудудий ва ихтисослашган прокуратураларнинг Озарбайжон Республикаси Бош прокурорига бўйсунушига асосланадиган ягона марказлашган орган эканлиги таъкидланади (Озарбайжон "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддаси) [5].

Хорижий давлатлар конституциялари ва бошқа қонун ҳужжатлари таҳлилидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги вақтда айрим мамлакатларда прокуратура ё суд ҳокимиятига (Грузия, Литва, Молдовада) ёки ижро этувчи ҳокимият таркибига (Қирғизистон, Эстонияда) киради ёхуд умуман ҳокимиятнинг ҳеч қайси тармоғи билан умуман боғланмаган (қатор бошқа давлатларда) [6].

Прокуратурани (аниқроғи, атторнейлик идорасини) ижро этувчи ҳокимият тизимига киритилганлигининг классик намунасини АҚШда кўриш мумкин. Бу ерда мамлакат Бош атторнейи бир вақтнинг ўзида Адлия вазири лавозимини ҳам эгаллайди [7].

Прокуратура давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан ўзаро алоқада бўлиб, у боғловчи, уйғунлаштирувчи ва мувозанатловчи восита сифатида майдонга чиқади. Ҳозирги кунда бу вазифани давлатнинг ҳеч бир органи прокуратурачалик удалай олмайди, десак ўринли бўлади.

Конституциянинг мазмунидан прокуратура қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ҳеч қайсисига тўлалигича кирмаслиги аён бўлади. Ўзбекистонда одил судловни фақат суд амалга оширади, ижро этувчи ва бошқарув органлари ижроия ҳокимиятнинг ягона тизимини ташкил этади. Прокуратура эса қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат қилувчи органи эмас, балки мустақил марказлашган органдир.

Прокуратура функцияларига хос бўлган ижтимоий-идоравий ва юридик жиҳатлар туфайли уни давлат ҳокимиятининг алоҳида йўналиши сифатида талқин этиш мумкин. Прокуратура ижтимоий-идоравий жиҳатини амалга ошириш механизми ҳокимиятларнинг бўлинишидан иборат конституциявий принципни ҳаётга жорий этиш ҳамда ушбу ташкилий, универсал, предметли, касбий (профессионал) турларини алоҳида ажратиб кўрсатишга ёрдам беради.

Прокуратуранинг бошқа ҳокимиятларга нисбатан мустақиллигини, назорат ва жиноий таъқиб сингари давлат ҳокимиятига оид функцияларини бевосита амалга оширишидан иборат хусусиятини, ҳуқуқий ресурсларининг, ахборот таъминотининг мавжудлиги кабиларни ўз ичига оладиган юридик жиҳати давлат ҳокимияти ваколатлари шаклида намоён бўлади.

Айни пайтда, прокуратуранинг ижро этувчи ҳокимият тизимига киради деган нуқтаи назарга эътироз билдирган ҳолда алоҳида мулоҳаза баён этиш ўринли. Маълумки, ижро этувчи ҳокимият идоралари фаолияти ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратини амалга ошириш қонунда белгиланган қоидадир. Бу борада прокуратура ижро этувчи ҳокимият идоралари билан мустақил давлат институти сифатида мулоқотга киришади. Мазкур функция прокуратура зиммасига юклатилаётганда, унинг ижро этувчи ҳокимиятга бўйсунмайдиган мустақил орган эканлиги назарда тутилади. Акс ҳолда вазият шундай бўладики, прокуратура ижроия органлари тизимининг таркибий элементи бўла туриб, бошқа ижроия органлари фаолиятини назорат қилишига тўғри келиб қолади. Бундай ҳолатда прокурорлик назорати идоравий назорат кўриниши даражасига тушиб қолади. Бу эса прокурор назоратининг нуфузли конституциявий ҳуқуқ мақомига путур етказиши.

Прокуратура органлари фаолиятининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши борасида Ўзбекистонда юзага келган асл вазият шундайки, унга биноан, бу идора давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ҳар бирига ҳуқуқий таъсир кўрсатиш имкониятига эга ва аксинча.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддаси ва "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилганлигини таъкидлаш даркор. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ушбу ҳуқуқи "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунда (27-модда) ҳамда "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Қонунда (3-модда) ҳам эътироф этилган. Бу дегани Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори тимсолида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан муайян ҳуқуқий ҳолатлар юзасидан мустақил равишда (Олий Мажлис ва бошқа давлат органларига боғлиқ бўлмаган ҳолда) қонун лойиҳалари тайёрланиб, улар белгиланган тартибда мамлакатимиз Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиши мумкин. Шундай тартиб орқали прокуратура органларини мамлакатимизда қонунлар ишлаб чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этиши таъминланади. Бу эса, ўз навбатида, прокуратура органларининг давлат ҳокимиятининг қонунчилик ҳокимияти тизими иш фаолиятида фаол ва бевосита иштирок эта олиши учун конституциявий ва қонуний асослар мавжудлигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида иштирок этиш ваколати берилган.

Бу қоида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги (10-модда) ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунларда (10-модда) янада ойдинлаштирилган. Ушбу конституциявий қонунларда белгиланган тартибларга мувофиқ, очиқ ва ошкора ўтказиладиган Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи берилган Бош прокурор қонунчилик ҳокимияти иш фаолиятида бевосита қатнашиб, қонун чиқарувчи ҳокимият билан ҳуқуқий мунозарага киришиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-80-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги масала Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига асосан ҳал қилинади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати ва сенатори дахлсизлик мақомининг бекор қилиниши ҳақидаги ушбу конституциявий қоида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида"ги қонунларининг 30-моддаларида ҳам белгилаб қўйилган.

Кейинчалик депутатни ва сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллаш тартиби "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Қонунда янада батафсилроқ баён этилган.

Бу ҳам Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ҳоқимиятнинг қонунчилик тизими билан ҳуқуқий мулоқотда бўладиган ва қайсидир маънода унга ҳуқуқий таъсир кўрсата олиши мумкин бўлган омиллардан биридир.

Прокуратура органларининг давлат ҳоқимияти тизимида тутган ўрнига баҳо беришда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва прокуратура органларининг ҳуқуқий муносабатларини таҳлил этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ҳоқимияти органлари тизимида етакчи мавқега эга. Прокуратура эса алоҳида ҳоқимият мақомига эга давлат органи сифатида мамлакат Президенти ваколатларининг (ҳоқимиятининг) амалга оширилишида бевосита ва фаол иштирок этади.

Шу асосида прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда барқарорлик, осойишталик ва фаровонликни ҳамда ҳоқимият тармоқлари ҳаракатларидаги уйғунлик ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш борасидаги фаолиятининг бевосита ва энг мақбул кўмакчиларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президентига тўғридан-тўғри ҳисобдорлик асосида фаолият кўрсатади. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда ўз ифодасини тошган (14-модда)[9]. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

Шундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, прокуратура давлат ҳоқимиятининг алоҳида органи бўлиб, ҳоқимиятнинг барча тармоқлари ўртасида оқилона мувозанатни сақлашда давлат Раҳбарининг муҳим таянч органи бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, "Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонунларнинг аниқ ва қатъий бажарилиши борасида ғамхўрлик қиладилар, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлайдилар. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, прокуратура Давлат бошлиғи ваколатларини таъминлаш воситаларидан бири сифатида намоён бўлади" [10].

Баён этилган прокуратура органларининг давлат ҳоқимияти тизимидаги ўрни хусусидаги фикр-мулоҳазалардан, шунингдек, бу органнинг мамлакатимиз ривожланишида тутган ҳозирги даврдаги мавқеи ҳамда фаолиятининг аҳамиятидан келиб чиқиб, прокуратура давлат ҳоқимияти институтига хос бўлган барча зарур хусусият ҳамда элементларга эга, деган хулосага келиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг давлат ҳоқимияти тизимида аслида алоҳида давлат ҳоқимияти кўринишида юзага келган ва фаолият кўрсатаётган прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомига тегишли баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўйлаймизки, мазкур масала бўйича баён этилган барча фикр ва мулоҳазалар замирида уларни бир ғоя ва хулосага олиб келадиган (айрим, жиддий тусга эга бўлмаган номутаносибликдан ташқари) ягона бир мантиқ мавжуд. У ҳам бўлса, прокуратуранинг давлат ҳоқимиятининг амалдаги бирон-бир тизимида кирмайдиган, ўзи алоҳида ҳоқимият ваколатларига эга бўлган муҳим давлат институти эканлиги ҳақидаги фикрдир.

Зеро, прокуратура органларининг ваколатлари ва ҳуқуқий бошқарув функцияларининг кенг кўламлилиги, бошқа ҳоқимият органларига таъсир ўтказиш имкониятларининг мавжудлиги ҳамда қайсидир маънода давлат ҳоқимиятининг ҳар бирига хизмат кўрсата олиши амалда бу органнинг фаолияти алоҳида ҳоқимият сифатида намоён бўлаётганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ // А.А.Азизхўжаевнинг умумий таҳрири остида. -Т.: "Ўзбекистон", 2008. - Б. 446-459.

2. Рустамбаев М., Никифорова Е. Прокуратура в правовом государстве // Правда Востока, 2002 йил 19 ноябрь.

3. Клочков В.В. Прокуратура в системе разделения и взаимодействия // Научная информация по вопросам борьбы с преступностью. - №144. - М., 1993. - С. 87-88.

4. Додонов В.Н., Крутских В.Е. Прокуратура в России и за рубежом. - М., 2001. - С.15.

5. Додонов В.Н., Крутских В.Е. Прокуратура в России и за рубежом. - М., 2001. - С.15.

6. Додонов В.Н., Крутских В.Е. Прокуратура в России и за рубежом. - М., 2001. - С.15.

7. Власихин В.А. Генеральный атторней и генеральный солистер в государственном механизме США // Советское государство и право, 1979. - №5. - С. 111-116.

8. "Асосий вазиғамиз - жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат". Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 06.12.2015 йил.

9. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008 й., 52-сон, 509-модда.

10. Исламов З. К какой власти отнести прокуратуру?// Народное слово, 3 июля 2003 года.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Мақолада маҳаллий давлат ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари, ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлмиш вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашларининг давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиши, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат доирасига кирадиган масалалар, уларнинг ваколат мuddати, ҳисобдорлиги, мансабдор шахсларнинг лавозимга қўйилиши, жавобгарлигига оид масалаларнинг таҳлили ифода этилиб, улар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиб, ўз сиёсий суверенитетига эга бўлган кунданок, ўз ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиётининг янги йўларини белгилаб олди. Буни амалга ошириш учун эса давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш талаб этиларди. Зеро, республикада давлат органлари демократик йўл билан ташкил этилган бўлмаса, ҳатто, энг демократик йўл билан қабул қилинган қонунлар ҳам амалда бажарилмасдан қолиб кетиши муқаррардир.

Демократия инсон, жамият, давлат деган уч субъект ўзаро бир - бирини тўлдирадиган, бир - бирини бойитиб, керак бўлса, назорат қилиб турадиган тизим демакдир. Бу ҳар қайси инсоннинг жамият билан, жамиятнинг эса давлат билан муносабатини, улар ўртасидаги мувозанатни англатади [2].

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маҳаллий давлат ҳокимиятининг асосларини белгилаб берди. Конституциянинг XXI бобида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиши, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига кирадиган масалалар, уларнинг ваколат мuddати, ҳисобдорлиги, мансабдор шахсларнинг лавозимга қўйилиши, жавобгарлигига оид нормалар ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2010 йил 27 январь куни янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида, Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари - Кенгашлар олдида турган иккинчи гоят муҳим вазифа - бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани юзасидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатига эҳтиёж туғилганлиги боис, 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун VII боб, 29 моддадан иборат бўлиб, ўз вақтида маҳаллий давлат ҳокимияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ижобий аҳамият касб этди. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига оид бўлган нормалар 50 дан зиёд қонунларда ва бошқа норматив ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш давлат қурилиши ва бошқаруви борасидаги ишларни изчил амалга ошириш борасида янги талабларни қўймоқда.

Республикада давлат органларини ислоҳ этиш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш давом этмоқда. Маҳаллий давлат органлари, жумладан, маҳаллий вакиллик органлари, уларнинг депутатлари фаолияти юзасидан таниқли ҳуқуқшунос олимларнинг кўплаб ва асосли эътирозлари ҳали бу борада қатор муаммолар мавжуд эканлигидан далолат беради. Ҳаммамизга

маълумки, мустақилликнинг биринчи йилларида маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида таҳсинга сазовор ислоҳотлар амалга оширилиб, бунга асосан, икки мустақил, аммо баҳамжиҳат ишловчи маҳаллий вакиллик ва ижро органи ташкил этилган эди. Маҳаллий давлат ҳокимиятида амалга оширилган ислоҳотлар, албатта, маҳаллий давлат органларининг демократик тамойиллар асосида ташкил этилиши, улар вазифаларининг аниқ ва самарали амалга ошириши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, бошқарувни марказдан жойлардаги маҳаллий органлар ихтиёрига ўтиши каби ижобий самараларга олиб келди.

Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги илмий изланишлари ва таҳлилларининг кўрсатишича, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар давр ва тараққиёт талабига мослашиб, доимо ҳаракатда ва ривожланишда давом этмоғи лозим. Айтмоқчимизки, кейинги йилларда ислоҳотлар давлатнинг фақатгина марказий органлари тизимида амалга оширилмоқда, маҳаллий давлат органлари тизимидаги ислоҳотлар эса ҳаракатдан ва ривожланишдан анчагина четда қолмоқда.

Шу ўринда, маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги муаммоли деб эътироф этилаётган баъзи масалаларни кўрсатиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Жойлардаги маҳаллий Кенгашлар сессиялари фаоллиги нисбатан аҳоли диққат марказидан четда қолаётганлиги кўзга ташланади. Баъзи ҳолларда маҳаллий Кенгаш сессияларига киритилган масалалардан, уларнинг қай тартибда ҳал этилганлигидан, ҳаттоки, сессия бўладиган кундан ҳам аҳолининг кўпчилик қисми хабардор бўлмайди. Ваҳоланки, маҳаллий Кенгашлар ҳал этадиган масалалар доираси жуда кенг қамровли бўлиб, тегишли ҳудуд аҳолиси учун жуда муҳим аҳамият касб этиши лозим. Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини жонлантириш, уларнинг сессиялари самарадорлигини ошириш, Кенгаш ишларига аҳолини кенгроқ жалб этиш, сессияга киритилган масалалар тўғрисида аҳоли фикрини ўрганишни янада кенгроқ ташкил этиш бутунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини жонлантириш ва самарадорлигини ошириш учун улар таркибида фаолият юритаётган депутатларнинг фаоллигини таъминлаш тақозо этилади. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз ваколатларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишлари учун етарли даражада демократик талабларга жавоб берадиган ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Бироқ, маҳаллий Кенгаш депутатлари бу ваколатлардан етарли даражада фойдаланиб, ўзларининг вакиллик ваколатларини тўла адо этаяпти, деб айта олмаймиз. Маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаолияти кейинги йилларда анчагина сезиларсиз бўлиб қолаётганлиги, албатта, ачинарли ҳолдир.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий мақсад ҳамда вазифалари жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларни ривожлантириш ва аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш экан, ҳар қайси маҳаллий органнинг вазифа ҳамда ваколатлари янада тўғри тақсимланиб, улар зиммасига қонунлар асосида белгиланган аниқ вазифалар юклатилиши зарур. Бошқача қилиб айтганда, маҳаллий ижро ҳамда маҳаллий вакиллик органи учун алоҳида қонун қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, ҳозирги кундаги мунозарали масалалардан бири ҳам маҳаллий вакиллик ва ижро органларининг бир шахс томонидан бошқарилаётганлигидир. Ҳар қайси орган учун алоҳида қонун қабул қилиш эса уларнинг бир-биридан мутлақ мустақил бўлишига олиб келади ва шу орқали ҳуқуқшунос олимларнинг асосли эътирозларига барҳам берилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, давлат органларини қайта ташкил этишни фақатгина марказий бўлим органларида ислоҳ қилиб бошқарувни амалга оширмасдан, балки маъмурий-ҳудудий бирликлардаги давлат органлари тизимида ҳам умумий тартибда демократик принциплар асосида давлат ҳокимияти ўрнатилди. Бу эса, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 4 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун [4] ва 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунларда белгилаб берилди. [5]

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида асосий эътиборни давлат органларини қайта ташкил этишга қаратилганлиги бежиз эмас. Чунки, давлатимиз ҳаётида демократик ислоҳотлар қанчалик амалга оширилмасин, давлат органлари унга мос равишда демократик шаклда ташкил қилинган бўлмаса, Конституция ва қонунларнинг ижроси амалда бажарилмасдан қолиб кетиши муқаррардир. Қолаверса, давлат органларини қайта ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг суверен демократик республика эканлигини, давлат органларини жамият ва фуқаролар олдида масъуллигини таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари тизимида маҳаллий вакиллик органлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, маъмурий-ҳудудий бирликларда тузиладиган халқ депутатлари Кенгашлари аҳолига энг яқин бўлган давлат органларидир. Маҳаллий вакиллик органларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун асосида тартибга солинади[5].

Маҳаллий вакиллик органлари тизимида вилоят халқ депутатлари Кенгашлари алоҳида мавқега эгадир. Вилоятлар Ўзбекистон Республикасининг энг катта маъмурий-ҳудудий бирлиги бўлиб, бир нечта туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллаларни ўз ичига олади. Шундай экан, вилоят халқ депутатлари Кенгашларининг вазифалари ҳам кенг қамровли бўлиб, бутун вилоят ҳудуди бўйича амалга оширилади. Шундан келиб чиқиб, шартли равишда вилоят халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий вакиллик органларининг бош бўғини ёки энг юқори поғонаси деб, эътироф этишимиз мумкин.

Маълумки, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда халқ депутатлари Кенгашларига ҳокимлар бошчилик қилади. Бинобарин, ҳокимларнинг тегишли халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдор эканликлари ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳолат ҳисобланади. Бу ҳам, бир маънода, манфаатлар мувозанатини таъминлаш ва ўзаро тийиб туриш тамойилининг ўзига хос кўриниши ҳисобланади. Ваҳоланки, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга алоҳида 251-модданинг, яъни "Ҳокимнинг вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини халқ депутатлари Кенгаши томонидан эшитиш" киритилганлиги бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Унга кўра, "Вилоят, туман, шаҳар ҳокими ҳар йили тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисобот тақдим этади".

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботи тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида эшитилади. Мазкур мажлис вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай, туманлар ва шаҳарларда эса вилоятларда тегишли мажлислар ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ўтказилади.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашларига сайланадиган депутатларнинг сони ҳам туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларидан икки баробар ортиқ белгиланган. Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятининг ташкил этилишини белгилаб берувчи 1994 йил 5 майда қабул қилинган, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида шундай дейилади:

"Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашга - 60 тадан кўп бўлмаган;

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлашга - 30 тадан кўп бўлмаган ҳудудий сайлов округи тузилади.

Ҳар бир сайлов округидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига битта депутат сайланади".

Маҳаллий вакиллик органларининг бошқа тизимларида бўлганидек Халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг фаолиятига ҳам тегишли вилоят ҳокими бошчилик қилади. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек тарихий ва миллий давлатчилик анъаналаримизга мос келади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида белгиланган ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи мутлақо тўғри келади. Бу тўғрисида О.Хусанов қуйидаги фикрларни билдирган.

"Ҳокимлар вакиллик органлари тизимини ва вакиллик ҳокимиятини бошқаради, деган сўзни бошқарувни тўла маъносида тушунмаслик керак. Сабаби "бошқаради" сўзи тўла маънода амал қилса, унда бошқариладиган орган бошқарувчи органга бўйсунуши, ҳисобот бериши керак. Вакиллик органлари эса ҳокимлар олдида ундай мажбуриятга эга эмас (аксинча, ҳокимлар вакиллик органлари олдида ҳисобот бериб туради)" [7].

Бундан шу фикрга келдикки, Халқ депутатлари Кенгашларига ҳокимларнинг бошчилик қилиши уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш, мувофиқлаштириш ва жойларда бошқарувни яқка-бошчилик асосида бошқариш каби маъноларини англатади.

Ҳокимларнинг маҳаллий вакиллик органларига бошчилик қилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99 ва 102-моддаларида ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасида мустаҳкамланган тартибда амалга оширилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ўз фаолиятларини сессияларда, доимий комиссиялар ва сайлов округларида ва бошқа қонунларда белгиланган шакллар асосида амалга оширадилар.

Халқ депутатлари Кенгашлари коллегиял орган ҳисобланиб, асосий ваколатларига тегишли бўлган масалаларни умумий мажлислар ва сессияларда ҳал этадилар. Сессия депутатларнинг умумий мажлиси бўлибгина қолмасдан, балки фаолиятининг асосий ташкилий шакли ҳам ҳисобланади.

Халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари тегишли ҳоким, ҳоким йўқлигида эса унинг ўринбосарларидан бири томонидан заруратга қараб, бироқ йилига камида икки марта чақирилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, маҳаллий Кенгашларни қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган функциялари, вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқларини амалга оширишнинг шакл ва услубларини илмий ўрганиш натижасида қуйидаги қатор умумлаштирувчи хулосалар шаклланди:

- биринчидан, тегишли давлат ташкилотларининг доимий комиссияларга мунтазам ҳисобот беришини доимий комиссиялар тўғрисидаги низомларга мустаҳкамлаш уларнинг назорат фаолиятини кучайтиришнинг амалий йўлидан биридир. Бундай ҳисоботлар Кенгаш, ҳоким ва юқори турувчи ташкилотлар норматив ҳужжатларини амалга ошириш юзасидан берилиши мақсадга мувофиқдир;

- иккинчидан, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатларининг ўз сайловчилари билан учрашувларини ташкил этиш, кўтарилган масалаларни назоратга олиш ва ҳисоботларни юриштириш, шунингдек, депутатларнинг ўз сайловчилари билан бевосита мулоқотларининг давомийлигини таъминлаш учун масофавий электрон алоқалар тизимидан фойдаланиш механизмидан амалда қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса, депутат ва сайловчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади;

- учинчидан, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши фаолиятига депутатлик суриштирувлари тартиб-қоидаларидан фойдаланиш лозим. Депутатлик суриштирувлари орқали маҳаллий ижро ҳокимиятининг самарали фаолиятига баҳо бериледи, улардан қонунни бузган ёки мансабини суиистеъмол қилган мансабдор шахсни лавозимидан бўшатилишини ёки уни жавобгарликка тортилишини талаб қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон", 2015.

2. Каримов И .А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодат. - Т.: "Ўзбекистон", НМИУ, 2015. - Б.103 .

3. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мафаатлари - энг олий қадрият/ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2005 йил 8 декабрь.

4. "Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг

Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 5-сон. -Т.: "Адолат", 1992.

5. "Ўзбекистон Республикасининг Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 9-сон. -Т.: "Адолат", 1994.

6. "Ўзбекистон Республикасининг Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 9-сон. -Т.: "Адолат", 1994.

7. О.Хусанов. "Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият". - Т., 1996. - Б 48-49.

Д.ИМИНОВА

Анжон давлат университети "Миллий ғоя,
маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими"
кафедраси катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАЁРИКЕНГЛИК ВА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАНИШИ

Мақолада мустақиллик туфайли ўзлгимизни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда давлат ва дин муносабатларига алоҳида эътибор берилаётгани, бу борада эришилаётган улкан натижалар, қолаверса, ота-боболаримиз дини ҳисобланган ислом динини нақадар ҳурмат қилишимиз лозимлиги таъкидланган.

Шунингдек, минг афсуски, халқаро терроризм ва диний экстремизм кабилар инсон ҳаётига улкан хавф тугдираётгани ҳам сир эмаслиги айтиб ўтилган. Бироқ, бу муаммонинг ечими бир инсон ёки бир мамлакатнинг қўлида эмас, балки халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни талаб қиладиган масала эканлиги ёритилган.

Барчамизга маълумки, дин кишиларни ҳамиша яхшиликка, эзгу ишларга чорлаган. Жумладан, ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди бўлган ислом дини ҳам юксак инсоний фазилатларнинг шаклланишига хизмат қилган. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида бой маънавияти ва мероси, ўзлигини омон сақлаб келди. Шу нуқтаи назардан қараганда, одамларнинг эътиқоди ва диний ҳиссиётларидан фойдаланиб, экстремистлар ва террорчилар томонидан ислом байроғи остида содир этилаётган жиноятлар уларнинг асл қиёфасини намоён этмоқда, дейиш мумкин. Айни пайтда, бундай жараёнлар кишиларни доимий огоҳ бўлишга, ҳақиқий диний қадриятларни уларнинг сохта ва ғаразли талқинларидан фарқлашга ёрдам берадиган билимларни эгаллашга ундайди.

Дин ва давлат муносабатлари ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. Турли даврларда хилма-хил мазмун ва шакл касб этган бундай муносабатлар мустақил Ўзбекистон шароитида виждон эркинлиги конституциявий асосда тўла-тўқис таъминлангани, диний ташкилотлар фаолияти учун тегишли шарт-шароитлар яратилганида намоён бўлмоқда. Мазкур соҳага оид қонунларни бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик белгилангани ҳам бу муносабатларнинг асл моҳиятини кўрсатади.

Мамлакатимизда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг тамал тоши "виждон эркинлиги" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Фуқаро эркинликларининг ичида инсон ички маънавий дунёсига ва унинг руҳиятига бевосита алоқадор бўлган виждон эркинлиги демократик дунё бўйлаб умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларининг энг асосийларидан биридир.

Инсоннинг қадр-қиммати, одамлар орасидаги меҳр-оқибат, самимийлик, ахлоқий поклик, инсофу адолат ва инсонпарварлик каби энг эзгу умуминсоний қадриятлар фуқаролик жамияти ҳаётининг ҳақиқий мезонларидир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда кечаётган давлат ва жамият қурилиши жараёнида том маънодаги виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида урғу берилмоқда.

Давлатимизнинг виждон эркинлигига муносабати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида мустақамлаб қўйилган "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди" [1], - деган қоидада ўзининг аниқ қонуний ифодасини тошган.

Республикамизда ислом билан бир қаторда бошқа бир неча диний конфессиялар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларга миллати, ирқи, динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлар қонун орқали кафолатланган. Узоқ вақт давом этган мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан - авлодга ўтиб келган тарихий қадриятлари ва ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Буюк истиқдол эса уларнинг ҳар томонлама ривожини учун кенг имкониятлар очиб берди.

Энг аввало, асрлар давомида умуммиллий қадрият даражасига кўтарилган диний байрамлар - Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари [2] билан дам олиш куни деб эълон қилингани ва улар оммавий равишда нишонлана бошланганини таъкидлаш зарур.

Бугун Ўзбекистон диний бағрикенглик борасида нафақат МДХ давлатлари, балки бутун дунёга намуна бўлмоқда. Бу ҳақда дунё миқёсида катта обрў ва нуфузга эга инсонлар ҳам юртимизга зиёратлари вақтида таъкидлаб ўтмоқдалар. Албатта, халқимизга хос бундай фазилат бир зумда пайдо бўлган эмас, балки узоқ тарихий асосларига эгадир. Бағрикенглик муносабати барча ижтимоий гуруҳлар ва шахслар орасида амалга оширилган тақдирдагина, дунёвий давлат ва жамият барпо этилиши мумкин. Шу сабабли инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, ўзлигини англаши ва намоён қилишини таъминлаш дунёвий демократик давлат қуришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

Хусусан, ўз даврининг рамзи бўлган Амир Темур эътиқод ва маънавиятнинг катта аҳамиятини тўғри идрок этган. Шарафиддин Али Яздий Соҳибқиронни ҳақли равишда эътиқоди комил инсон сифатида таърифлайди. Энг муҳими, Амир Темур "аҳли сунна вал-жамоа" эътиқодига содиқ, диний ақидапарастликка қатъий қарши бўлган, ислом динини мутаассибликдан холи, эркин тушунган. Унинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига бўлмаган ва шу жиҳатдан ҳам, у нафақат ўз асри, балки ҳозирги замон кишиси учун ҳам намунадир [3]. Диний бағрикенглик турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён, ўзаро тинч-тотув яшашини англатади. Ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркин бўлгани ҳолда бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканини эътироф этмоғи лозим.

Халқаро ташкилотлар орасида энг нуфузлиси ва йириги - БМТнинг 1945 йили қабул қилинган Уставида ўзаро бағрикенглик руҳида яхши қўшничилик кайфиятида яшаш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиш асосий мақсадлардан бири, деб эълон қилинди. Ушбу ташкилот томонидан ҳозирга қадар ишлаб чиқилган 100 дан ортиқ халқаро ҳужжат, конвенция, келишув ва протоколлар қаторида 1995 йил 16 ноябрда қабул қилинган "Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси" алоҳида ўринга эга эканини таъкидлаш зарур [4].

Ушбу Декларацияда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар, бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар акс этган. Айни пайтда, эски масжид, мақбара ва зиёратгоҳлар таъмирланиб, янгилари бунёд этилди, диний билим юрглари тармоғи кенгайтирилиб, сифат ва савияси такомиллаштирилганини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимиз диний ва маънавий қадриятларининг ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғунлашиши республикамизнинг келажақда янада раванқ топиши, жаҳон ҳамжамятига қўшилишида муҳим омилардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган давлат ва жамият қурилишининг бош мақсадлардан бири - инсон фаровонлиги таъминланган, ижтимоий адолат ва қонунийлик устувор бўладиган, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига асосланган жамиятни барпо этишдир. Бу, энг аввало, юксак маънавият ва ҳурфикрликка асосланган, виждон эркинлиги амалда барқарор бўлган жамиятни барпо этиш демақдир. Бундай жамиятни қуриш эса, биринчи навбатда, кенг маънодаги виждон эркинлиги, жумладан, диний эътиқод эркинлигини таъминлашни тақозо этади.

Виждон эркинлиги билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи халқаро ҳужжатларни БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг универсал халқаро шартномалари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий халқаро конвенциялар ва шартномалар каби икки гуруҳга ажратиш мумкин. Шу билан бирга, БМТ Уставида инсон ҳуқуқларига риоя этишни тартибга солувчи инсон шахси шаъни ва қадр-қиммати, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ирқи, жинси, тили ва динига кўра камситишга йўл қўйиб бўлмаслигига тааллуқли қатор тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимиз тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, носоғлом кучлар айрим ёшларимизнинг тажрибасизлигидан фойдаланиб, ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилоқдалар Шунинг учун ҳам, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунга "вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди", - деган муҳим қоида киритилган.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкинлиги белгиланган бўлса, 8-моддасида эса, диний ташкилотлар 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон фуқаролари ташаббуси билан тузилиши, муайян конфессияга қарашли диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Республика бўйича ягона марказий бошқарув органи тузилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди. Мазкур қонуннинг 23-моддасига кўра, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар [5].

Демак, Ўзбекистон Республикаси диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини кафолатловчи дунёвий давлатдир. Давлат виждон эркинлигини ҳуқуқий кафолатлаш ва амалда таъминлашга қаратилган бир қатор тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширомоқда. Зеро, қонун устуворлиги энг олий мезон бўлган фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси ушбу қонуний талабга тўғри муносабатда бўлиб, унинг ҳаётга татбиқ этилишига ҳисса қўшиши лозим. Чунки энг муҳим конституциявий ҳуқуқлардан бўлган виждон эркинлиги ҳуқуқининг амалда рўёбга чиқарилиши фуқаролик жамиятининг маънавий-маданий ривожланганлик даражасининг муҳим кўрсаткичидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон", 2015. - Б. 8.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида нишонлаш тўғрисида"ги 1991 йил 11 апрелдаги № 193-сонли ва 1991 йил 20 июндаги № 221-сонли фармонлари.

3. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари / А.Очилдиев масъул муҳаррирлиги остида. - Т.: "Ўзбекистон", 2008. - Б. 407.

4. Ўша асар. - Б. 411.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуни. 1998 йил 1 май.

ПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВ ШАКЛИДАГИ ДАВЛАТЛАРДА ПРЕЗИДЕНТЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Мазкур мақолада Президентнинг марказий давлат органлари тизимида тутган ўрни давлат бошқаруви шаклига боғлиқ эканлиги, хусусан, Президентлик республикаларида Президентлик институтининг ўрни ва роли, унинг парламентар республика бошқарув шаклидаги давлатлардан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Давлат бошқаруви шакли муҳим конституциявий-ҳуқуқий институтлардан бири бўлиб, у давлат ҳокимиятининг олий, марказий ва маҳаллий органларини шакллантириш тартибини, шу жумладан, давлат бошлиғи, парламент ва ҳукуматнинг ўзаро ва халқ билан муносабатларини ўз ичига олади. Қуйида республика бошқарув шаклининг бир тури ҳисобланган Президентлик бошқарув шаклидаги давлатларда Президентлик институтининг ўрни ва роли хусусида фикр юритамиз.

Президентнинг давлат марказий органлари тизимида тутган ўрни давлат бошқарувининг шаклига боғлиқдир. Агар мамлакатда давлат бошқарувининг парламентар тури ўрнатилса, бу ҳолда Президент фақат давлат бошлиғи вазифасини бажаради ва у ижроия ҳокимиятига раҳбарлик қила олмайди. Шунинг учун ҳам бошқарувнинг парламентар шаклида Президент давлат органлари тизимида марказий ўринни эгалламайди.

Турли мамлакатларда у ёки бу тизимларнинг вужудга келиши кўплаб омиллар билан белгиланади. Бошқарув тизимини танлашда субъектив омил етакчи сиёсий лидер сиймосида улкан роль ўйнаши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқарув тузилмаси кўп жиҳатдан айнан шундай лидерга мослаштириб ташкил этилади. Шу туфайли ҳам айрим мамлакатларда давлат бошлиғи функцияларини конституциявий монарх ёки президент бажарадиган, аммо ижро этувчи ҳокимият амалда парламент олдида ҳисобдор бўлган ҳукумат қўлида жамланадиган парламент бошқаруви тизими қарор топган, айрим мамлакатларда эса бошқа сиёсий институтлар билан мувозанатга солинган ёки ўз ваколатларига кўра қонунчилик ва суд ҳокимиятларидан устун турадиган кучли президент ҳокимияти яратилган [1].

Бир қатор олимлар давлат бошқарув шаклини аниқлашда ҳукуматни шакллантириш, унинг олий давлат ҳокимияти органлари олдидаги жавобгарлиги масаласи муҳим ўрин тутганини таъкидлайди [2]. Мазкур фикрга қўшилган ҳолда таъкидлаш керакки, ҳар бир давлатда давлат бошлиғининг давлат ҳокимияти органлари тизимида тутган ўрни унинг ҳукуматга қай даражада таъсир этишига қараб белгиланади. Парламентар республикаларда ҳукумат парламент олдида жавобгар бўлганлиги сабабли Президент мамлакат сиёсий ҳаётида яққол кўзга ташланмайди. Аксинча, Президентлик республикаларида Президент ўз олдида масъул бўлган ҳукуматни тузганлиги сабабли, мамлакат ҳаётидаги барча масалалар унинг иштирокида ҳал этилади. Президент ва парламент ўртасида ҳукуматни шакллантириш ва уни бошқаришда ваколатларнинг тақсимланиши яримпрезидентлик (дуалистик ёки аралаш) республикалар учун хос хусусиятдир.

Ҳозирда жаҳонда мавжуд бўлган кўпгина мустақил давлатларнинг тарихий-ҳуқуқий ўтмишида мустамлакачи давлат билан боғлиқлиги ҳам бошқарув шаклига муайян даражада таъсир кўрсатади. Жумладан, Буюк Британиянинг собиқ мустамлакалари бўлган Осиё ва Африка, шунингдек, айрим Кариб ҳавзаси мамлакатларида парламентар бошқарув шакли ўрнатилган [3].

Бошқарувнинг президентлик республикаси шаклидаги давлатларда эса Республика Президентни давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. У давлат органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Президент бевосита халқ томонидан сайлаб қўйилган давлатларда давлат бошлиғи халқдан ваколат олган орган сифатида давлат бошқарувида кенг ваколатларга эга бўлиб, амалда давлат ҳокимияти органлари тизимида бирламчи орган, мамлакатнинг сиёсий намоёндаси ҳисобланади. Президентлик республикасининг формал фарқи белгиси бўлиб, Бош вазир лавозимининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади [4].

Президентлик республикаси назарий жиҳатдан ҳокимиятлар бўлиниш принципининг қаттиқ тарзида намоён бўлишига асосланади. Бу шуни англатадики, давлат бошқарувининг мазкур шакли ўрнатилган давлатлар конституциявий қонунчилигида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ўртасида ваколатларнинг жиддий чегараланиши назарда тутилади ва ушбу органлар бир-бирларига нисбатан мустақил ҳаракат қиладилар [5].

Президентлик республикасида мамлакат аҳолиси нафақат олий қонун чиқарувчи органни, балки бир вақтнинг ўзида ижро ҳокимиятнинг бошлиғи бўлган давлат бошлиғи - Президентни ҳам сайлайди. Бунда Президент ҳокимиятлар бўлиниш принципига кўра, давлатни бошқариш бўйича муҳим функциялар ва ваколатларга эга бўлади. Давлатнинг Конституция ва қонунлари асосида Президент давлатнинг ички ва ташқи сиёсати бўйича аниқ йўналишларни белгилаб беради. Иккинчидан, у ҳукумат таркибини мустақил шакллантиради ва фақат ҳукумат раиси номзоди бўйича парламент фикри билан ҳисоблашишга ҳуқуқий жиҳатдан мажбур бўлади, бошқа номзодлар бўйича ўз ихтиёрича ҳаракат қилади. Учинчидан, ҳукумат Президент олдида масъул ва унга ҳисобдор бўлади ва айрим ҳолларда Президент расман ҳукумат фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг амалий ҳаракатларини белгилаб беради, ҳукумат мажлисларида раислик қилади ёки раислик қилиши мумкин, ҳукуматни тўлиқ ёки унинг алоҳида бир аъзосини истеъфога чиқиши ташаббусини илгари суради, уларнинг хоҳишидан қатъи назар бутун бир ҳукуматни ёки унинг бир аъзосини истеъфога чиқаради.

Президентлик республикасида Президент, қоида тариқасида, марказий ва минтақавий бўғинлари билан биргаликда давлат ижроия ҳокимияти тизимида асосий шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, расман, кўпинча эса, амалиётда ҳам Президент Қуроли кучлар олий бош қўмондони, Хавфсизлик кенгаши, Мудофаа кенгаши ва шунга ўхшаш тузилмаларнинг раҳбари сифатида давлатнинг мудофаа, хавфсизлик соҳасидаги амалий ҳаракатларини олдиндан белгилаб беради. Парламент билан муносабатларда Президент қонун лойиҳаларини киритиш, уларни муҳокама қилишда иштирок этиш, қонунларни имзолаш ва эълон қилиш, парламент томонидан қабул қилинган қонунларга вето қўйиш ва бошқалар орқали қонун ижодкорлиги табиатига таъсир қилиш ҳуқуқига эга бўлади [6].

Президентлик республикаси қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- 1) *Президентга ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат раҳбари ваколатлари бирлашган бўлади;*
- 2) *президент сайловлари парламент иштирокисиз амалга ошириб, умумий, тўғридан-тўғри бўлади, бу билан Президент мандатни бевосита халқдан олади. Бунда қўйидаги қонуниятни кўриш мумкинки, қанчалик парламент Президентни сайлашга аралашмаса, шунчалик Президентнинг давлат бошқарувидagi роли катта бўлади;*
- 3) *ҳукумат Президент олдида жавобгар бўлиб, ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги институти, Президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқи бўлмайди.*

Таъкидлаш керакки, Президентлик республикаларидаги Президентнинг ҳуқуқий мақоми парламентар ва яримпрезидентлик (дуалистик ёки аралаш) республикаларидаги Президентнинг ҳуқуқий мақомидан фарқ қилади. Масалан, парламентар республиканинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ҳукумат парламентда кўпчиликни ташкил қилувчи партия депутатлари орасидан парламент томонидан шакллантирилади. Ҳукумат Президент олдида эмас, балки парламент олдида сиёсий масъул бўлади. Яримпрезидентлик (дуалистик ёки аралаш) республикаларида эса, президентлик ва парламентар республикаларнинг хусусиятлари мужассамлашиб, Президент халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланади, ҳукумат эса Президент томонидан ёки парламент билан биргаликда шакллантирилади, бироқ унга ўз фаолиятининг самарадорлиги учун "парламент ишончи" керак бўлади. Ҳукумат фаолиятига мустақил ҳокимият сифатида Президент умумий раҳбарлик қилади, бироқ юридик жиҳатдан ижро этувчи ҳокимият раҳбари Бош вазир ҳисобланади [7].

Президентлик республикалари ҳам афзаллик, ҳам ўзига хос камчиликларга эга бўлиб, масалан, унинг афзаллиги Президентнинг кенг ваколатга эга бўлиб, давлат сиёсатини белгилаши, бошқарув таъсирлари кўпроқ мақсадли йўналтирилганлиги боис, унинг барқарорлиги ва самарадорлигида кўрсатилади. В.Е.Чиркиннинг фикрича, президентлик республикасининг афзаллиги шундаки, унда парламентар республикага нисбатан ижро ҳокимиятининг кафолатланган барқарорлиги ҳукм суради. Парламентар республикада эса вазирликлар инқироzi ва тез-тез ҳукумат алмашинувлари бўлиб туради. Президентлик тизимининг энг асосий камчилиги, айниқса, демократик институтларнинг ривожланмаганлиги шароитида унинг авторитаризмга мойиллиги (Лотин Америкаси мамлакатлари) ҳисобланади. Парламентар тизимларда эса бундай имконият деярли бўлиши мумкин эмас [8]. Шунингдек, президентлик республикасининг камчилиги сифатида ҳокимиятнинг бир шахс - Президент қўлида керагидан ортиқ даражада тўплангани, бу эса уни

суиистеъмол қилишга олиб келиши мумкинлиги, шахсга сифиниш ва Президент республикасининг суперпрезидентликка айланиб кетиб, вакиллик органлари амалда ўз аҳамиятини йўқотиб қўйишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатишади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, президентлик республикаларида ҳукумат парламентдан мустақил равишда шакллантирилиб, ҳокимиятлар бўлиниши принципига қатъий амал қилинади ва Президентнинг кенг ваколатларга эга бўлиши оқибатида у давлат сиёсатига белгиловчи таъсир кўрсатади ва натижада давлат бошқаруви тизимининг барқарорлиги ва самарадорлигига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Раҳимова М.А. Президент сайлови: миллий ва хорижий тажриба. - Т.: "Ўзбекистон", 2015. - Б. 9.
2. Баглай М.В., Габричидзе Б.Н. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для вузов. - М., 1996. - С. 121-123.
3. Мирақулов М.М. Президентлик институти: қитъалараро тарихий-ҳуқуқий таҳлил. ТДҶОИ Ахборотномаси, 2009. № 7. - Б. 27.
4. Мишин А.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. - М., 1996. - С. 83.
5. Алимов Б.Б. Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш сиёсатининг давлат бошқаруви шаклига таъсири ва унинг ўзига хос хусусиятлари. ТДҶОИ Ахборотномаси, 2012. № 6. - Б. 22.
6. Конституционное право. Энциклопедический словарь. / Отв. ред. С.А.Авакьян. - М.: Норма, 2001. - С. 480.
7. Алимов Б.Б. Мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш сиёсатининг давлат бошқаруви шаклига таъсири ва унинг ўзига хос хусусиятлари. ТДҶОИ Ахборотномаси, 2012 й. № 6. - Б. 23.
8. Чиркин В.Е. Президентская власть // Государство и право, 1997. №5. - С. 17.

"ЎРМОН ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Мазкур мақолага "Ўрмон тўғрисида"ги Қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг қўлланилиши, уларнинг турлари, ушбу соҳадаги қонунчиликда мустақамланган талаблар ҳамда мазкур қонунчиликни ҳаётга татбиқ этиш масалалари ёришиб ўтилган.

Ўрмон инсон учун табиатдаги энг фойдали бойлик манбаи бўлиб, унинг инсонга берадиган тухфалари бениҳоя кўпдир. У турли-туман фойдали ҳайвон ва паррандалар, ёввойи мева ва замбуруғлар, қимматли мўйналар, касалликларни даволайдиган ўт-ўланлар ҳада этадиган ҳамда сув мусаффолиги ва тоза ҳавони сақлашда, халқ хўжалигининг ривожланишида улкан ҳисса қўшади.

Шу билан бирга, у ҳаво ва тупроқ ҳароратини экологик мувозанатга келтириб, далаларни қуриқ, иссиқ шамоллардан ҳимоя қилиб, тупроқ бузилишининг олдини олади.

Олимларимизнинг эътироф этишича, бир гектар қорақарағай дарахтзори 36 тоннагача чанг ва бошқа моддаларни ўзида сақлаб қолади. Бир гектар ёш қарағай дарахтзори бир соатда ўздан 0,154 кг дан 0,392 килограммгача учувчи фитонцид ажратади ёки бир гектар ўрмонзор 30 килограммгача фитонцид ишлаб чиқаради [1]. Шунинг учун ҳам ўрмонлар бор жойнинг ҳавоси экологик тоза бўлади.

Ўрмон бойлигининг яна бир хусусияти шундаки, у табиатда сув режимини тартибга солиб турувчи, тупроқни сув, шамол эрозиясидан сақловчи муҳим омил ҳисобланади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил 20 декабрда бўлиб ўтган 83-ялпи мажлисида 2011 йил "Халқаро ўрмон йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўрмонларнинг ҳар томонлама аҳамияти ва уларни ўстириш узоқ муддатли бўлганлиги учун ҳам, ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланиш, уларни эҳтиёт қилиб асраш, кўпайтириш ишига умумдават манфаати нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқдир.

Демак, ўрмон тўғрисидаги қонун ва барча қонуности норматив - ҳуқуқий ҳужжатлари ўрмон бойликларидан илмий асосланган ҳолда комплекс фойдаланишга, уларни режали равишда узлуксиз кўпайтиришга, ҳозир ва келажак авлодларнинг манфаатлари йўлида самарали муҳофаза қилишга, ўрмон бойликларини тежаб-тергаб, оқилона, виждонан муносабатда бўлиш учун юксак масъулият руҳида тарбиялашга хизмат қилмоғи лозим.

Шуниси эътиборлики, **мустақиллик йилларида** ўрмон бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, Қомусимизнинг 55-моддасида, "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", [2] - деб кўрсатилганлиги ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асосидир.

Шунга асосан, 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида Ўзбекистон Республикасининг **"Ўрмон тўғрисида"ги** [3] қонуни қабул қилинди. У 43-моддадан иборат бўлиб, ихчам ва ўрмон билан боғлиқ муаммоларни аниқ ўз ичига олган ҳуқуқий манба бўлди.

Ўрмон фонди ерлари алоҳида экологик аҳамиятга эга бўлиб, ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлардир.

Бугунги кунда ўрмон фонди ерларининг, 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, умумий ер майдони **9752, 3 минг** гектарни ёки жами ер майдонининг **21,7 фоизини** ташкил қилади [4].

Амалдаги қонунга кўра мазкур табиат бойлигидан ноқонуний фойдаланиш айрим юридик жавобгарликларнинг қўлланишига олиб келиши мумкин [5].

Ўрмон қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганда келиб чиқади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига кўра, маъмурий жавобгарлик ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра, жинойий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда амалга оширилади. Демак, бу жавоб-

гарлик ўзининг табиатига кўра, жиноий жавобгарликка нисбатан оддийроқ бўлиб, тезликда қўллаш мумкинлиги билан ва судланганликни келтириб чиқармаслиги билан тавсифланади.

Таъкидлаш жоизки, ўрмон қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик давлатнинг ўрмонга эгалик қилиш ҳуқуқини бузиш, ўрмонлардан хўжасизларча фойдаланиш, ўрмонларни ишдан чиқариш, ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш, ўрмонларни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтириш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш, дарахтлар, буталар ва бошқа ўрмон ўсимликлари ҳамда ниҳолларини ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш, ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш, Қизил китобга киритилган ва ноёб ўсимликларни йиғиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш, ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш, ўрмонларда ўрмон хавфсизлиги талабларини бузиш ва шу каби ножўя ҳаракатлар учун келиб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасига биноан, жарима, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир этиш қуроли ҳисобланган предметини ёки бевосита шундай объект бўлган буюмни ҳақ тўлаш шарти билан олиб қўйиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир этиш қуроли ҳисобланган ва бевосита шундай объект бўлган буюмни мусодара қилиш, муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқидан маҳрум этиш, маъмурий қамоққа олиш каби жазо чоралари қўлланилади.

Зеро, ўрмондан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни: 1) туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси, хўжалик судлари; 2) шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар; 3) вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари; 4) ички ишлар (милиция) органлари (мансабдор шахслари), давлат инспекцияси органлари (мансабдор шахслари) ва МЖТК билан ваколат берилган бошқа органлар (мансабдор шахслар) кўриб чиқадилар (МЖТК 242-моддаси).

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 69-моддасида чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлиб, эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, ўрмондаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш - фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади деб кўрсатилган.

Мазкур кодекснинг 77-моддасида эса, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, яъни тегишли рухсат олмай туриб, иморат солиш, ёғочни қайта ишлаш, омборлар ва бошқа иншоотлар куриш мақсадида ўрмон фонди ерларидаги дарахтни кундаков қилиш, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш ва мол боқиш, дренаж тизимларини ва йўлларини йўқ қилиш ёки шикастлантирганлик учун - фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, агар худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 78-моддасида кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш, ёғоч тайёрлаш ва ташиб олиб кетиш тартибини, шунингдек, ўрмон кесиш чиптаси (ордери)да ёки ўрмон чиптасида белгиланган бошқа талабларни бузганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш кўрсатилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддасида дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда келишиб шикастлантириш ёки йўқ қилишни содир этган фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача жарима солиниши, агар худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга нисбатан эса, уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши кўрсатилган.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш ҳуқуқбузарлигини содир этганларга нисбатан жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 80-моддасида белгиланган бўлиб, ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тури таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек, етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиниши белгиланган.

Эътиборли томони шундаки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 81-моддасида Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш ҳуқуқбузарлигини содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларни ёхуд шундай ўсимликларнинг илдизлари, поялари, шоҳлари, барглари, гуллари, мевалари ва уруғларини ўзбошимчалик билан йиғиш - фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса-икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, агар худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Мазкур кодекснинг 82-моддасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибини бузиш ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, давлат қўриқхонаси табиатини бузган фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳамда давлат миллий табиат боғлари, буюртма корхоналари, табиат ёдгорликлари, ботаника боғлари, дендрология ва ҳайвонот боғлари, қўриқланма (оралиқ) тегралар, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, балиқ хўжалиги тегралари ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ўзга ҳудудлар тартибини бузган фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, агар ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 83-моддасида ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш - фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмининг бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиниши, 84-моддасида эса, ўрмонда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганлиги учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга, агар худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиниши кўрсатилган.

Умуман олганда, ўрмон қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган юқоридаги қилмишлар содир этилган ҳолларда суд ёки ваколатли давлат идоралари томонидан қўлланиладиган юридик жавобгарлик тури бўлиб, қонунчиликда қайси қилмишларга нисбатан қўлланилиши аниқ белгиланганлиги, ҳам суд, ҳам ваколатли маъмурий идоралар ва мансабдор шахслар томонидан қўлланилиши мумкинлиги, ўзига хос жазо тизимига эгаллиги билан ажралиб туради.

Хуллас, "Ўрмон тўғрисида"ги Қонун талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг қўлланилиши маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам бериб, ушбу соҳадаги қонунчилик талабларини мустаҳкамлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Холмўминов Ж.Т. Она сайёрамизнинг яшил дунёси. // Инсон ва қонун, 2014 йил 25 март.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон", 2015.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 й. №5. 122-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг

ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот.-Т., 2015. -Б.14.

5. Холмўминов Ж.Т. Экологик қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик.// "Соғлом авлодни шакллантиришда экологик қонунчиликнинг ўрни ва роли". Илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮУ нашриёти, 2014. -Б.137-147.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ПРОЦЕДУРАЛАРГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ушбу мақолада миллий ҳуқуқий тизимда маъмурий процедураларга оид ҳуқуқий асосни яратиш ва ривожлантиришга оид масалаларнинг долзарблигига эътибор қаратилган. Муаллиф маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги маъмурий процесс ва процедура тушунчаси, мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритади, бир қатор олимларнинг илмий қарашларига ўз мулоҳазаларини баён қилади.

Шунингдек, мазкур мақолада маъмурий процессга доир қонунчиликни ривожлантириш ҳақида ҳам таклифлар берилган бўлиб, Ўзбекистонда маъмурий органларнинг маъмурий процедураларни амалга оширишга доир фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу соҳага юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича хулоса ва тавсиялар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий процессуал кодексини қабул қилиш зарурлигига урғу берилган. Ушбу норматив ҳужжатни қабул қилиш зарурияти каби ягона ёндашувнинг мавжудлиги маъмурий процедура ва юстицияга оид ҳуқуқий масалаларни самарали ҳал этилишининг гарови сифатида хизмат қилиши мумкинлиги тўғрисидаги тўхтамга олиб келади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий - ҳуқуқий ислоҳотлар, "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш" тамойилининг босқичма - босқич амалга оширилиши, давлатнинг асосий конституциявий мажбурияти сифатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг устунлигини таъминлаш миллий ҳуқуқий тизимни ривожлантиришнинг янги ва долзарб муаммоларини юзага чиқарди.

Мазкур ҳолда у ёки бу актларни қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан, миллий ҳуқуқий тизимни ривожлантиришга тизимли ёндашувни чуқурлаштириш ҳамда унинг амалдаги самардорлигини ошириш зарурияти назарда тутилмоқда. Шундай бир шароитда миллий ҳуқуқий тизимизда маъмурий қонунчиликни, айниқса, маъмурий процедура(тартиб-таомил)ларга оид ягона ҳуқуқий асосни яратиш ва ривожлантириш энг муҳим вазифаларимиздан бири саналади.

Айни пайтда, шуни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилмоғимиз керакки, иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш учун ижтимоий - иқтисодий, ижтимоий - сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топишда ҳам давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан амалга ошириладиган маъмурий процедураларни ҳуқуқий тартибга солиниши ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедура назарияси маъмурий ҳуқуқ фани учун янги йўналиш бўлиб, ханузгача олимлар назаридан четда қолганлиги, маъмурий процедура муаммолари бўйича илмий - назарий ишланмалар етарлича олиб борилмаганлиги, айни пайтда маъмурий процедуралар тўғрисидаги қонунчилик ҳолатига бевосита ўз таъсирини кўрсатди. Ҳозирги кунда маъмурий процедура асосларини белгилаб берувчи ягона ҳуқуқий манба мавжуд эмас.

Айниқса, ушбу муаммонинг ечимини топишда тадбиркорлик соҳасида маъмурий процедураларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимида қонуности актлари юқори ўринни эгаллайди. Зеро, амалдаги қонунларда фақатгина маъмурий процедураларга тааллуқли бўлган умумий хусусиятдаги ҳолатлар ифодаланган бўлиб, кўп сонли ҳавоалар назарда тутилган, холос. Бугунги кунда маъмурий тартиб-таомилларни ҳуқуқий тартибга солиш фаолиятини, асосан, маъмурий органларнинг ўзи амалга оширмоқда.

Шу боис, мазкур мақолада маъмурий процесс соҳасида иштирок этувчи маъмурий органлар ҳамда индивидуал шахслар ўртасида маълум бир маъмурий қарорлар юзасидан вужудга келадиган маъмурий соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида, маъмурий процесс ва процедура тушунчаси, мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича фикр юритишга ҳаракат қилинади.

Мамлакатимиз ва хориж ҳуқуқида йилдан-йилга ривожланиб бораётган йўналиш сифатида маъмурий ҳуқуқий ислоҳотларни алоҳида кўрсатсак ҳеч муболаға бўлмайди. Ушбу маъмурий ислоҳотларнинг асосий мақсади давлатнинг ижроия-фармойиш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, давлат хизмати ва хизматчиларининг мавқеини кўтариш, давлат ва бошқа хўжалик орган-

лари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат хизматларини ундан фойдаланувчиларга тақдим этилишининг маъмурий - ҳуқуқий механизмини шакллантиришдан иборатдир. Ана шу мақсад ва вазифаларни амалга оширилишида маъмурий процедураларнинг тизимли концепциясини вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижроия ҳокимияти органлари фаолиятидаги "маъмурий процедура ёки тартиб - таомил" атамасининг мазмунини билиш учун, аввало, унинг маъмурий ҳуқуқ фани доирасида қандай талқин этилишига эътибор қаратишимиз лозим. Маъмурий ҳуқуқ фанида маъмурий процедура маъмурий процесснинг таркибий қисми сифатида қаралишини кузатамиз [1]. Шу муносабат билан, юридик ва маъмурий процесс тушунчаларининг умумий асослари тавсифига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, шундан кейингина ижроия органлари фаолиятидаги маъмурий процедуранинг мазмун ва моҳиятини тушуниб олиш мумкин.

Ҳуқуқ фанида, хусусан, маъмурий ҳуқуқ фанида ҳозирги вақтга қадар маъмурий процесс тушунчасига умумэътироф этилган аниқ бир таъриф шаклланмаган. Бу ҳолат кўпгина ҳуқуқ олимларининг маъмурий процесс моҳияти, мазмуни ва тузилиши (таркиби) борасидаги турли хил ёндашув ва қарашлари билан изоҳланади. Шу каби маъмурий процесс тушунчасига турли олимлар турлича таъриф берадилар. Масалан, маъмурий процессни кўпчилик олимлар давлат ваколатли органлари ва мансабдор шахсларининг маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва низоларни ҳал этиш борасидаги фаолияти деб ҳисоблаб келганлар. Ушбу таърифдан фарқли ўлароқ, Д.Н. Бахрах маъмурий процесс фақатгина юрисдикциявий фаолиятни қамраб олмаслигини, шунингдек, позитив мазмун касб этувчи, маъмурий тартибга солувчи (регулятив) ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш фаолиятини ҳам ўз ичига олишини алоҳида қайд этган [2].

Бу соҳага доир адабиётлар таҳлили кўрсатадики, бошқа бир гуруҳ олимлар маъмурий процесс деганда, бошқарув органларининг давлат бошқаруви соҳасида вужудга келадиган ҳар қандай индивидуал характердаги ишларни юритиш ва ҳал этиш борасидаги фаолиятини тушунадилар [3]. Хусусан, В.Д.Сорокин маъмурий процессни тушунишнинг кенг маънодаги таърифини айнан шу фаолиятга боғлайди.

Яна бир гуруҳ олимлар маъмурий процессни судларнинг фуқаролар ва юридик шахслар томонидан бошқарув органларининг ноқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари юзасидан берган аризаларини кўриб чиқиш фаолиятини, бошқача айтганда, суд жараёнини тушунадилар, яъни, маъмурий процесс маъмурий юстиция билан бевосита боғлиқ эканлигига урғу берадилар [4]. Ю.М.Козлов ва Л.А.Попов ўз тадқиқотларида маъмурий юрисдикция ва маъмурий процедура фаолиятига маъмурий процесснинг таркибий қисми сифатида қарайдилар, маъмурий иш юритув (производство) деган тушунча ҳақида ҳам тўхталиб, уни ижроия ҳокимияти фаолиятида қонунийликни таъминлашга қаратилган усул деб кўрсатадилар. Улар маъмурий юстицияни алоҳида процессуал ҳуқуқ фаолияти деб ҳисоблайдилар [5].

Шундай қилиб, мавжуд адабиётлар таҳлили асосида маъмурий процесс ҳақида тўхталиб ўтдик. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, энди маъмурий процедура тушунчасига эътибор қаратсак. Аслида маъмурий бошқарув (маъмурий-процедуравий) жараёни бошқа маъмурий ҳуқуқий фаолиятга доир ҳаракатлар билан биргаликда маъмурий процессни ташкил этади ҳамда ўз хусусияти билан ижобий (позитив) характер касб этади. Ҳақиқатдан ҳам ушбу бошқарув шакли маъмурий процедура деб аталишини инобатта олиш керак бўлади. Демак, маъмурий бошқарувнинг салбий (негатив) ҳаракатлар (ҳуқуқбузарликлар) натижасида келиб чиққан шакли юрисдикциявий хусусиятга эга бошқарув ёки коллизия маъмурий процедуралар деб ҳисобланиши мақсадга мувофиқ бўлади [6].

Бундан хулоса қилиш мумкинки, маъмурий процесс ва процедура тушунчалари ўзаро умумий ва хусусий жиҳатлар билан боғланган. Дарҳақиқат, маъмурий процедура бу маъмурий процесснинг бир қисми, процесс эса процедураларнинг йиғиндисидир. Шу ўринда, А.Ю.Якимов [7] ва И.Цайлар [8] маълум бир юридик фаолиятда процесс - мазмун, процедура- шакл маъносида келишини таъкидлайди. Агар маъмурий процессни юридик процесснинг бир тури сифатида кўрадиган бўлсак, ундай ҳолатда ҳам, юқоридаги таъкидларни шу йўналишда ишлатсак бўлади.

Маъмурий процедура - бу расмий тартибда ўрнатилган маъмурий процессуал ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишдаги фаолият шаклидир. Маъмурий процесс деганда, давлат ва хусусий шахслар ўртасидаги муносабатларда акс этадиган давлат бошқарувининг умумпроцессуал жиҳатлари тушунилади [9]. Маъмурий процедура деганда эса, маъмурий индивидуал актни тайёрлаш, қабул қилиш, ўзгартириш, тўхтатиб туриш ва бекор қилиш жараёнини тушуниш керак.

Миллий маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги адабиётларда маъмурий процессни тушунишнинг 3 таркибий концепцияси мавжудлиги таъкидланади. Жумладан, И.М.Цай маъмурий процессни тушунишнинг қуйидаги концепцияларини таклиф этади:

- юрисдикциявий;
- юстициявий;

- бошқарув (маъмурий процедуравий) [10].

Давлат бошқарувига оид бўлган барча жараёнлар ҳам маъмурий процесс ёки процедура предмети сирасига кирмайди. Жумладан, давлат бошқарув фаолиятининг ҳуқуқ билан тартибга солинмаган жабҳалари (ташкилий, моддий - техник ва бошқа муносабатлар) маъмурий процесс доирасига тааллуқли бўла олмайди. Бундан ташқари, маъмурий процесс фақатгина оммавий (ташқи) характерга эга бўлган ҳуқуқни қўллашни назарда тутлади. Шу сабабли, маъмурий бошқарув органларининг ички тартибий (ҳуқуқ нормаси ёки регламент билан тартибга солинадиган нормалар) ҳуқуқни қўллаш каби жараёнлари ҳам тўлиқ маъмурий процессга кирмайди. Хулоса шуки, маъмурий бошқарув органларининг ички ва ташқи тартибий бошқарув жараёни маъмурий процесс доирасига кириши ёки кирмаслигидан қатъи назар, маъмурий процедура доирасига тўлиқ ҳолда кирмайди.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан маъмурий процедуралар иқтисодий соҳага, давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар фаолиятига тезлик билан кириб бормоқда. Шу сабабдан ҳам, жамият ва давлат ҳаётида, бошқарув органлари ва индивидуал шахсларнинг ўзаро маъмурий ҳуқуқий муносабатларида янги маъмурий процедуравий тартибнинг жорий этилиши, уни ишлашининг ҳуқуқий механизми яратилиши, умумэтироф этилган принципларининг ва албатта, ягона ҳуқуқий асосининг бўлишини даврнинг ўзи тақозо этиб турибди.

Худди шунингдек, маъмурий процедуранинг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари, функциялари, умумэтироф этилган халқаро принциплари, маъмурий процедура доирасига кирадиган масалалар нақадар кенглигини ўрганиш кўрсатадики, маъмурий ҳуқуқ соҳаси (жумладан, маъмурий процесс)нинг ушбу шакл ва йўналишларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш миллий қонунчилигимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Келгусида, ҳозирги тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, давлат бошқарувини ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида, маъмурий процессга доир қонунчиликни ривожлантириш бўйича қуйидаги таклифларни тавсия сифатида кўрсатиш мумкин:

1. *Маъмурий процедура ва юстицияни тартибга солиб турувчи ягона норматив - ҳуқуқий ҳужжат (кодекс ёки қонун) тез муддатларда ишлаб чиқилиши лозим. Бу ўз навбатида, ижроия органларининг ҳуқуқий соҳада нормал иш функцияларининг амалга оширилишига, давлат аппаратининг самарадор ишлашига ижобий таъсир этади. Шубҳасиз, ушбу ислохотлар натижасида фуқаролик жамияти аъзолари (фуқаролар, юридик шахслар)нинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончи тобор ошиб боради, барча ижтимоий-иқтисодий муносабатларда, шу жумладан, тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларда ҳам бундай ўзгаришлар барқарор ривожланишининг асоси бўлиб хизмат қилади.*

2. *Юқорида айтиб ўтилган таклифдан келиб чиқиб, мамлакатимизда маъмурий процессга оид қонунчиликни ривожлантириш учун кенг илмий-ҳуқуқий жамоатчиликни ва тегишли давлат ҳокимияти органлари тизимидаги мутахассисларни кенг жалб этиш керак. Бундан ташқари, маъмурий процесс ривожланган АҚШ, Германия, Япония каби мамлакатлар тажрибасини чуқур таҳлилий ўрганиш ва хорижий консултантлар, экспертларни ёллаган ҳолда, илмий грантлар асосида тадқиқот ишлари ташкил этиш лозим.*

3. *Мамлакатимизда умумдавлат миқёсида, ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг бир тармоғи сифатида "маъмурий ҳуқуқ концепция"сининг [11] ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амал қилиши тадбиқ этилиши керак. Бундан қўзланган мақсад шуки, концепцияда маъмурий қонунчиликни ривожлантиришнинг тадрижий босқичлари аниқ белгилаб берилган бўлади. Соҳадаги мавжуд муаммолар ва амалдаги ҳолат таҳлил этилиб, қандай йўналишда ишлар олиб борилиши кераклиги аниқлаб олинади. Шу ўринда, турли соҳалардаги маъмурий процедурани тартибга солувчи қонунности ҳужжатлари етарлича эканлигини қайд этган ҳолда, таъкидлаш жоизки, ягона қонун ишлаб чиқилгунга қадар улардан самарали фойдаланишининг ташкил этилишида концепция асосий йўналтирувчи дастур бўлиб хизмат қилади.*

Ҳаммамизга маълумки, ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири - бу маъмурий процедуралар орқали давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдир. Ҳуқуқий давлат принциплари маъмурий процесс иштирокчилари учун ошқора ва адолатли бўлган ҳамда маъмурий органлардан аниқ белгиланган хулқ-атворда бўлишни талаб этади. Айнан мана шунда маъмурий тартиб - таомилларнинг конституциявий-ҳуқуқий аҳамияти намоён бўлади. Давлат органлари ўзларига берилган ҳокимият ваколатидан фақатгина инсон ва жамият манфаатлари йўлида фойдаланиши лозим. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш эса, ушбу қонидани амалда рўёбга чиқаришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида индивидуал (якка, маъмурий) актларни қабул қилиш тартиби, босқичлари ва қоидаларини белгилаб берувчи норматив акт мавжуд эмас. Қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ турли юридик кучга эга бўлган алоҳида актлар (йўриқнома, низом)да маълум бир маънода тўлдирилган. Мавжуд ҳолат давлат идораси манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги сабабли, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши хавфини юзага келтириши мумкин [12].

Шуни эслатиб ўтиш керакки, 2005 йилдаёқ Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, қонун лойиҳаси маъмурий ҳуқуқ олимлари орасида яхши мулоҳазалар билан кутиб олинган эди. Ҳаттоки, бу лойиҳа Олий Мажлис қўйи палатаси томонидан жуда кўп қисқартиришлар билан қабул қилинди, лекин қонуннинг кейинги тақдири яхши кечмади. Қонун лойиҳаси Сенат томонидан маъқуланмади ва қайта ишлаб чиқиш учун қайтариб юборилди. Бунга сабаб, қонун лойиҳасида маъмурий процедурага оид асосий принциплар, формал процедура, маъмурий қарор, унинг амал қилиши, бажарилиши устидан назорат каби тартиблар тўлиқ ёритиб берилмаганлигидир. 2007 йилдан буён Сенат қошида тузилган ишчи гуруҳи бу масалалар бўйича ишлаб келмоқда, бу давр оралигида 10 дан ортиқ лойиҳалар тузилган. Бироқ бугунга қадар қонун қабул қилинган эмас [12].

Мазкур қонун ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг замонавий усулларни, ташкилий-ҳуқуқий шакллари жорий этишга, ички идоравий назорат механизмини кучайтиришга қаратилган. Хусусан, турли маъмурий тартиб-таомилларнинг умумий принциплари ва уларга қўйиладиган талаблар (лицензиялаш, сертификатлаштириш, рўйхатдан ўтказиш), шунингдек, уларни соддалаштириш чора-тадбирлари қонун йўли билан тартибга солинади. Қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқаруви соҳасидаги расмийчиликни, тўрачилик кўринишлари ва суиистеъмолликларни истисно этишга кўмаклашади.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 25 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишларни амалга ошириш бўйича қонун ижодкорлиги ишлари дастури тўғрисида"ги Ф-4305-сонли Фармойишида назарда тутилган.

Хуллас, юқорида келтириб ўтилган таклиф ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда маъмурий органларнинг маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишга оид фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, ушбу соҳада юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича яқун ва тавсия сифатида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий процессуал кодексини қабул қилиш лозимлигига урғу беришни зурур деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, бундай кодекснинг қабул қилиниши, аввало, маъмурий процедурага доир қонунчиликни унификациялаш ва инкорпорациялашга олиб келади. Янги ишлаб чиқилган кодекс бир вақтнинг ўзида ҳам маъмурий процедура предметини, ҳам маъмурий юстиция предметини тартибга солади. Алоҳида маъмурий процедура асослари тўғрисидаги қонун ишлаб чиқиш зарурлиги каби масалани ҳам ҳал этади. Энг асосий жиҳати, маъмурий процесснинг барча таркибий қисмлари ҳуқуқий тартибга солинишининг ягоналигига эришилади.

Иккинчидан, маъмурий процессуал кодексни қабул қилиш каби ягона ёндашувнинг бўлиши маъмурий процедура ва юстицияга оид ҳуқуқий масалаларнинг самарали ҳал этилишининг гарови бўлиб хизмат қилади. Ваҳоланки, амалдаги маъмурий қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш вазифаси муваффақиятли яқунланиши учун айти пайтда маъмурий-процессуал қонунчилик тизимини янада такомиллаштириб бориш замон талаби бўлиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бабушкин К.А. Понятие и принципы административных процедур. // Субъективные права и законные интересы: теория и проблемы юридической защиты. - Воронеж, 2002. - С.12.
2. Бахрах Д.Н. Юридический процесс и административное судопроизводство // Журнал российского права. - М., 2000. - № 9. - С.7.
3. Сорокин В.Д. Административно-процессуальное право. - СПб., 2004. - С. 3.
4. Демин А.А. Понятие административного процесса и кодификация административно-процессуального законодательства Российской Федерации // Государство и право. - 2000. № 11. - С. 5.
5. Козлов Ю.М., Попов Л.Л. Административное право. - М., 1999. - С. 384.
6. Тихомиров Ю.А., Талапина Э.В. Административные процедуры и право // Журнал российского права. - 2002. - № 4. - С. 3.
7. Якимов А.Ю. Административно-юрисдикционный процесс и административно-юрисдикционное производство // Государство и право. - №3, 1999.- С. 6.
8. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан// Общая часть. - Т.: Konsauditinform-Nashr. - 2012. - С. 410 - 411.
9. Хожиев Э.Т., Хожиев Т. Маъмурий ҳуқуқ// Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. - Т., 2006. 635 - Б. 637.
10. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан// Общая часть. - Т.: Konsauditinform-Nashr. - 2012. - С. 410 - 411.
11. Хожиев Э.Т., Ли А. Ўзбекистон Республикаси маъмурий қонунчилигини ривожлантириш концепцияси. Жамият ва бошқарув, 2013 йил №4.
12. Хамедов И.А., Цай И.М. Институт административных процедур в свете реформирования административно-процессуального права в Узбекистане. Материалы IV-й междунар. науч.-практ. конф. (школы) по административному праву, г. Алматы, 15-16 ноября 2013 г. / Под общ. ред. к.ю.н. А.Б.Габбасова. - Астана: ГУ "Институт законодательства Республики Казахстан, 2014. - С.80-84

DAVLAT ORGANLARI YOKI USHBU ORGANLAR MANSABDOR SHAXSLARINING G'AYRIQONUNYI HARAKATLARI (HARAKATSIZLIGI) NATIJASIDA YETKAZILGAN ZARARLARNI QOPLASHNING HUQUQIY ASOSLARI

Qonunchilikda davlat organlari yoki ularning mansabdor shaxslarining g'ayriqonuniy harakatlari (harakatsizligi) natijasida yetkazilgan zararni qoplash majburiyati davlatga yoki mansabdor shaxs zimmasiga yuklanayotganda, sud tomonidan qaror chiqarishga asos bo'luvchi normalar mavjud emasligi ushbu jarayonda kamchiliklar borligini ko'rsatmoqda. Mazkur maqolada davlat va mansabdor shaxslarning zararni qoplash bilan bog'liq majburiyatlari aniq holatlar bo'yicha ajratilishi to'g'risida fikr - mulohazalar bildirilgan.

O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishganidan so'ng fuqarolar va yuridik shaxslarning huquq va manfaatlari himoya qilish, ularning buzilgan huquqlarini tiklash sohasidagi qonunchilikni rivojlantirish va amaliyotga tatbiq etish, O'zbekiston mustaqillikka erishganidan so'ng dolzarb masalaga aylandi. Ushbu sohada davlat organlari va ularning mansabdor shaxslarining mas'uliyati yanada oshirildi. Davlat organlari va mansabdor shaxslarning mas'ulligi Bosh Qomusimizning 2-moddasida ham belgilanib, boshqa qonun va qonunosti hujjatlari uchun asos bo'lib xizmat qilmoqda. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 44-moddasida: "Har bir shaxsning huquq va erkinliklarining sud orqali himoya qilinishi, davlat organlari, mansabdor shaxslar, jamoat birlashmalarining g'ayriqonuniy xatti-harakatlari ustidan sudga shikoyat qilish huquqi kafolatlanadi", - deb belgilanib, jismoniy va yuridik shaxslarning huquq va manfaatlarini tiklash hamda ularga yetkazilgan zararni qoplash tartibotini belgilashni nazarda tutadi. Davlat organlari hamda ushbu organlarning mansabdor shaxslarining qonun doirasida faoliyat yuritishi va o'z vazifalarini og'ishmay bajarishi ham mamlakatimizda qonun ustuvorligini ta'minlashning asosiy shartlaridan hisoblanadi. Zero davlatning o'z funksiyalarini aniq va o'z vaqtida bajarishi davlat organlari va mansabdor shaxslarning qonuniy hamda samarali ish yurituvini bilan bevosita bog'liqdir.

Biroq davlat organlari yoki ushbu organlar mansabdor shaxslarining g'ayriqonuniy harakatlari (harakatsizligi), shu jumladan, davlat organlarining qonun hujjatlariga muvofiq bo'lmagan hujjat chiqarishi natijasida fuqarolar yoki yuridik shaxslarning huquq va manfaatlari buzilish holatlari ham amaliyotda uchrab turibdi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 23 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi "Asosiy vazifamiz - jamiyatimizni isloh etish va demokratlashtirish, mamlakatimizni modernizatsiya qilish jarayonlarini yangi bosqichga ko'tarishdan iborat" deb nomlangan ma'ruzasida aytilgan ma'lumotlarga asoslanadigan bo'lsak, "2015 - yilning 9 oyida Bosh prokuraturaga fuqarolardan prokuratura xodimlari ustidan 426 ta shikoyat kelib tushgan. Mazkur shikoyatlarni ko'rib chiqish natijalari bo'yicha 45 nafar xodim intizomiy javobgarlikka tortilgan, 22 nafar xodim egallab turgan lavozimidan ozod qilingan, 33 nafar xodim prokuratura organlaridan bo'shatilgan". Bu birgina prokuratura xodimlari misolida keltirilgan ma'lumot ekanligi va bunday ma'lumotlarni boshqa davlat organlari va ularning mansabdor shaxslari misolida ham keltirish mumkinligiga e'tibor qaratish lozim. Shu borada fuqarolar va yuridik shaxslarning huquq va manfaatlari hamda ularga yetkazilgan zararni qoplash mexanizmi qay darajada ishlayotganligi muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 14-moddasida zarar tushunchasi yoritilgan bo'lib, unga ko'ra, "Zarar deganda huquqi buzilgan shaxsning buzilgan huquqini tiklash uchun qilgan yoki qilishi lozim bo'lgan xarajatlari, uning mol-mulki yo'qolishi yoki shikastlanishi (haqiqiy zarar), shuningdek, bu shaxs o'z huquqlari buzilmaganida odatdagi fuqarolik muomalasi sharoitida olishi mumkin bo'lgan, lekin ololmay qolgan daromadlari (boy berilgan foyda) tushuniladi", - deb ko'rsatilgan.

Ushbu kodeksning 985-moddasida esa "g'ayriqonuniy harakat (harakatsizlik) tufayli fuqaroning shaxsiga yoki mol-mulkiga yetkazilgan zarar, shuningdek, yuridik shaxsga yetkazilgan zarar, shu jumladan, boy berilgan foyda zararni yetkazgan shaxs tomonidan to'liq hajmda qoplanishi lozim"ligi belgilangan. Demak, yetkazilgan zarar qonun hujjatlarida boshqacha holatlar nazarda tutilmagan bo'lsa, to'liq hajmda qoplanishi shartligi o'z ifodasini topgan. Bu esa zarar davlat organlari yoki ushbu organlar mansabdor shaxslarining g'ayriqonuniy harakati (harakatsizlik) oqibatida yetkazilgan taqdirda ham to'liq qoplanishi lozimligini anglatadi.

Davlat organlari yoki ushbu organlar mansabdor shaxslarining g'ayriqonuniy harakatlari (harakatsizligi), shuningdek, ular tomonidan qonun hujjatlariga muvofiq bo'lmagan hujjat chiqarilishi natijasida fuqarolarga yoki yuridik shaxslarga yetkazilgan zarar sudning qarori bilan davlat tomonidan qoplanishi yoki mansabdor shaxsning aybi bilan yetkazilgan bo'lsa, shu mansabdor shaxslar zimmasiga yuklanishi mumkinligi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 15-, 990-moddalarida belgilangan. Davlat tomonidan zararlarni qoplash tartibi O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki, O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasi qarori bilan tasdiqlangan va O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2002-yil 12-yanvarda 1095-son bilan ro'yxatdan o'tkazilgan "Davlat organlari yoki ushbu organlar mansabdor shaxslarining qonunga xilof harakatlari (harakatsizligi) natijasida fuqarolar yoki yuridik shaxslarga yetkazilgan zararni qoplashda davlat budjeti mablag'lari hisobidan pul to'lovlarini amalga amalga oshirish tartibi to'g'risida"gi Yo'riqnomada ko'rsatilgan. Demak, fuqaro va yuridik shaxslarga davlat organlari yoki ushbu organlar mansabdor shaxslari tomonidan yetkazilgan zarar sudning qarori bilan davlat tomonidan qoplanishi ko'rsatilsa, davlat budjeti hisobidan amalga oshiriladi. Bu esa fuqarolarning huquq va manfaatlari qonun himoyasida va davlatning o'zi ham majburiyatni o'z zimmasiga olib, davlat organlari va ularning mansabdor shaxslari g'ayriqonuniy harakati (harakatsizligi) uchun javobgar ekanligini anglatadi. Ammo fuqaro va yuridik shaxslarga yetkazilgan zararni qoplash majburiyati sud tomonidan zarar yetkazishda aybi bo'lgan mansabdor shaxslarning zimmasiga yuklanishi mumkin. Agar sudning qarori bilan zararni qoplash bevosita mansabdor shaxslarning zimmasiga yuklansa, fuqaro va yuridik shaxslarga yetkazilgan zarar to'liq qoplanishi xususida ma'lum muammolarni keltirib chiqarishi mumkin.

"Davlat organlari mansabdor shaxslarining aybi bilan yetkazilgan zararlarni qoplash sudning qarori bilan shu mansabdor shaxslar zimmasiga yuklanishi mumkin"ligi to'g'risidagi norma O'zbekiston Respublikasining 2000-yil 15-dekabrda "O'zbekiston Respublikasi ayrim qonun hujjatlariga o'zgartirishlar va qo'shimchalar kiritish, shuningdek ayrimlarini o'z kuchini yo'qotgan deb topish to'g'risida"gi 175-II-son Qonuni asosida O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga davlat organlari mansabdor shaxslarining mas'uliyatini oshirishga qaratilgan o'zgartirish kiritildi. Ushbu o'zgartirish hususida o'z fikrini bildirgan huquqshunos olim M.Baratov: "Mansabdor shaxs, davlat nomidan harakat qiladi va uning harakatlari natijasida mansabdor shaxsga emas, faqat davlatga huquq va majburiyatlar vujudga keladi. Shuning uchun ham bu holatda javobgarlikni mansabdor shaxsga yuklashga doir FKning 15-, 990- va 991-moddalariga kiritilgan o'zgartirishlarni olib tashlash lozim", - deb ta'kidlaydi.

Davlat organlari mansabdor shaxslarining zimmasiga ularning aybi bilan yetkazilgan zararni qoplash majburiyati yuklanishi, mansabdor shaxslarning o'z faoliyatlarini faqatgina qonun doirasida, o'z vaqtida va faol amalga oshirishida mas'uliyat yuklaydi. Amaliyotda yetkazilgan zararni qoplash majburiyati qachon davlat yoki davlat organi mansabdor shaxslarining zimmasiga yuklanishi mumkinligi shartlari qonunchilikda aniq belgilab qo'yilmagan. Bu esa sudlar tomonidan zararni qoplash majburiyati yuklanayotganda, ishning holatidan kelib chiqib, davlat yoki mansabdor shaxs zimmasiga yuklashni taqozo qiladi.

Fuqarolik kodeksida davlat organlari yoki ushbu organlar mansabdor shaxslarining g'ayriqonuniy harakatlari (harakatsizligi), shuningdek, ular tomonidan qonun hujjatlariga muvofiq bo'lmagan hujjat chiqarilishi natijasida fuqarolarga yoki yuridik shaxslarga yetkazilgan zarar sudning qarori bilan davlat tomonidan qoplanishi yoki mansabdor shaxsning aybi bilan yetkazilgan bo'lsa, shu mansabdor shaxslar zimmasiga yuklanishi mumkinligi to'g'risidagi normalar umumiy bo'lib, aynan qanday holatlar va asoslar bo'yicha sud qaror chiqarishi kerakligi masalasi yoritib berilmagan. Shu asosda, qonunchilikda davlat organlari yoki ularning mansabdor shaxslarining g'ayriqonuniy harakatlari (harakatsizligi), shuningdek, ular tomonidan qonun hujjatlariga muvofiq bo'lmagan hujjat chiqarilishi natijasida fuqarolarga yoki yuridik shaxslarga zarar yetkazilganda, qanday holatlarda va qachon davlatga zararni qoplash majburiyati yuklanishi va aksincha, qanday holatlarda va qachon mansabdor shaxs zimmasiga zararni qoplash majburiyati yuklanishini belgilovchi qonun hujjati qabul qilinishi lozim deb hisoblaymiz. Negaki, g'ayriqonuniy harakatlar (harakatsizlik) sodir etishda ham, qonun hujjatlariga muvofiq bo'lmagan hujjat chiqarilishida ham mansabdor shaxslarning ma'lum aybi bo'lishi, xato va kamchiliklarga yo'l

qo'ygan bo'lishi mumkin. Bunda, qonunchilikda zararni qoplash majburiyati yuklanayotganda, davlat organi mansabdor shaxslari g'ayriqonuniy harakat (harakatsizlik) sodir etayotganda, shuningdek, qonun hujjatlariga muvofiq bo'lmagan hujjat chiqarish vaqtida o'z vakolatlari doirasida harakat qilganlik yoki qilmaganlik holatlari va o'z xizmat vazifalarini bajarayotganlik yoki bajarmayotganlik holatlarini muhim shart sifatida kiritishni taklif qilgan bo'lardik. Bu, o'z navbatida, mansabdor shaxslarning g'ayriqonuniy harakati (harakatsizligi) hamda qonun hujjatlariga muvofiq bo'lmagan hujjat chiqarishini oldini olishga va ma'lum ma'suliyat yuklab, ularning javobgarligini kuchaytirishga xizmat qiladi.

Xulosa qiladigan bo'lsak, O'zbekiston Respublikasida davlat organlari yoki ularning mansabdor shaxslarining g'ayriqonuniy harakatlari (harakatsizligi) natijasida fuqaro va yuridik shaxslarning huquq va manfaatlarini buzilib zarar yetkazilsa, sudning qarori asosida qoplanadi. Zararni qoplash majburiyati davlatga yuklatilsa, davlat budjeti hisobidan qoplash tartiboti shakllantirilgan. Biroq sud tomonidan zararni qoplash majburiyati davlatga yoki mansabdor shaxs zimmasiga yuklanayotganda, qaror chiqarishga asos bo'luvchi normalar mavjud emasligi ushbu jarayonda kamchiliklar borligini ko'rsatmoqda. Ushbu sohada davlat va mansabdor shaxslarning zararni qoplash bilan bog'liq majburiyatlari aniq holatlar bo'yicha ajratilishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

- | | |
|--|---|
| 1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. "O'zbekiston", 2014. | davlatning fuqarolik-huquqiy maqomi. Y.f.n. dissertatsiya. - T., 2004. - B.132. |
| 2. O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Axborotnomasi, 1996, 11-12-son, 1-modda. | 4. www.uza.uz . |
| 3. Baratov M.X. Bozor munosabatlari sharoitida | 5. www.lex.uz |

EKSPORT VA IMPORT OPERATSIYALARINI AMALGA OSHIRISHDA BOJXONA NAZORATI VA UNING AHAMIYATI

Mazkur maqolada davlat tomonidan tashqi savdo faoliyatini tartibga soluvchi vositalar va mexanizmlarni takomillashtirish yuzasidan takliflar ishlab chiqilgan. Buning uchun bir qator xorijiy davlatlarda amalga oshirilgan islohotlar hamda mamlakatimizda tashqi iqtisodiy faoliyatni tartibga soluvchi joriy qonunchilik tahlil qilingan.

O'zbekistonda ijtimoiy jihatdan yo'naltirilgan o'z bozor iqtisodiyoti andozasida tashqi iqtisodiy faoliyatni rivojlantirish va mustahkamlash, respublikaning jahon xo'jalik aloqalariga birlashish yo'llarini belgilash muhim o'rin tutadi.

O'zbekiston mustaqillikka erishgandan keyin o'zining mustaqil tashqi iqtisodiy siyosatini o'tkazmoqda. Quyidagi prinsiplar unga asos qilib olingan:

- mafkuraviy qarashlardan qat'i nazar tashqi munosabatlarda oshkoralik;
- teng huquqli va o'zaro manfaatli hamkorlik, boshqa mamlakatlarning ichki ishlariga aralashmaslik;
- o'zining milliy-davlat manfaatlari ustuvorligida o'zaro manfaatlarni har tomonlama hisobga olishi, respublika biron-bir davlatning ta'sir doirasiga kirmasligi darkor;
- to'la ishonch, xalqaro iqtisodiy va moliyaviy tashkilotlar doirasidagi hamkorlikni chuqurlashtirish asosida ikki tomonlama, shuningdek, ko'p tomonlama tashqi aloqalar o'rnatish va ularni rivojlantirish;
- umume'tirof etilgan xalqaro huquq normalariga rioya qilish va xalqaro tartiblarga izchillik bilan o'tish.

Tashqi iqtisodiy soha mamlakatimiz uchun juda muhim hisoblanadi. Tashqi iqtisodiy soha tarmoqlari majmuini vujudga keltirmasdan turib moliya, bank-kredit tashkilotlari, bojxona xizmati ishini xalqaro standartlar va talablar darajasida yo'lga qo'yishni tasavvur qilib bo'lmaydi.

Tashqi savdo faoliyatini takomillashtirish uchun respublikaning eksport qudratini rivojlantirish va yanada mustahkamlash, eksportga yo'naltirilgan iqtisodiyotni shakllantirish va rivojlantirish, takomillashtirib borish darkor.

Tashqi savdoni tartibga solishda asosiy o'rinda bojxona nazorati turadi. Bojxona nazorati bojxona qonunchiligi va boshqa qonun hujjatlari talablarini bajarish hamda O'zbekiston Respublikasi xalqaro shartnomalar bilan o'z zimmasiga olgan majburiyatlarni bajarish hamda ularga rioya etilishini ta'minlash maqsadida amalga oshiriladigan tadbirlar majmuini tashkil etadi.

Bojxona nazoratiga bojxona rejimlari, bojxona rasmiylashtiruvi, bojxona organlari tomonidan surishtiruvni olib borish, valuta nazorati va boshqalar kiradi.

Bojxona organlari mamlakatimizga olib kirilayotgan va undan olib chiqilayotgan valuta qimmatliklarini hamda jismoniy va yuridik shaxslar tomonidan amalga oshirilayotgan valuta operatsiyalarini qonunga muvofiqligi ustidan davlat nazoratini olib boradi. Valuta operatsiyalari deb, bojxona chegarasi orqali naqd yoki naqd bo'lmagan milliy valuta, chet el valutasini yoki valuta qimmatliklarini olib o'tishga aytiladi. Valuta qimmatliklari bojxona chegarasi orqali olib o'tilayotganda valuta nazorati bojxona organlari xodimlari tomonidan amalga oshiriladi.

Hech qanday davlat tashqi savdo faoliyatini yo'lga qo'ymasdan, xalqaro hamjamiyat bilan aloqalar bog'lamasdan rivojlanish yo'lidan bora olmaydi. Tashqi savdoni va tashqi iqtisodiy faoliyatni rivojlanishida import va eksport operatsiyalari muhim ahamiyatga ega. Negaki, mamlakatga valuta qimmatliklari kirib kelishi uchun mamlakatda ishlab chiqarish mavjud bo'lishi, va u, albatta, eksportga yo'naltirilgan bo'lishi lozim. Import esa aholi ehtiyojlarini qondirishda, kundalik hayotda zarur bo'lgan mahsulotlarni mamlakatga olib kelishda va bizda mavjud bo'lmagan ishlab chiqarish uchun zarur bo'lgan xomashyolarni kirib kelishini ta'minlaydi.

Shu o'rinda, import va eksport operatsiyalari tushunchalariga batafsilroq to'xtalib o'tsak. Import operatsiyalari deb, mamlakatimizga erkin muomalaga chiqarish uchun chet eldan qayta olib chiqib ketmaslik sharti bilan olib kelinadigan tovar yoki transport vositalarini bojxona chegarasidan olib o'tishga aytiladi. Erkin muomalaga chiqarilgan, ya'ni import qilingan tovarlar, bojxona hududiga olib kirilgandan so'ng ushbu hududdan qaytarib olib chiqish majburiyatisiz shu yerda qoladi. Eksport

operatsiyalari deb esa, O'zbekiston tovarini uni qaytarib olib kirish majburiyatisiz bojxona hududidan tashqariga olib chiqish uchun tashqi iqtisodiy faoliyat ishtirokchisi tomonidan amalga oshiriladigan tadbirlar yig'indisiga aytiladi.

Bojxona siyosatida tashqi iqtisodiy faoliyatni tartibga solishda ichki bozorni himoya qilish maqsadida davlat tomonidan iqtisodiy choralardan, ya'ni ta'rif va nota'rif boshqaruvdan foydalaniladi.

Buning afzal tomoni shundaki, davlat bu orqali ichki bozorni himoya qiladi, import tovarlarni demping narxlar orqali bozorga kirib borishini va buning oqibatida nosog'lom raqobatni kelib chiqishini oldini oladi hamda ichki bozorda milliy tovar ishlab chiqaruvchilarni manfaatlarini ta'minlashga hamda rag'batlantirishga va bu orqali aholini bandligiga ham ijobiy ta'sir o'tkazadi.

Bu o'rinda nota'rif boshqaruv o'zi nima degan savol tug'ilishi mumkin. Nota'rif boshqaruv tovarlar va transport vositalarini O'zbekiston Respublikasiga olib kirish hamda O'zbekiston Respublikasidan olib chiqishga doir cheklolarni, ularga kvota belgilashni, litsenziyalashni, shuningdek, respublika iqtisodiyotining jahon xo'jaligi bilan o'zaro hamkorligini tartibga solib turuvchi boshqa choralarni o'z ichiga oladi.

Bojxona sohasidagi qonunchilikni imkon qadar soddalashtirish zarur. E'tibor berib qaraydigan bo'lsak, mazkur sohani tartibga soluvchi qonunchilik hujjatlari aniq emas hamda ularda bir-birini inkor etadigan holatlar ham ba'zan uchrab turadi. Xo'sh, bu masalani qanday hal qilish mumkin? Avvalo xorijiy tajribani o'rganish lozim, chunki ko'plab xorij davlatlarida bojxona sohasiga oid qonun hujjatlari aniq va bir tizimga solinganini ko'rishimiz mumkin. Bu esa tashqi iqtisodiy faoliyat ishtirokchilarini va iste'molchilar huquq va manfaatlarini lozim darajada himoya qilishga yordam beradi.

Fransua van Meyl va Van Tongerenning fikricha, tashqi savdo operatsiyalari xarajatlarini 1,5%ga qisqartirish butun dunyo davlatlari daromadining 78 mlrd. dollarga ortishiga olib keladi. "Uolkenxorst" va "Yasui" tashkilotining tadqiqotlari natijalariga ko'ra esa, tashqi savdo operatsiyalari xarajatlarini 1 %ga qisqartirish butun dunyo davlatlari daromadining 40 mlrd. dollarga ortishiga olib keladi.

Tashqi savdo jarayonlarini uyg'unlashtirish va soddalashtirishda Butun Jahon Bojxona Tashkiloti tomonidan 1973-yilda ishlab chiqilgan "Bojxona jarayonlarini uyg'unlashtirish va soddalashtirish" xalqaro Kioto konvensiyasi muhim ahamiyatga ega. 1999-yilda Butun Jahon Bojxona Tashkiloti kengashi mazkur hujjatni yangi talqinda qabul qildi va barcha a'zo davlatlarning bojxona organlari uchun majburiy qilib belgilab qo'ydi. 1973-yilgi variantdan bu hujjat o'zining tavsiyaviy xarakterga emas, balki majburiy xarakterga ega ekani bilan ajralib turadi.

Kioto konvensiyasini yangi tahrirda qabul qilish zarurati nega kelib chiqdi, bunga nima sabab bo'ldi degan savol tug'ilishi mumkin. Buning sababi shundaki, oxirgi o'n yillikda ko'plab mamlakatlar tomonidan tashqi savdo ta'riflarini qisqartirish uchun amalga oshirilgan chora-tadbirlar samarali tashqi savdo faoliyatini amalga oshirish uchun yetarli bo'lmadi.

Bojxona chegarasida ortiqcha vaqt ushlab qolish, tushunarsiz va ko'p holatlarda keragidan ortiq hujjatlarning talab qilinishi, davlat tomonidan tasdiqlangan ma'lumotlarni avtomatik ravishda ishlash va qayta ishlash tizimlarining mavjud emasligi tadbirkorlarga juda katta zarar yetishiga sabab bo'lmoqda, ba'zan bunday zarar ularning faoliyati davomida oladigan foydasidan ham oshib ketmoqda. Mana shu borada olib borilgan tadqiqotlarga ko'ra, "Iqtisodiy rivojlanish va hamkorlik tashkiloti"ga a'zo davlatlarda eksport va import operatsiyalarini amalga oshirganlik uchun ushlab qolinadigan to'lovlar tovar qiymatining 2 - 15%ini tashkil etadi. Qo'rqmasdan aytish mumkinki, rivojlanmagan davlatlarda bu tarzda to'lovlar yana ham yuqoriroq.

Hozirgi kunda ko'plab davlatlarda qonunchilik amaliyotini qayta ko'rib chiqish jarayoni jadallik bilan amalga oshirilmoqda. Ayniqsa, bojxona ishi to'g'risidagi qonunchilik hamda yuqorida aytib o'tilgan Kioto konvensiyasi qoidalarini amaliyotga tatbiq etish bilan bog'liq muammolarni hal etish uchun qonunchilikka o'zgartish va qo'shimchalar kiritish lozim.

Buning uchun quyidagi ishlarni amalga oshirish lozim:

1. *Ko'plab ma'muriy hujjatlarni yagona hujjatga jamlash;*
2. *Bojxona rasmiylashtiruvini to'la ravishda avtomatlashtirish, kompyuterizatsiyalash;*
3. *Ma'lumotlarni ishlashda "bir darcha" tamoyilini joriy etish;*

Yuqorida keltirib o'tilgan "bir darcha" tamoyili bojxona rasmiylashtiruvini tizimlashtirilgan usuli bo'lib, zarur bo'lgan ma'lumotlarning barchasi tashqi iqtisodiy faoliyat ishtirokchilari tomonidan faqat bitta joyga bitta organ yoki agentlikka taqdim etilishini bildiradi. Bunday tizim bojxona rasmiylashtiruvini hamda bojxona jarayonlarini va bojxona chegarasidan o'tish bilan bog'liq bo'lgan xarajatlarni va ortiqcha vaqtni tejashga yordam beradi.

Ta'kidlash joizki, mazkur "bir darcha" tamoyili mamlakatimizda ham keng joriy qilinmoqda. Bu borada amalga oshirilgan ishlarni Prezidentimiz I.A.Karimovning "Tadbirkorlik subyektlariga yagona darcha tamoyili bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari

to'g'risida"gi qarori hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan 2015-yilning 28-sentabrida qabul qilingan "Tadbirkorlik subyektlariga "yagona darcha" tamoyili bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori misolida ko'rishimiz mumkin.

Mazkur qaror ichida tadbirkorlik subyektlariga keng imkoniyatlarni yaratish maqsadida Prezidentimizning 2015-yil 15-maydagi "Xususiy mulk, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni ishonchli himoya qilishni ta'minlash, ularni jadal rivojlantirish yo'lidagi to'siqlarni bartaraf etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF 4725-sonli Farmoni ijrosini ta'minlash va tadbirkorlik tuzilmalariga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalardan keng foydalangan holda davlat xizmatlarini ko'rsatish sifati hamda ulardan foydalanish imkoniyatlarini tubdan oshirish va shaffofligini ta'minlash maqsadida tuman (shahar) hokimliklari huzuridagi tadbirkorlik subyektlarini ro'yxatdan o'tkazish inspeksiyalari negizida tadbirkorlik subyektlariga "yagona darcha" tamoyili bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatish yagona markazlari tashkil etilib, bunda vazirliklar, davlat qo'mitalari, boshqa davlat organlari va tashkilotlarida mavjud "yagona darcha" xizmatlarining faoliyati 2016-yilning 1-yanvaridan boshlab to'xtatilishi belgilangan.

Qarorga asosan, "yagona darcha" markazlarining asosiy vazifalari etib "yagona darcha" tamoyili bo'yicha davlat xizmatlarini ko'rsatish, tadbirkorlik subyektlarini ro'yxatdan o'tkazish, ruxsat berish va litsenziyalash tartib-taomillaridan o'tishda shaffoflikni ta'minlash, tadbirkorlarga davlat xizmatlarini ko'rsatishda byurokratik to'siq va g'ovlarga yo'l qo'ymasdan davlat xizmatlari ko'rsatayotgan davlat organlari va boshqa tashkilotlar bilan yaqin hamkorlik o'rnatish, arizachilarga informatsion yordam ko'rsatish, shuningdek davlat xizmatlarini ko'rsatish tartibi va muddatlari to'g'risida bepul konsultatsiya berish vazifasi yuklatildi. 2016-yilning 1-yanvaridan boshlab tadbirkorlik subyektlariga "yagona darcha" markazlari tomonidan mazkur qarorning 2-ilovasida keltirilgan 16 ta yo'nalish bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatish ro'yxati tasdiqlangan.

Ushbu qarorlarni qabul qilishdan ko'zlangan asosiy maqsad mamlakatimizda barcha turdagi ro'yxatdan o'tkazish, ruxsat berish va litsenziyalash, shuningdek, tashqi iqtisodiy faoliyatni amalga oshirish bilan bog'liq tartib-taomillarni yanada soddalashtirishga erishishdir.

Belgilangan yangi tartib-qoidalar davlat organlarida hujjatlarni rasmiylashtirish jarayonlarini tubdan soddalashtirishga qaratilgan kompleks choralar ko'rishni, tegishli tashkilotlar va mansabdor shaxslar zimmasiga ushbu jarayonlarda tadbirkorlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash pozitsiyasidan turib ishtirok etish mas'uliyatini yuklaydi.

Ko'p sonli tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, mazkur tizimni amaliyotga joriy qilish vaqtini tejashga hamda xarajatlarni qisqartirishga yordam beradi.

Misol uchun, Yangi Zelandiyada elektron multimedia tizimini joriy etish orqali bojxona rasmiylashtiruvini vaqtini o'rtacha 10 kundan 12 minutgacha qisqartirishga erishildi.

Kosta-Rikada esa "bir darcha" tamoyilini hamda bojxona rasmiylashtiruvini elektron tizimni joriy etish, bojxona tekshiruvlari vaqtini o'rtacha 6 kundan 15 daqiqagacha qisqartirish imkonini berdi.

Xo'sh, mazkur tizimlarni amaliyotga joriy etish davlat budjetiga qanchaga tushadi? Mutaxassislar hisob-kitoblariga ko'ra, mazkur tizimlarni amaliyotga joriy etish 1.6 mln. dollardan 17 mln. dollarni tashkil etishi mumkin.

Misol uchun, Tunis davlatining bojxona ishi jarayonlarini kompyuterizatsiyalashga mo'ljallangan 6 yillik dasturi 16 mln. dollarni tashkil qildi. Chili davlati bojxona organlarining elektron ma'lumot almashish tizimi davlat budjetiga 5 mln. dollarga tushdi. Shuni ta'kidlash lozimki, mazkur amaliyotni joriy qilish orqali Chili davlati har oy 1 mln. dollar miqdorda mablag'ni tejashga erishdi.

Yuqorida aytib o'tilgan tizimlarni amaliyotga joriy qilish uchun, albatta, qonun hujjatlariga zarur o'zgartish va qo'shimchalarni kiritish lozim. Butun Jahon Bankining ma'lumotlariga ko'ra, O'zbekistonda eksport operatsiyalarini amalga oshirish uchun o'rtacha 24 kun sarf etiladi. Misol uchun, Estoniya va Daniyada mazkur muddat 5 kunni tashkil qiladi. Germaniya, Shveysariya, Kanada va Belgiyada mazkur ko'rsatkich 7 kunni, Singapur va Xitoyda eksport uchun sarf etiladigan vaqt 6 kunni, Janubiy Koreyada 8 kunni tashkil qiladi.

Ijtimoiy so'rovlar shuni ko'rsatadiki, eksport qiluvchilarning ko'p vaqti "Qo'shilgan qiymat solig'ini" qaytarib olishga va davlat organlaridan ruxsatnoma hamda litsenziya olish uchun sarf bo'ladi. Davlat organlaridan ruxsatnoma va litsenziya olish uchun, taxminan, 11 kun, bank hisobvaraqlariga pul o'tkazmalari uchun 4 kun, "O'zstandart" agentligidan sertifikat olish uchun 5 kun, "O'zbekekspertiza" OAJ tomonidan tovarni kelib chiqishini tasdiqlovchi sertifikat berish uchun esa 4 kun vaqt sarflanadi. Umumiy hisoblaganda esa bu muddat o'rtacha 24 kunni tashkil qiladi. Bu ijobiy ko'rsatkich bo'lsa-da, rasmiy ko'rsatkich bo'lib, eksport qiluvchi tadbirkorlar orasida o'tkazilgan so'rovlarga ko'ra, bu muddat 41 kunni tashkil qilishi ma'lum bo'lgan. Xalqaro standartlar bo'yicha bu ko'rsatkichlar juda katta hisoblanadi. Negaki, tovarlarni bojxonada rasmiylashtirish uchun ketadigan vaqt bojxona organlari

faoliyati samaradorligini belgilaydigan asosiy xalqaro mezonlardan hisoblanadi. Shu sababli, mazkur muddatni kamaytirish orqali ortiqcha sarf etilayotgan mablag'larni tejash hamda davlatimiz eksport salohiyatini oshirish hamda tashqi iqtisodiy faoliyat ishtirokchilarining faoliyatini rag'batlantirishga erishish mumkin.

Endi, import operatsiyalarini amalga oshirishda vujudga kelayotgan muammolarga to'xtalib o'tsak. Ma'lumotlarga ko'ra, import operatsiyalarini amalga oshirishda vaqt, asosan, vakolatli banklarda valuta konvertatsiyasini amalga oshirishga va pul o'tkazmalariga sarf etilishi ma'lum bo'lgan. Mazkur ko'rsatkich o'rtacha hisobda 54 kunni tashkil qiladi. Tovarlarini bojxonada qayta ishlashga o'rtacha hisobda 8 kun, tovarlarini bojxona omboriga joylashtirish uchun esa, o'rtacha 6 kun, "O'zstandart" agentligidan tegishli sertifikat olish uchun esa, o'rtacha hisobda 5 kun sarf etiladi. Bularni naqadar katta ko'rsatkich ekanligini anglash uchun mazkur ko'rsatkichlarni boshqa xorijiy davlatlarniki bilan taqqoslash yetarli. Singapurda bu ko'rsatkich 3 kunni, Xitoyda 5 kunni, Janubiy Koreyada 7 kunni, Estoniyada 5 kunni, Litvada 9 kun, Latviyada esa 11 kunni tashkil qiladi.

Import operatsiyalari uchun sarf etiladigan sarf-xarajatlar esa Butun Jahon Bankining ma'lumotlariga ko'ra, o'rtacha 5090 AQSH dollarini tashkil etadi. O'tkazilgan so'rovlarga ko'ra, mamlakatimizda mazkur operatsiyalarga 4483 AQSH dollari sarf etilishi ma'lum bo'lgan. Shunday bo'lsa-da, bu katta ko'rsatkich hisoblanadi. Dunyoning ko'plab mamlakatlarida bu ko'rsatkich 1000 AQSH dollarini tashkil etadi. Dunyoning 177 davlatidan 145 tasida mazkur ko'rsatkich 2000 AQSH dollaridan oshmaydi.

Mazkur ko'rsatkichlarni kattaligiga sabab mamlakatimizda hali tovarlarini elektron shaklda deklaratsiyalash va "bir darcha" tamoyili orqali tadbirkorlarga xizmat ko'rsatish tizimlari to'la ravishda ishga tushirilmaganidir. Ma'lum vaqt davomida mazkur tizimlar takomillashib, albatta, yuqorida ta'kidlangan ko'rsatkichlarni qisqartirish imkoniyatini beradi.

Import va eksport operatsiyalari uchun ketadigan vaqtni qisqartirish, ularni imkon qadar xalqaro standartlarga moslashtirish lozim. Buning uchun, avvalo, mazkur operatsiyalarni amalga oshirishda vujudga keladigan byurokratik jarayonlarni kamaytirish lozim. Shuning uchun, quyida mazkur muammoga taalluqli bir necha ma'lumotlarga murojaat qilamiz.

Yuqorida ta'kidlangan byurokratik holatlarni vujudga kelishiga qonunchilikdagi kamchiliklar, bo'shliqlar mazkur sohaning yetarli tartibga solinmagani sabab bo'lmoqda. Xususan, tovarlarga muvofiqlik sertifikati olish jarayonini olib qaraydigan bo'lsak, Vazirlar Mahkamasining "Mahsulotlarni sertifikatlashtirish tartibotini soddalashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarorining 5-bandiga ko'ra, muvofiqlik sertifikatini rasmiylashtirish va berishning umumiy muddati ishlarining murakkabligi darajasiga, ko'p mehnat talab qilishi va o'ziga xosligiga qarab, barcha zarur hujjatlar berilgan vaqtdan boshlab:

- olib kelinadigan mahsulotlarga 10 ish kundan ortiq bo'lmagan muddatda;
- ishlab chiqariladigan mahsulotlarga 10 ish kunidan 1 oygacha muddatda belgilanadi.

Yuqoridagi muddatlarni qisqartirish tashqi iqtisodiy faoliyat ishtirokchilariga eksport qilinayotgan mahsulotlarni tezroq buyurtmachiga yetkazish imkoniyatini beradi va sarflanayotgan ortiqcha vaqtni tejashga yordam beradi.

Tashqi iqtisodiy faoliyat doimiy harakatda va rivojlanishda, shu sababli, mazkur sohani tartibga soluvchi qonunchilikni doimiy tahlil qilish va kechayotgan o'zgarishlar bilan izchillikda takomillashtirib borish kerak. Tashqi savdo faoliyatini rivojlantirish va unga keng yo'l ochib berish davlat iqtisodiyotining o'sishini ta'minlashda, mamlakatimiz eksport salohiyatini oshirishda va, shu bilan birga, aholini turmush darajasini yanada yaxshilanishida muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура". Т.1. - Т.: "Ўзбекистон", 1996. - Б.361.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2015 й., 40-сон, 516-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2015 й., 50-сон, 626-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 й., 27-сон, 315-модда; 2005 й., 32-33-сон, 251-модда; 2006 й., 37-38-сон, 378-модда; 2007 й., 21-сон, 214-модда, 24-сон, 250-модда; 2008 й., 19-сон, 161-

модда, 33-сон, 315-модда; 2008 й., 52-сон, 521-модда; 2009 й., 24-сон, 272-модда, 34-сон, 371-модда, 34-сон, 375-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда, 47-сон, 426-модда; 2011 й., 18-сон, 178-модда; 2012 й., 31-сон, 357-модда, 44-сон, 507-модда; 2013 й., 17-сон, 225-модда; 2014 й., 10-сон, 105-модда; 2015 й., 42-сон, 534-модда.

5. <http://www.norma.uz>

6. <https://ru.wikipedia.org>

7. <http://russian.doingbusiness.org>

8. <http://dic.academic.ru>

ПРЕЗИДЕНТЛИК ИНСТИТУТИ ТУШУНЧАСИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ АҲАМИЯТИ

Мазкур мақолага президентлик институтининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, унинг вужудга келиш ва жорий этилиш зарурати, давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ўрни, ҳуқуқий мақоми, мазкур институтнинг моҳияти бўйича шакланган жаҳон амалиётига кўра, унга хос бўлган умумий белгилар ёритилган.

Президентлик институтининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлиб, у ҳар бир мамлакат ҳаётида турли хил шарт-шароитларда вужудга келган ва ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтган. Дунё тарихида илк бор президентлик институтининг вужудга келиши ва жорий этилиши жаҳон ҳамжамиятига давлат бошқарувининг янги, самарали ва демократик усулини тақдим этди. Шу жиҳатдан қараганда, мазкур илмий ишимизда у ёки бу давлатда президентнинг давлат ва жамият ҳаётидаги роли, унинг ҳуқуқий мақоми, давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ўрни, шунингдек, Конституция ва қонунлар билан юклатилган ваколатлари ва вазифаларини ўрганишда фақатгина нормаларнинг таркибини очиб бериш ва юзаки илмий таърифлар билан чегараланиб қолмасдан, ушбу институтнинг давлат механизмидаги ҳолатига юридик ва реал баҳо бериб ўрганишга эътибор қаратдик.

"Президент" атамаси латинча "praesidens" сўздан келиб чиқиб, сўзма-сўз таржимаси "олдинда ўтирувчи" (антик даврларда турли хил мажлисларда раислик қилувчиларни президент деб аташган) маъносини англатади [1]. "Президент" сўзининг дастлабки маъносидан келиб чиққан ҳолда, кейинчалик, масалан, Сенат президенти лавозими вужудга келган. Лекин "президент" атамаси бугунги давлат бошлиғи тушунчаси сифатида на Юнон ва Рим республикаларида, на Англия ва Нидерландиядаги илк буржуа республикалари даврларида қўлланган [2].

"Президент" атамаси давлат бошлиғи сифатида 1787 йилдаги АҚШ Конституциясида АҚШ Президенти лавозими жорий этилган вақтдан бошлаб ишлатила бошланди.

Кейинги асрда Польша ва Францияда давлат бошқарувининг республика шакли танланиб, президентлик лавозими жорий этилган. Мазкур давлатларнинг давлат-ҳуқуқий тажрибаси замонавий республика шакли бошқарувида Президентлик институтининг кенг тарқалишига замин ҳозирлади. Дунё амалиётида шакланган умумий қоидага кўра, Президентга қуйидагича таъриф бериш мумкин: президент - республика бошқарув шакли амалда бўлган давлатларда давлат ёки ижро этувчи ҳокимият ёки фақат давлат бошлиғи.

Ҳозирда БМТга аъзо бўлган 190 та давлатнинг 140 дан ортиғида президентлик институтига амал қилинганлигини [3] инобатга оладиган бўлсак, президентлик институтининг моҳиятидан дунёда республика бошқарув шаклига асосланган мамлакатларда халқ томонидан тўғридан-тўғри, сайловчилар корпуси, парламент ёки бошқа органлар томонидан даврий сайловларда муайян муддатга сайланадиган ҳамда давлат бошлиғи ҳисобланадиган олий мансабдор шахсни ифодаловчи институт тушунилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда Президентлик институти жорий этилган 140 дан ортиқ давлатда ушбу давлат бошқарувининг умумий ва ўзига хос ҳуқуқий хусусиятлари мавжуд. Гарчи тарихий-ҳуқуқий нуқтаи назардан дунёда Президентлик институти давлат бошқарув шаклининг асосан кенг тарқалган ва тан олинган институти бўлса-да, у давлат америкача ёки бу давлат французча моделларга тўла асосланган, дея олмаймиз ва бундай дейишнинг ўзи ҳам нотўғри бўлади. Чунки халқаро ҳуқуқ тили билан айтганда, ҳар бир давлат ўзига хос тараққиётга ва миллий ҳуқуқий тизимга, ўзига хос суверен демократик ривожланиш йўлига эга бўлади.

Ҳозирда кўпчилик мамлакатларда бошқарувнинг республика шакли қабул қилиниб, президентлик институти жорий қилинган. Президентлик институтини ўрганишда айрим олимлар уни, авваламбор, ижтимоий институт сифатида ўрганишни таклиф қиладилар[4]. Хусусан, И.Д.Хути-наев Президентлик институтини янада чуқурроқ тушуниш учун "ижтимоий институт" деб ном-

ланган таянч тушунчага тўхталиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблайди. Ҳуқуқшунос олимларнинг ишларида эса президент тушунчаси, шак-шубҳасиз, ҳуқуқ институти, сифат жиҳатидан бир хил муносабатларни тартибга солувчи юридик нормаларнинг алоҳида ажралиб чиққан гуруҳи сифатида намоён бўлади.

"Президент" атамасини аниқлашда турли хил ёндашувлар мавжуд. Умумижтимоий ёндашувга кўра, "президент" тушунчаси мазмунида, биринчи навбатда, президентлик лавозимини жорий этиш шартлари ва сабаблари, унинг ижтимоий таянчлари ва ижтимоий тараққиётга таъсири ўрганилади. Сиёсий ёндашувда эса, президентнинг партиявий мансублиги, унинг сиёсий қарашлари ва майллари, давлатни бошқаришни қўллаб-қувватлашдаги реал сиёсий нуфузи ва алоҳида давлат тузилмаларига таъсири жиддий аҳамият касб этади [5].

В.Е.Чиркиннинг фикрича, "Президент" тушунчасининг ўзи конституциявий-ҳуқуқий маънода давлат бошлиғини англатади [6]. Г.В.Дегтев ҳам Президент сайланувчи давлат бошлиғи сифатида давлат бошлиғи тушунчасига нисбатан турдош, яқин тушунча бўлиб ҳисобланишини таъкидлайди [7].

Президентлик институти мураккаб ички тузилишга эга бўлиб, Б.П.Елисеевнинг фикрича, қуйидагилардан ташкил топади: 1) президент сайловини, лавозимига киришиши (инаугурация) тартибини белгилаб берадиган; 2) президентнинг давлат ҳокимияти олий органлари тузилмасидаги тутган ҳолати (конституциявий мақоми - тузилмавий жиҳат сифатида);

3) президентнинг функциялари ва ваколатлари (конституциявий мақоми - функционал жиҳатдан); 4) президент ваколатларининг тугашини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар[8].

Буларнинг ҳар бири алоҳида гуруҳ сифатида Президентлик институтига нисбатан субинститут сифатида намоён бўлади. Мазкур мазмунда Президентлик институти конституциявий ҳуқуқнинг институтларидан бири сифатида намоён бўлади, яъни бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи конституциявий-ҳуқуқий нормалар йиғиндиси сифатида кўрилади.

Президентлик институтининг моҳияти бўйича шакланган жаҳон амалиётига кўра, унга қоида тариқасида қуйидаги умумий белгилар хос:

- президент сайланувчи давлат бошлиғи бўлиб, у ижро ҳокимияти тизимини бошқариши ёки ҳокимият тармоқлари бўлиниши тизимида ҳакам бўлиши мумкин;

- ташкилий жиҳатдан президентнинг ҳеч кимга бўйсунмаслиги ва давлат ҳокимиятининг бошқа органларидан юқори даражада мустақил эканлиги;

- президент лавозими очиқ тарзда сиёсий тусга эга эканлиги, унга давлат сиёсатини шакллантиришда муҳим ўрин берилиши, давлат ишларида олий сиёсий раҳбарлик;

- олий мансабдор шахс сифатида Президент давлатда ўта муҳим ваколатларга эгалиги, хусусан, улардан бири сифатида қонун ости норматив ҳужжатлар қабул қилиши [9].

Шу маънода, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Президентлик институтига қуйидагича таъриф бериш мумкин: Президентлик институти - президент лавозимининг таъсис этилиши ва унинг сайланиши, ваколатлари, уларни амалга ошириш механизми, дахлсизлиги ва фаолиятининг тугаши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сахаров Н.А. Институт президентства в современном мире. - М., 1994. - С.5.

2. Мирақулов М.М. Президентлик институти: умумий тавсифи ва юридик табиати. - ТДЮИ Ахборотномаси, 2011. №4.

3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. - Т.: "Адолат". 2009. - Б. 368.

4. Хутинаев И.Д. Институт президента и проблемы формы государства. - М., 1994. - С.47.

5. Шугарт М., Кэри Д. Президентские системы // Современная сравнительная политология. Хрестоматия. - М., 1997. - С. 198.

6. Чиркин В.Е. Президентская власть // Государство и право, 1997. - №5. - С. 12-19.

7. Дегтев Г.В. Некоторые теоретические закономерности становления института президентства на современном этапе // Государство и право, 2005. - №2. - С. 6.

8. Елисеев Б.П. Институт президента Российской Федерации: Автореф. дис. ...канд. - М., 1992. - С. 10.

9. Хутинаев И.Д. Институционализация органов государственной власти Российской Федерации. Дисс. докт. юрид. наук. - М., 2006. - С.113.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ИНСТИТУТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки, ҳар қандай давлат жамият тараққиётидаги энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиш юзасидан барча учун мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатларни қабул қилади. Шу нуқтаи назардан, инсоннинг ижтимоий ? иқтисодий, сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга мамлакатимизда истиқдолнинг илк йиллариданоқ киришилганди. Бу ўринда Асосий Қонуниimiz суверен давлатимизнинг қонуний негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди, десак адашмаган бўламиз. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш - бош мақсадимиздир" деб номланган маърузасида Конституциямиз юртимизда демократик давлат қуриш, эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича энг муҳим тамойиллар, қоида ва меъёрларни ўзида мужассамлаштириб, жамиятимиз ҳаётининг асосий ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилиши яна бир бор алоҳида эътироф этилди. Асосий Қонуниimiz яратилишининг мураккаб ва муҳим, айна пайтда шарафли солномасига назар солар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканига комил ишонч ҳосил қиламиз. Бунда Конституциямиз асосида қабул қилинаётган барча қонун ҳужжатлари қонун ижодкорлиги жараёни маҳсули эканлиги яққол намоён бўлади. "Биз, - дейди муҳтарам юртбошимиз, - қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсунуш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади". [1] Шу билан бирга, Асосий Қонуниimizда қонун ижодкорлиги жараёнида алоҳида турдаги қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг аҳамияти, субъектлари ва уларнинг фаолияти ҳамда бу ҳуқуқни амалга ошириш жараёни ўзига хос хусусиятга эга.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг асосий мазмун-моҳиятини аниқлашда унга нисбатан соф юридик маънода ёндашиш беқиёс самара беради. Бунда давр талаби билан жамиятда юз берадиган ўзгаришларни олдиндан кўра олиш, айнақса, қонун ижодкорлиги жараёнида ташаббус кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Масаланинг юридик моҳияти тегишли фаолият натижасида яратилаётган қонун кимнинг манфаатини ўзида акс эттиради, унинг иродасини қандай ифода этади, деган саволларга жавоб бериш орқали очилади. Юридик моҳиятини чуқурлаштиришда қонун чиқарувчи идоранинг жамият сиёсий тизимида, давлат ҳокимияти органлари орасида тутган мавқеи, нуфузи ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз Асосий Қонунида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ўзининг юридик ифодасини топган[2]. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори[3] кўрсатилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг таъкидлашича, "Биз ўсиб-улғайиб, бугун шу даражага етиб келдик. Энди малакали ҳуқуқшуносларимиз, иқтисодчиларимиз, сиёсатчиларимиз етарли. Қонун яратишда, аввало, ҳаётни яхши биладиган, сиёсатни чуқур тушунадиган ҳуқуқшунослар, сиёсатчилар, иқтисодчилар ва мутахассис вакиллар иши даркор"[4].

Қонун ижод этишнинг моҳияти шундаки, унда ҳокимиятнинг ваколатли органи (референдумда - бевосита халқ) давлат (халқ, муайян гуруҳ) иродасини қонун даражасига кўтариб, унга сиёсий, юридик тус беради. Аини вақтда, унинг моҳияти, бутун сиёсий характериға қарамасдан, воқеаликни, ижтимоий муносабатлар мазмунини назарий англашдан (ҳеч бўлмаганда, шундай билиш тақозоси)дан иборат. Қонун чиқарувчи қонунларни кашф этмайди, балки уларни шакллантиради, у фақат анланган ижобий қонунларда маънавий муносабатларининг ички қонунларини ифода этади. Демак, ҳаётнинг, ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятлари бирламчидир, қонун эса уларни юридик шакл сифатида қайд этади.

Қонун ижодкорлиги жараёнида қонун лойиҳасини тайёрлаш, уни ҳар томонлама пухта муҳокама қилиш билан боғлиқ барча вазифалар масъулияти парламентнинг қуйи палатаси саналмиш Қонунчилик палатасининг зиммасига юклатилади. Икки палатали парламент, авваламбор, профессионал бўлиши белгиланади.

Шундай қилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи Конституцияда белгиланган ваколатли органлар, ташкилотлар ва шахсларнинг муайян қонун лойиҳасини ёхуд янги қонун қабул қилиш, амалдаги қонунни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифларни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси эътиборига тақдим этишлари ва парламентнинг бу масалани белгиланган тартибда кўриб чиқиш ҳақидаги тегишли қарор қабул қилишидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

-
- | | |
|---|--|
| 1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. - Т.: "Ўзбекистон", 2011. - Б. 435. | 3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон", 2014. - Б. 34. |
| 2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ / Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашр. - Т.: "Ўзбекистон", 2013. - Б. 362. | 4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8. - Т.: "Ўзбекистон", 2000. - Б. 525. |

БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ушбу мақолага божхона муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонунчилик ва унинг шаклланиш жараёни, божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг миллий қонунчиликда тутган ўрни ва улардан келиб чиқадиغان ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг амалга оширилиш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон Божхона Ташкилоти билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланувчи ягона божхона сиёсатининг асосий мақсадлари Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида самарали божхона назоратини ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлаш, иқтисодийнинг ривожланишини рағбатлантириш, ички бозорни ҳимоялашдан иборатдир. Бугунги кунда мамлакатимиз мазкур мақсадларга эришиш юзасидан бир қатор давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Мазкур ҳамкорлик ўзаро ишонч ва миллий манфаатларнинг устунлигини таъминловчи божхона соҳасидаги халқаро битимлар ва шартномалар асосида тартибга солинади.

Шу ўринда халқаро шартномалар тушунчасига таъриф бериб ўтсак. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси - бу республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишувидир.[1] Халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги миллий қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. Яъни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади[2].

Ҳуқуқшунос олим О.Жигалинанинг таъкидлашича, божхона органлари фаолияти бир неча соҳаларда амалга оширилиб, унда халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзига хос хусусиятлари тизимга оид ҳуқуқ ижодкорлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш ва божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилиши билан аҳамиятлидир[3].

Демак, миллий қонунчилик ва халқаро битимларнинг ўзаро нисбатини белгилаб олиш ва уларнинг божхона муносабатларини тартибга солишдаги ўрнини аниқлаш биз учун муҳим аҳамият касб этади. Божхона соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи мураккаб жараён бўлиб, ҳар қандай марказлашган давлатнинг барпо этилиши баробарида ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ва товар айирбошлашнинг пайдо бўлиши натижасида бир қатор институтлар шаклланиб, улар кейинчалик божхона хизматининг ўзигини ташкил этган.

Божхона муносабатларининг тартибга солиниши билан боғлиқ муносабатларнинг тарихига тўхталадиган бўлсак, XIX аср охири XX аср бошларида божхона сиёсатида "Божхона Низом"лари ташкилий асос ҳисобланиб, улар янгидан 1819, 1857, 1892 ва 1906 йилларда қабул қилинган. Илк бор божхона иши тўғрисидаги ташкилий масалаларни ҳал қилиш Россия империяси Савдо вазирлигида, ундан сўнг Молия вазирлигида амалга оширилган. 1867 йилда Туркистон ўлкасини бошқариш учун ишлаб чиқилган "Етгисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш ҳақидаги қоидалар лойиҳаси" Туркистон генерал-губернаторлиги тузилгандан кейин ўлкада божхона ишини юритишнинг дастлабки ҳуқуқий асоси бўлган. Унга кўра, 1868 йили Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида бошқа масалалар қатори закот ишларини юритиш учун Хўжалик бошқармаси ташкил этилиб, у чегара ортидан келаётган ҳар бир карвондан шарият бўйича белгиланган миқдорда закот ундириш билан шуғулланган. Белгиланган қоидага кўра, Европа, Туркия ва Эрон маҳсулотларини Туркистон генерал-губернаторлигига олиб кириш қатъиян таъқиқланган; бир пуд брутто чой учун 14 рубль 40 копеек, дока учун 6 рубль ва бир фунт бўёқ учун 1 рубль

миқдорда бож ставкалари белгиланган; бож ундириш рус кредит рублларида амалга оширилган; олиб кирилиши таъқиқланган ёки бож тўланиши лозим бўлган маҳсулотлар божхона назоратидан яшириб олиб кирилган тақдирда мусодара қилиниб, ундан тушган пулнинг 25% эса божхона муассасаларининг махсус фондига ўтказилиши белгилаб қўйилган [4].

Бугунги кунда мамлакатимиз божхона тизимида ўтказилган туб ислохотларнинг мазмуни мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва ички бозорда рақобатдош миллий маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишига замин яратиши билан аҳамият касб этиб, божхона соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари ва давлатлар билан тузиладиган кўп томонлама битимлар тўлиқ ижро этилишида намаоён бўлмоқда.

Мамлакатимиз 15 та халқаро божхона конвенциясининг аъзоси бўлиб, бугунги кунда Жаҳон Божхона Ташкилоти ишида фаол иштирок этапти. Ўзбекистоннинг 1995 йилда Сиёсий комиссия аъзоси этиб, 2001 йилда эса Молия қўмитаси таркибига сайланиши ҳам мамлакатимизнинг халқаро божхона ҳамжамияти томонидан муносиб эътироф этилганидан далолат беради[5].

Жаҳон божхона ташкилоти 1947 йилда ташкил топган бўлиб, дастлаб Европанинг 13 та давлатини ўзида бирлаштирган. Ишчи гуруҳ тарзида фаолиятини бошлаган мазкур бирлашма 1950 йилда Кенгаш тарзида фаолият олиб бориш учун ўз Конвенциясини имзолади. 1994 йилдан эса Кенгаш Жаҳон божхона ташкилоти номини олди ва унга ҳозирда 180 га яқин давлатлар аъзо ҳисобланади. Дунё бўйлаб савдо айланмасининг 98% улуши Жаҳон божхона ташкилотига аъзо давлатлар улушига тўғри келади. жаҳон божхона ташкилоти расмий тиллари инглиз ва француз тили бўлиб, баъзи қўмиталарда испан ва рус тилидан ҳам фойдаланадилар. жаҳон божхона ташкилотининг юқори органлари сифатида барча аъзо мамлакатларнинг раҳбарларидан иборат Кенгаш, 24 давлат вакилларини ўз ичига олган Сиёсий комиссия ва 17 мамлакат вакиларидан иборат Молия қўмитаси фаолият юритади. Жаҳон божхона ташкилоти қароргоҳида наркотиклар ва ўта хатарли товарларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашишда ахборотлар алмашинувини таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи Марказий тармоқ (CEN) ташкил этилган бўлиб, у 11 та минтақавий алоқа узели (RILO) ни ўз ичига олади.

Жаҳон божхона ташкилоти фаолиятида соҳага доир халқаро конвенциялар ва божхона ишининг бошқа ҳуқуқий нормаларини ишлаб чиқиш, ўзгартиришлар киритиш ва амалиётга жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишда Жаҳон божхона ташкилотининг Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлиги аъло даражада йўлга қўйилган бўлиб, бу орқали мамлакатлар ўртасидаги ўзаро тижорат айирбошловини уйғунлаштиришга эришилмоқда. Натижада, бугунга келиб барча товарларни ташишга нисбатан қўлланиладиган халқаро қоидалар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Кўп йиллик ҳамкорлик республикамиз ҳуқуқий базасини халқаро конвенциялар ва божхона ишининг бошқа халқаро меъёрларига яқинлаштиришга имкон берди. Божхона соҳасидаги қонунчилигимиз умумқабул қилинган халқаро стандартлар, меъёрлар ва амалиёт билан бирхиллаштириш ҳамда уйғунлаштириш йўналишида ривожланмоқда. Бу эса республика божхона сиёсати ютуқларини мамлакатда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг муҳим далили сифатида эътироф этишга асос бўла олади.

Божхона муносабатларида халқаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларини белгилашда "Божхона ҳамкорлик кенгашини ташкил қилиш тўғрисида конвенция" нинг ўрни ва роли катта ҳисобланади. Жумладан, Конвенциянинг кириш қисмида имзолувчи давлатлар ҳукуматлараро ҳамкорлик масалалари юзасидан халқаро савдода ўзаро манфаатларнинг таъминланиши ва божхона муносабатларида иқтисодий ва техник факторларга риоя қилиниши билан боғлиқ муносабатларда ҳамкорлик масалаларини келишиб олишлари кўрсатиб ўтилади [6].

Бундан кўриниб турибдики, аъзо давлатлар ҳукуматлари ўзларининг божхона идоралари орқали юқорида белгиланган мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади. Ҳуқуқшунос олим Т.Трошкинанинг фикрича, халқаро битимларнинг божхона органлари фаолиятида қўлланилишининг ҳуқуқий асоси қонунлар қабул қилиш ва ратификация ёрликларини имзолаш орқали олиб борилди. Баъзи халқаро ҳуқуқ нормалари қоида тариқасида амалиётга тўғридан-тўғри қўлланилади ва бу давлат органи томонидан махсус норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишини талаб этмайди [7].

Демак, мамлакат миллий қонунчилигида божхона соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш асосларини белгилаб олиш божхона органларининг фаолияти самарадорлигини янада мустаҳкамлашга, мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилмоғи лозим.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, божхона соҳасидаги халқаро битимларнинг аҳамияти товарларни импорт ёки экспорт қилишда олинладиган божхона божлари ва бошқа солиқларни аниқ

ҳисоблаш ва шунингдек, бундай товарларнинг қиймати ва келиб чиқишини тўғри белгилаш, божхона қонунчилигининг бузилиши, давлатнинг иқтисодий, фискал, саноат, савдо ва маданий манфаатларига зарар етказилиши билан боғлиқ ҳаракатларнинг олдини олиш, божхона қонунчилиги бузилишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришда аъзо мамлакатлар божхона органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш билан ифодаланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси. 1995й., 12-сон, 262-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда, 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005, 49-50-сон, 365-модда
2. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси. 2004 й., 50-сон, 588-модда.
3. О.С. Жигалина. Правовое обеспечение деятельности таможенных органов Российской Федерации.

Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. 12.00.14 - Саратов, 2007. - С. 27.

4. www.sharh.uz.
5. www.customs.uz.
6. "Божхона ҳамкорлик кенгашини ташкил қилиш тўғрисида"ги конвенция. 1950 йил 15 декабрь. Брюссель.
7. Трошкина Т.Н. Теоретические и практические аспекты развития таможенного регулирования и международного таможенного права // Таможенное дело. - № 2, 2012.

ҚОНУНЧИЛИКНИ ШАРҲЛАШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИГА ОИД АЙРИМ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР

Қонунчиликни шарҳлаш масаласи замонавий юриспруденциянинг энг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади. Чиқарилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бири жамиятда тўғри татбиқ этилиши ва қўлланилиши ҳамда халқ учун тушунарли бўлиши учун ваколатли субъектлар томонидан шарҳланади. Мазкур мақолада қонун ҳужжатларини шарҳлашнинг ҳуқуқ тизимида тугатган ўрни ва қонун ҳужжатларини шарҳлаш турлари таҳлил этилади.

Қонунчиликни шарҳлаш турлари ҳақидаги масала - бу ҳуқуқни тушунтириш фаолияти, натижалари ва шарҳланаётган ҳужжатларнинг юридик табиати тўғрисидаги масаладир. Ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжатлари ҳуқуқ нормалари мазмунини тушунтиришнинг аниқ натижалари сифатида намоён бўлади. Уларнинг юридик хусусияти ва амалиётдаги аҳамияти ҳуқуқни шарҳлаш субъектлари ваколати билан белгиланади.

Ҳуқуқ нормасини шарҳлашнинг турлари тўғрисидаги масала ҳуқуқ нормасини тушунтириш фаолиятининг натижалари ва шарҳлаш ҳужжатларининг табиатига оид муаммолар жумласига киради.

Олимлар ҳуқуқ нормаларини шарҳлашни турларга ажратишда турлича фикр юритадилар. Хусусан, Е.А.Березина ҳуқуқ нормасини шарҳлашни анъанавий турлари билан бир қаторда, ҳуқуқий тартибга солиш механизмига кўра, шарҳлаш мақсадига кўра, шарҳлаш объектига кўра турларга бўлиш мумкинлигини таъкидлайди [1].

Г.В.Назаренко юридик кучига кўра ҳуқуқ нормаларини расмий ва норасмий шарҳлашга ажратса, Н.П.Азизов ва Ж.Б.Орумбаевлар ҳуқуқ нормаларини шарҳлашнинг уларни қўллайдиган субъектига қараб икки гуруҳга, яъни расмий ва норасмий шарҳлашга бўладилар.

Демак, ҳуқуқни шарҳлашни тушунтириш субъектларига кўра, иккита турга бўлиш мумкин:

1. Расмий шарҳлаш.
2. Норасмий шарҳлаш.

Расмий шарҳлаш норматив ва казуал шарҳлаш тарзида бўлади. Норматив шарҳлаш умумий характерга эга бўлиб, норматив шарҳлаш натижасида вужудга келадиган ҳужжат бошқа ҳуқуқий муносабатлар субъектлари учун мажбурий ҳисобланади. Норматив шарҳлашда янги ҳуқуқий норма яратилмайди, балки у расмий орган қабул қилган ҳужжатнинг бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Норматив шарҳлаш ижтимоий муносабатларнинг кенг доирасига нисбатан амалга ошириладиган ҳуқуқнинг маъносини тушунтириш бўлиб, у бир неча бор қўллашга мўлжалланган. Ўз навбатида, у ижтимоий муносабатлар ва уларнинг субъектларига нисбатан аниқ йўналтирилмаган бўлади [2].

Расмий шарҳлаш давлат-ҳокимият органларидан келиб чиқадиган ҳамда изоҳланадиган норма билан ўзаро муносабатларни тартибга соладиган барча субъектлар учун мажбурий хусусиятга эга бўлган ҳуқуқ нормаларининг тушунтирилиши ҳисобланади. Расмий шарҳлаш, баъзан, легал, яъни қонунга асосланган, бажарилиши мажбурий деб ҳам аталади.

Ўзбекистон Республикасида расмий шарҳлаш билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли органлари шуғулланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 3-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради. Бу шарҳлаш расмий норматив бўлиб, барча

давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир [3].

Расмий (норматив) шарҳлаш ўз навбатида аутентик (муаллифлик) ва легал (рухсат берилган) шарҳлаш турларига бўлинади. Аутентик шарҳлаш деганда ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқарган органнинг ўзи айнан шу нормаларни шарҳлаши тушунилади. Яъни, мантиқан ўйлаганда, аутентик шарҳлаш ҳуқуқ нормаларини чиқарган органнинг ваколатидир.

Юридик амалиётда давлат органларининг аутентик шарҳлаши, бир томондан, ташқи шаклда табиий ҳуқуқларни тушунтириш сифатида намоён бўлса, иккинчи томондан, у қонунчилик ривожланишининг элементларини ўзида намоён қилади [4].

Норматив шарҳлашнинг иккинчи тури легал (рухсат берилган) деб аталади. Қоидага кўра, легал шарҳлаш қонун билан бундай ваколат берилган давлат органи томонидан амалга оширилади. Берилган ваколат асосида шарҳлашнинг турида маълум бир давлат органи томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ким томонидан шарҳланиши ўша орган томонидан чиқарилган ҳужжатда кўрсатиб қўйилган бўлади ёки бу мантиқан мазкур органнинг умумий ваколати тўғрисидаги умумий қонунлардан келиб чиқади. Ўзбекистонда легал шарҳлаш ваколатига эга бўлган орган - бу Конституциявий суд ҳисобланади.

Расмий шарҳлашнинг яна бир тури муайян ҳодисага нисбатан қўлланиладиган шарҳлаш бўлиб, юридик адабиётларда мазкур шарҳлаш казуал шарҳлаш деб юритилади. Ҳуқуқ нормаларини казуал шарҳлаш алоҳида ижтимоий муносабатларга мўжалланган ҳуқуқ нормаларининг мазмунини тушунтириб беришда ўз ифодасини топади. Унинг хусусияти шундаки, мазкур шарҳлаш қайси шахсга нисбатан амалга ошириладиган бўлса, ўша шахсга тегишли бўлади. Ҳуқуқни казуал шарҳлаш муайян ҳаётий ҳодисага нисбатан қўлланиладиган тушунтиришларни англатади [5].

Қайд этиш керакки, расмий шарҳлашнинг муайян хусусиятлари субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатига боғлиқ. Ўз навбатида, расмий шарҳлашни давлат ҳокимияти ва бошқаруви функциясини амалга оширмаган ҳолда ҳуқуқ нормаларининг шарҳлаши, аниқроқ айтганда, давлат органлари ўзларининг расмий фаолиятдан ташқари ҳолатда ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш билан чалкаштирмаслик керак. Мазкур шарҳлаш норасмий шарҳлаш турларидан бири бўлиб, биз уларни қуйида кўриб ўтаемиз.

Норасмий шарҳлаш ҳуқуқ нормасининг мазмунини шарҳлашни назарда тутаяди. Бунда шарҳлаш махсус ваколат берилмаган органлар ва шахслар томонидан амалга оширилади ҳамда у мажбурий хусусиятга эга бўлмайди ва юридик оқибатларга олиб келмайди. Шарҳлашнинг бу каби тури адвокатлар, олимлар, алоҳида шахслар томонидан амалга оширилади. Унинг аҳамияти субъектларнинг обрўси, уларнинг махсус билимлари ва шарҳлаш шаклининг асосланганлиги билан белгиланади. Ушбу шарҳлаш тури мажбурий ҳисобланмайди, яъни юридик кучга эга бўлмай туриб ҳам шахснинг ҳуқуқий онги ўсишига ва муайян субъектларнинг ҳуқуқ-атвори такомиллашувига катта ёрдам беради.

Демак, ҳуқуқни норасмий шарҳлашнинг турлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- *оддий (кундалик);*
- *касбий (профессионал);*
- *илмий (доктринал).*

Оддий (кундалик) шарҳлаш - бу ҳуқуқий фаолият соҳасида мутахассис бўлмаган фуқаролар томонидан ҳуқуқий норма мазмунини аниқлаш ва тушунтиришдир. У ҳуқуқий, одил судлов, қонунчилик ва шу қабиларга доир бўлган суҳбатлар, хатлар ва бошқалар кўринишларида учрайди. Кундалик шарҳлашнинг аҳамияти, айниқса, ҳозирги вақтда ижтимоий ҳаётнинг демократлашуви, давлат бошқарувига кенг омманинг жалб қилиниши билан ошиб бормоқда. Чунки қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва қонунни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш фуқаролик жамиятини қуришнинг нафақат мақсади, балки воситаси ҳамда энг муҳим шарти ҳамдир [6].

Ҳуқуқ нормасини шарҳлашнинг касбий (профессионал) тури хизмат фаолиятида доимий равишда ҳуқуқ нормасини қўллаш билан шуғулланувчи, суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият кўрсатадиган ходимларнинг ҳуқуқ нормалари мазмунини тушуниши ва тушунтиришини англатади. Касбий шарҳлаш билан судья, прокурор, адвокат, нотариус ва бошқа юридик касб вакиллари шуғулланиши мумкин.

Илмий (доктринал) шарҳлаш ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар томонидан амалга оширилади ва илмий хусусиятга эга бўлади. Бу ҳуқуқшунос олимларнинг мақола ва монографиялари, аҳоли оқидидаги маърузалари бўлиши мумкин. Бундай тушунтиришнинг алоҳида хусусиятлари уларнинг

илмий нуқтаи назарга асосланган қатъийлигида ва ҳуқуқни шарҳлаётган шахснинг обрўсида ифодаланади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий мунособатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботининг мустаҳкамла-нишида ва энг муҳими фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксалишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Березина Е.А. Толкование договора как вид юридического толкования. Автореф. дис.. канд.юрид. наук. - Екатеринбург, 2001. - С.7.

2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев - Т., 2000. - Б. 340.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. ? Т.: "Ўзбекистон", 1995, - Б.259

4. Колоколов Я.Н. Проблемы аутентического толкование нормативно-правовых актов в трудах

Российских ученых дореволюционного периода // История государства и права. - № 2. - 2010. - С. 45.

5. Колоколов Я.Н. Проблемы аутентического толкование нормативно-правовых актов в трудах Российских ученых дореволюционного периода // История государства и права. - № 2. -2010. - С. 94.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. - Т.: "Ўзбекистон", 2002. - Б. 28.

ФУҚАРОЛАРКНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Мазкур мақолада фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назорати ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ёритиб берилган. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назоратининг хусусиятлари, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни масалалари баён этилган.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида фуқаролар йиғини томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назоратининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш демократиянинг энг муҳим талабларидан бири бўлиб, у "кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалда қарор топишига зарур шарт-шароит яратади.

Дарҳақиқат, бугунги жамиятни демократлаштириш жараёнларида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган жамоатчилик назоратининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш, уни бошқа ана шундай назоратни олиб борувчи субъектлар тизимидаги ўрнини белгилашнинг зарурати қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, Президент Ислом Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида, маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаганлиги [1];

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назоратининг конституциявий асослари Юртбошимизнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи билан парламентга қабул қилиш учун тақдим этилиб, 2014 йил 17 апрелда кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Қонун [2] билан мустаҳкамланганлиги.

Ушбу ўзгартишга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек **давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади**. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш ўринлики, Конституция нормасида ҳаволаки дезпозиция сифатида ўрнатилиб, Президент Ислом Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида назарда тутилган жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур [3] бўлган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун ҳамон қабул қилинмади.

Зеро, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бўлмиш жамоатчилик назоратини олиб бориш субъектлар доираси кенг бўлиб, уларга: сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, касаба уюшмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари киритилиши мумкин.

Фуқаролик жамияти институтлари бўлмиш, ушбу субъектлар ичида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назорати энг самаралиси ҳисобланади. Зеро, бугунги кунда, фуқаролик жамиятининг энг оммавий шакли - бу фуқаролар йиғини ҳисобланиб, Республикада улар сони бугунги кунда, 9756 тани ташкил этмоқда [4].

Таҳлилларга кўра, фуқаролар йиғини томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун[5] нормаларидаги каби ҳеч бир ҳужжатда у ёки бу фуқаролик жамияти институти жамоатчилик назорати олиб борувчи субъект эканлиги тўғридан-тўғри кўрсатилмаган.

Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасида, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати назарда тутилган бўлиб, унга кўра, жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қуйидаги шаклларда амалга оширилади: тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини **ўрганиш**; тегишли чоралар кўрилиши учун давлат органларига **мурожаат этиш**; давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича **сўровлар юбориш**.

Ушбу ўринда, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасида берилган уларнинг жамоатчилик назоратини олиб бориш шакллари рўйхати тугал эмаслигини таъкидлаш мумкин. Чунки, ушбу Қонуннинг бошқа (11,12-моддалар) ўринларида маҳалла фуқаролар йиғинининг жамоатчилик назоратини амалга оширишга оид ваколатлари берилган бўлиб, унга кўра:

– *ҳар чоракда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялари ҳамда тафтиш комиссияси раислари, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси раҳбари, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг ҳисоботларини эшитиш;*

– *ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш;*

– *атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш каби "жамоатчилик тинглови" ёки "жамоатчилик эшитув"ларини амалга оширади.*

Кўриниб турибдики, фуқаролар йиғинларининг Қонун 16-моддасида мустаҳкамланган жамоатчилик назорати олиб бориш шакллари рўйхатида, **"фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатига тааллуқли масалалар бўйича жамоатчилик эшитувлари"**, шакли назарда тутилмаган.

Демократик тараққиёт йўлидан собитлик билан илгарилаб боришда маҳалла томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратининг зарурати яна шу билан изоҳланадики, ушбу назорат натижасида, ижтимоий зиддиятларнинг ўз вақтида олди олиниб, номаъқул ҳолатларга бутунлай барҳам бериш учун самарали ишлайдиган изчил назорат тизими ва механизмлари шакллантирилади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Бу тизим шундай ишлаши керакки, борди-ю бирор-бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, қонунга хилоф ишлар билан шуғулланидиган, ўз манфаатини давлат, халқ манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъи назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этиши зарур" [6].

Шулардан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати қуйидаги **ўзига хос хусусиятларга** эгаллиги ҳақида хулоса қилиш мумкин:

– *ҳудудларда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини уйғунлаштириш;*

– *маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида фуқароларнинг турли шаклларда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш;*

– *давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлигини, самарали ишлашини ва уларнинг шаффофлигини таъминлайди;*

– *фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онг ва маданияти юксалишига олиб келади;*

– *давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жамоат ва ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларига хилоф бўлган қонунлар ҳамда қарорлар қабул қилиниши хавфини камайтиради;*

– муайян ҳудудда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан бартараф этилиши зарур бўлган камчилик ва қонунбузарликлар мавжудлиги тўғрисидаги объектив маълумотлар олиш имконини беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш ўринлики, фуқаролар йиғинлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати бошқа ана шундай назоратни олиб борувчи субъектлар тизимида алоҳида хусусият касб этиб, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган айрим муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал этиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат органларига кўмаклашмоқда.

Ушбу жиҳатларини инобатга олиб ҳамда юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари мустақамланганлигидан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, "Маҳалла" фонди, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, қабул қилиш ишларини жадаллаштириш;

– "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасини "фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатига тааллуқли масалалар бўйича жамоатчилик эшитувлари" шаклидаги жамоатчилик назоратини олиб бориш ваколатларини киритиш билан боғлиқ жумлалар билан тўлдириш;

– ушбу соҳада қонун ҳужжатлари аниқ ва бир хилда бажарилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг масъуллигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини, "жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш", деб номланган 42-1-модда билан тўлдириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б. 96.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда.

3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик пала-

таси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. -Т.: Ўзбекистон, 2011. - Б.46.

4. Салихов Э. ва бошқ. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши. Доклад. - Т.: Baktria press, 2014. Б. 29.

5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда.

6. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. - Т.: "Ўзбекистон", 2005. - Б.237.

Д.ХАБИБУЛЛАЕВ

ТДЮУ "Фуқаролик-процессуал ва ҳўжалик
процессуал ҳуқуқи" кафедраси мудири, ю.ф.н.,
гоцент.

АЛОҲИДА ТАРТИБДА КўРИЛАДИГАН ИШЛАР БўЙИЧА СУДГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН АРИЗАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мазкур мақолада алоҳида тартибда кўриладиган ишлар тушунчаси, турлари, мазкур ишлар бўйича судга тақдим этиладиган аризалар, уларни расмийлаштиришнинг процессуал хусусиятлари таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, алоҳида тартибда иш юритиш фуқаролик суд ишларини юритиш турларидан бири ҳисобланади. Фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини муҳофаза қилишда судлар томонидан алоҳида тартибда иш кўриш тушунчаси, унинг аҳамияти ва турлари тўғрисида юридик адабиётларда бир қатор фикрлар билдириб ўтилган. Жумладан, Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, алоҳида тартибда кўриладиган ишларда ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмагани туфайли тарафлар, яъни жавобгар, даъвогар ва учинчи шахслар ҳам бўлмайди, фақат ўз муддаосини айтиб, судга мурожаат қилувчи аризачи ва бошқа манфаатдор шахсларгина бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам алоҳида тартибда кўриладиган фуқаролик ишларида баъзи фуқаролик процессуал нормаларнинг, масалан, шерик иштирокчилик, тегишсиз тарафни тегишли тараф билан алмаштириш, келишув битими ва шу каби процессуал ҳаракатларга оид нормалар қўлланилмаслиги мумкин [1].

Ҳуқуқшунос олим Э.Эгамбердиевнинг фикрича, алоҳида тартибдаги ишларда даъволи ишлардагидек тарафлар бўлмайди. Тарафларнинг бўлмаслигига асосий сабаб - бундай ишларда ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг бўлмаслигидир. Шахсларнинг қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишнинг процессуал воситаси судга мурожаат қилган шахснинг оддий аризаси ҳисобланади. Ариза билан судга мурожаат қилган шахс бу турдаги суд ишларини юритишда манфаатдор шахс деб юритилади [2].

Бошқа юридик адабиётларда ҳам кўрсатилишича, алоҳида тартибда иш юритишда аризачининг бошқа шахсдан ҳеч қандай талаби бўлмайди¹, шунинг учун ҳам даъвогар ва жавобгар тарафлар бўлмайди [3].

В.В.Ярков ва В.П. Воложанинларнинг таъкидлашича, алоҳида тартибда иш юритишда ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмайди, ишни қўзғатувчи шахс аризачи деб номланади. Шунингдек, алоҳида тартибда иш юритишда қарши даъво бериш, тарафни алмаштириш, келишув битими тузишнинг имконияти бўлмайди [4].

Е.А. Борисованинг фикрича ҳам, алоҳида тартибда иш юритиш бир томонлама иш юритиш ҳисобланади [5].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, алоҳида тартибда иш юритиш - бу фуқаролик суд ишларини юритишнинг бир тури сифатида ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмаган ва манфаатдор шахсларнинг аризаси бўйича иш юритишдир.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 279-моддасида кўрсатилган. Унга кўра, суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган ишларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;
- 2) болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар;
- 3) фуқарони бедарак йўқолган деб топилган ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар;

4) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;
5) шахсни фэйриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасага ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар;

6) шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига фэйриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасага ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар;

7) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;

8) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юриштириш).

Юқорида кўрсатилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича судга мурожаат қилиш воситаси ариза ҳисобланади. Ушбу ишларда ҳуқуқ тўғрисидаги низо бўлмаганлиги сабабли судга даъво аризаси билан эмас, балки ариза орқали мурожаат қилинади. Мазкур ишлар юзасидан ариза аризаачи ёки унинг вакили, прокурор, давлат бошқарув органлари ёхуд иш якунидан манфаатдор шахслар томонидан берилиши мумкин. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Мазкур мақолада ушбу турдаги ишларнинг айрим турлари бўйича судга тақдим этиладиган аризаларнинг ўзига хос процессуал хусусиятларига тўхталиб ўтсак. Жумладан, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни суд тартибида белгилашнинг ўзи бир неча турларга бўлинади. Фуқаролик процессуал қонунчилигида фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкый ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки тугашига сабаб бўладиган қуйидаги фактларни суд тартибида белгилаш кўрсатилган:

1) шахсларнинг қариндошлик алоқаларини;

2) шахс бировнинг қарамоғида эканлиги фактини;

3) оталикни тан олиш (белгилаш) фактини, боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги фактини, шунингдек, туғилган вақтини;

4) болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимнинг қайд этилганлик фактини;

5) эр-хотиндан бирининг ўлими натижасида фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларида никоҳни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмай қолса, қонунда белгиланган ҳолларда уларнинг ҳақиқатда эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини;

6) шахснинг ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалардан ташқари) кўрсатилган исми, отасининг исми ва фамилияси унинг паспортдаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги фактини;

7) бахтсиз ҳодиса фактини;

8) иморатга хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш фактини;

9) меросни қабул қилиш ва мероснинг очилиш жойи фактини;

10) юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни, агар қонун ҳужжатларида уларни белгилашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса.

Юқоридагилардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорига кўра, қуйидаги юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар ҳам суд тартибида белгиланади:

– оталик фактларини, оталикни қайд қилиш фактларини, 1968 йил 1 октябрда туғилган болаларга нисбатан оталикни тан олганлик (белгиланганлик) фактлари;

– ихтирони жорий этиш фактларини, таклифни рационализаторлик сифатида тавсифланганлик фактлари;

– бинога, пайга, автомобилга ва бошқа махсус рўйхатдан ўтказиладиган мулкка эгалик қилиш фактлари;

– никоҳдан ажралишмасдан, лекин оилавий муносабатлар тугатилганидан сўнг иморатни эр-хотиндан бирининг маблағарига қурилганлик фактларини, суғурта гувоҳномасининг қарашлилиги фактлари;

– фуқаро ёки унинг ота-онасини Иккинчи жаҳон уруши даврида эвакуация қилинганлик фактлари;

– иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврларини белгилаш.

Фактни белгилаш тўғрисидаги аризалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 280, 283-моддаларига биноан, алоҳида иш юриштириш тартибида кўришда қуйидаги шартларга риоя қилинган тақдирдагина суд томонидан қабул қилиниши мумкин:

а) агар манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқ ҳақида судга тааллуқли низо бўлмаса, фактни белгилаш шу фактдан келиб чиқадиган (фуқаронинг насабини, келиб чиқиши, меросни қабул қилиш муддатини узайтириш, мерос ҳақидаги гувоҳнома берилишининг асослиги, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида) ҳуқуқ ҳақидаги низони келгусида ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаса, қачонки манфаатдор шахсларда тегишли даъво билан судга муурожаат қилиш имконияти бўлса;

б) агар ариза берувчи шу фактни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача йўл билан олиш ёки тиклаш имкониятига эга бўлмаса [6].

Ушбу турдаги ишлар бўйича ариза аризачи яшаб турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судга берилади. Аризанинг мазмуни ва процессуал расмийлаштирилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддасида белгиланган умумий талаблардан ташқари, аризада муайян фактни аниқлаш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилишини, шунингдек, аризачининг тегишли ҳужжатларини олиш имкониятига эга эмаслигини ёхуд йўқолган ҳужжатларни тиклаб бўлмаслигини тасдиқловчи далиллар келтирилишини талаб қилади (ФПКнинг 284-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли қонунига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига "Фарзандликка олиш" номли 311-боб киритилди. Дастлаб фарзандликка олиш тартиби судсиз тартибда ҳал қилинган бўлса, эндиликда фарзандликка олиш суд тартибида ҳал этилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар фарзандликка олиш тўғрисидаги аризани фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судига беради (ФПКнинг 2851-моддаси).

Фарзандликка олиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

– фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг (унинг) яшаш жойи;

– фарзандликка олинаётган боланинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси, унинг яшаш (турган) жойи, фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси тўғрисидаги, ака-ука ва опа-сингиллари бор-йўқлиги ҳақидаги маълумотлар;

– фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) фарзандликка олиш ҳақидаги илтимосини асословчи ҳолатлар ва мазкур ҳолатларни тасдиқловчи далиллар;

– фарзандликка олувчилар (олувчи) боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритишни истаган тақдирда, фарзандликка олинаётган боланинг фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган санасини (кўпи билан бир йилга), фарзандликка олинаётган боланинг туғилган жойини (агар бола кўпи билан ўн ёш бўлса) ўзгартириш ҳақида, боланинг туғилганлик тўғрисидаги далолатнома ёзувига фарзандликка олувчиларни (олувчини) ота-она (ота ёки она) сифатида қайд этиш ҳақидаги илтимос.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза фарзандликка олувчилар (олувчи) томонидан имзоланади (ФПКнинг 2852-моддаси).

Фарзандликка олиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинган бўлиши керак:

– никоҳда турган шахслар (шахс) томонидан фарзандликка олинганда, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг кўчирма нусхаси;

– эр-хотиндан бири томонидан фарзандликка олинганда, бошқасининг розилиги. Агар эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлса ва эрнинг (хотиннинг) яшаш (турган) жойи номаълум бўлса, шунингдек, бу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, фарзандликка олишда унинг розилиги талаб қилинмайди;

– никоҳда турмаган шахс томонидан фарзандликка олинганда, фарзандликка олувчи паспортининг кўчирма нусхаси ва никоҳда турмаслиги ҳақидаги маълумотнома;

– фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) соғлиғи ҳолати ҳақида тиббий хулоса (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркологиya муассасалари, шунингдек, ОИТСга қарши кураш марказларининг маълумотномалари);

– фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) иш жойидан эгаллаб турган лавозими ва иш ҳақи тўғрисида маълумотнома ёки бошқа даромад манбалари тўғрисидаги маълумотнома;

– турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат;

– фуқаро фарзандликка олишга номзод сифатида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бошқа давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари, бола қонуний вакилининг розилиги ва бола қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат ваколатли органининг розилиги илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тўғрисидаги аризасига ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар, шунингдек, фарзандликка олувчилар қайси давлат фуқароси бўлса, ўша давлат (бола Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинаётганда, ушбу шахслар қайси давлатда доимий яшаш жойига эга бўлса, ўша давлат) ваколатли органининг уларнинг яшаш шароитлари ҳақида ва фарзандликка олувчилар бўла олиш имкониятлари ҳақидаги хулосаси, тегишли давлат ваколатли органининг фарзандликка олинаётган боланинг ушбу давлатга кириши ва мазкур давлат ҳудудида доимий яшаш учун рухсатномаси, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси вакилларига фарзандликка олинган бола ҳақида ахборот бериш ва бола билан мулоқот қилиш имкониятини бериш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган мажбурияти илова қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-352-сонли қонунига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига "Сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш" номли

332-боб киритилди. Ушбу турдаги ишлар бўйича судга тақдим этиладиган аризанинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мазкур турдаги ишлар бўйича ариза диспансер ҳисобида турган ёхуд даволаниётган ёки унинг яшаш (турган) жойидаги сил касаллигига қарши кураш муассасаси томонидан берилиши;

Иккинчидан, сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ариза ушбу муассаса тиббий комиссиясининг тиббий текширувдан ва (ёки) даволанишдан бўйин товлаётган мазкур шахсни ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш зарурлиги ҳақидаги хулосаси қабул қилинган кундан эътиборан бир сутка ичида берилиши;

Учинчидан, сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимида ғайриихтиёрий тартибда ётиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ушбу муассаса тиббий комиссиясининг шахс даволанишда бўлган муассасада ётиши муддатини узайтириш зарурлиги ҳақидаги хулосаси асосида берилишидир.

Ҳозирда суд амалиётида алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича судга тақдим этиладиган аризалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг умумий қоидалари асосида расмийлаштирилиб топширилмоқда. Ваҳоланки, мазкур турдаги ишлар бўйича судга тақдим этиладиган аризалар ўзининг процессуал хусусиятлари билан даъво, буйруқ тартибда тақдим этиладиган аризалардан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигининг ижобий тажрибасини ҳисобга олиб, миллий процессуал қонунчиликка ҳам алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг айрим турлари бўйича судга тақдим этиладиган ариза ва унга қўйилган талаблар бўйича алоҳида ҳуқуқий норма киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу ҳуқуқий норманинг киритилиши фуқаролар ва ташкилотларнинг белгиланган ҳуқуқларини тўлақонли судлар томонидан ҳимоя қилинишини амалда таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. - Т.: "Адолат". 2001. - Б. 326.

2. Эгамбердиев Э. Ҳуқуқ ҳимоясининг процессуал воситалари // Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари. Илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.: ТДҶОИ. 2005. - Б.136.

3. Гражданское процессуальное право России. - М.: Былина. 1996. -250 с. Гражданский процесс. Учебник. / Отв.ред. проф.В.В.Ярков. 3-е. изд. перер.и доп.

- М.: БЕК. 1999. - 379 с;

4. Гражданский процесс. Учебник./ Отв.редак. Осипов.Ю.К. - М.: Из-во Бек. 1996. -322 с.

5. Гражданский процесс.// Под ред. проф. М.К. Треушников 2-е.изд. испр. и доп. - М.: Из-во: Спарк. Юр. бюро Городец. 1998. - С. 306.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-1998. 2-жилд // Таҳрир ҳайъати: У.Қ.Мингбоев ва бошқ. - Т.: "Шарқ", 1999. - Б.400.

М.СОДИҚОВА

АнгДУ катта ўқитувчиси.

М.АХМЕДОВА

ТДЮУ ўқитувчиси, ю.ф.н.

ОИЛА - ЧИНАКАМ ТАРБИЯ МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданоқ ижтимоий-сиёсий соҳада кучли ҳуқуқий демократик давлат ва жамият, иқтисодиёт соҳасида турли мулк шакллари асосланган бозор муносабатлари қуришни мақсад қилиб қўйди. Шу маънода кенг қўламли ислоҳот олиб борилмоқда ва унинг натижалари, айтиш мумкинки, муваффақиятли бўлмоқда.

Шу муносабат билан оилавий-ҳуқуқий муносабатлар элементини ташкил этувчи оила, никоҳ, эр-хотинлик, эр-хотиннинг шахсий ва мулкий ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари, никоҳ шартномаси, никоҳнинг тугатилиши, қариндошлиқ, ота-она ва болаларнинг шахсий номулкий, мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби муносабатларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар қандай мамлакат тараққиёти ўша юртдаги оилаларнинг мустаҳкамлиги, уларнинг барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, оила барча эзгу тилаклар, орзу-умидлар рўёбга чиқадиган қутлуғ маскан ҳисобланади. Зеро, инсон ўз саодатини, аввало, оиласи бағридан топади.

Ҳаётнинг абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган миллий ва диний урф-одатларимизни асраб-авайлайдиган ва уларни келгуси авлодга етказадиган тарбия маскани - оиладир. Ҳозирги кунда оиланинг жамиятимиздаги ўрни ва унинг тараққиётидаги аҳамияти беқиёсдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, эрта никоҳнинг олдини олиш ва шаръий никоҳни тартибга солиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Ўзбекистон Мусулмонлар идораси томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Демак, ислоҳот доирасида қабул қилинаётган ва амалга киритилаётган кўплаб қонун ҳужжатлари инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Бу жараён халқимизнинг тарихий анъаналарини, урф-одатларини, миллий-маънавий қадриятларини ҳисобга олиб давом эттирилмоқда. Шу мақсадда 1998 йил мамлакатимизда "Оила йили" деб эълон қилиниши ва эътиборлиси шу йили Оила кодексининг қабул қилиниши - жамият ва давлатнинг таянчидир. Ушбу кодексда оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъулият ҳисси асосида қуришдан, бирор-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат эканлиги қонуний мустаҳкамланган.

Шунингдек, оила муаммоларига давлатимиз томонидан берилаётган аҳамият ҳам тўла-тўқис акс эттирилган. Унда жамиятнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий юксалишидаги оиланинг ўрни ва улғайиб келаётган ёш авлоднинг тиббий, маънавий тарбиясини шакллантиришдаги роли ва аҳамияти қонуний мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаш лозим. Кодексда оиланинг муҳим вазифаси сифатида ўзаро меҳр-муҳаббат, ишонч, ҳурмат, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ҳамда оила аъзоларининг оила олдидаги масъулият ҳислари асосида оилавий муносабатларни тартибга солиш белгилаб қўйилган.

Оила, аслида, никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ ҳисобланиб, унинг аъзолари рўзгорининг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий масъулияти билан бир-бирига боғланган. Оиланинг энг муҳим ижтимоий вазифалари - авлодни давом эттиришдан, болаларни тарбиялашдан, оила аъзоларининг турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали уюштиришдан иборатдир.

Шу жиҳатдан келиб чиқиб, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан Ўзбекистонда 2012 йил "Мустаҳкам оила йили" деб белгиланиши ва бунда "оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш - авваламбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораёт-

ган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқлиги" оилани мустаҳкамлаш, унинг жамият ва давлатдаги барқарорлигини таъминлашнинг асосий элементлардан бири сифатида қарашни муҳимдир. "Би-нобарин, биз маънавий ҳаётимизни юксалштиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустаҳкам таянч деб биламиз" [1].

Мамлакатда ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг турмуш фаровонлигини, фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга қаратилган дастурий мақсадларга асосланиб иш олиб борилмоқда.

Президент И.Каримов бу борадаги вазифалар ҳақида гапириб, "...ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир" [2], - деганди.

Дарҳақиқат, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, биринчи галда, оила бағрида шаклланади. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асаридаги кўйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: "Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-кўйидаги одамларнинг хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз керак. ...Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим" [3].

Оила халқнинг, жамиятнинг ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказиши. Яхшиларини ўз бағрида асраб-авайлаб келажак авлодларга етказиши. Оила ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш билан уларга бошланғич ижтимоий йўналиш беради. Ўз фарзандларини катта оқимга - жамиятга қўшиш билан эса, оила жамият йўналиши, иқтисодий, маданияти¹ ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Шарқда оила қадим-қадимдан муқаддас қўрғон ҳисобланиб келинган [4].

Ҳақиқатдан ҳам, оила келажак наслар тақдирига кучли таъсир этувчи чинакам тарбия масканидир. Шу боис ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топишига кўмаклашиш, айниқса, уларнинг оила қуришларига жиддий эътибор қаратиш барчадан катта масъулият талаб этади. Афсуски, ҳозир ҳам қизларни эрта узатиш ва йигитларни эрта уйлантириш ҳолатлари кузатилаётгани ва бу салбий оқибатга олиб келаётгани ушбу масалага янада теранроқ назар ташлаш, янада масъулиятлироқ ёндашиш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Бинобарин, Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан сўзлаган "Асосий вазифамиз - жамиятни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат" деб номланган маърузасида таъкидланганидек, "Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади".

Шунингдек, оила аъзоларининг саломатлиги, оилада соғлом болалар дунёга келиши, албатта, турмуш қурадиган шахсларнинг нечоғли соғлом бўлишига боғлиқдир. Унинг учун эса ёшлар турмуш қуриши олдида тиббий кўриқдан ўтаётганда кўр-кўрона эмас, балки ҳар бир инсон ўзининг соғлиги ҳақида қайғуриб ҳаракат қилмоғи керак. Шу ўринда тиббий кўриқнинг аҳамияти ва бугунги кундаги ўрни борасида кўплаб гапириш ва мисоллар келтириш лозим. Жумладан, тиббий кўриқнинг натижасида икки ёшнинг саломатлиги, улардан туғилажак фарзандларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлиги энг катта бойлигимиздир. Бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизда ҳар бир фуқароларимиз тиббий маданиятга эга бўлсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг 2013 йил 6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигига 21 йил тўлиши муносабати билан сўзлаган "Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти ўриш - ёруқ келажакимизнинг асосий омилидир" номли маърузасидаги қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим:

"Соғлом бола - аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак наслар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади. Табиийки, соғлом боланинг туғилиши, биринчи навбатда, онанинг соғлиғига боғлиқ. Бўлғуси она илоҳий неъмат бўлмиш дилбандини тўққиз ой мобайнида ўз бағрида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга келтиради. Ана шу жараёнда аёл қандай кунларни, қандай руҳий ҳолатни бошидан кечирса, бу албатта она вужуди орқали ҳомилага таъсир ўтказади" [5].

Бинобарин, оила чинакам ҳаёт мактаби бўлиб, унда сабоқлар бир умр давом этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, оила қураётган ҳар бир инсоннинг мақсади - жамиятга ўз ҳиссасини қўша оладиган фарзандларни умуминсоний қадриятлар ва анъаналар асосида тарбиялашдан иборат бўлмоғи лозим.

Айниқса, оилаларимизнинг тинчлиги, хотиржамлиги, уларнинг турмуш тарзининг яхшиланишига тобора эътибор қаратилаётган бир пайтда республикамызда яратиб берилаётган улкан имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз ва юртимиз ривожига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшимиз даркор. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарордир".

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз - демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир / Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2011 йил 8 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳаётимизни эркин ва обод бўлишига эришиш бизнинг бош мақсадимиздир" номли маърузаси. 2012 йил 7 декабрь.

3. И.Каримов. "Юксак маънавият - енгилмас куч". - Т.: "Маънавият", 2008. - Б. 54-56.

4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Т., 1999. - Б.470.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинганлигига 21 йил тўлиши муносабати билан сўзлаган "Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти ўриш - ёруқ келажакимизнинг асосий омилидир" номли маърузаси. 2013 йил 7 декабрь. Халқ сўзи газетаси.

ГАРОВ ШАРТНОМАСИДА ГАРОВ НАРСАСИНИ САҚЛАШ ВА АСРАШ ШАРТИНИНГ БАЖАРИЛМАСЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Мақолада фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича юзага келадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида гаров шартномаси аҳамиятига оид масалалар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми 1-бандини қўйидаги таҳрирда ифодалаш тўғрисида таклиф киритилган: "шартнома бўйича "гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаш".

Мақолада жаҳон ва МДХ давлатларининг ушбу соҳадаги тажрибалари ўрганилган ва унинг мамлакатимизда қўлланилиши кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада гаров шартномасида гаров нарсасини сақлаш ва асраш шартининг бажарилмаслик оқибатлари юзасидан бартараф этилиши лозим бўлган муамолар ўрганилган.

Маълумки, гаров шартномаси иккиламчи тусга эга ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Муайян бир фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича юзага келадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида гаров шартномаси қарздорнинг мол-мулкни фуқаролик муомаласини чеклаш ҳамда унда назарда тутилган шартлар ва талаблар бажарилмаганда гаровга олувчининг талабларини қарздорнинг гаровга қўйилган мол-мулкдан бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли қаноатлантиришни назарда тутиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Шу боис, гаров шартномасида назарда тутилган шартларнинг бажарилмаслиги, одатда, асосий шартнома бўйича қарздорнинг зиммасидаги мажбуриятни бажармаслиги билан боғлиқдир. Шу билан бирга, гаровга қўйилган объектни, яъни гаровнинг нарсасини асраш ва сақлаш, унинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфи ва шунингдек, гаров нарсасига нисбатан амалга оширилиши таъқиқланган ҳаракатларнинг амалга оширилиши гаров шартномасидаги тарафларнинг мажбуриятларини бузиш ҳисобланади.

ФКнинг 274-278-моддаларида гаров шартномаси бўйича тарафларнинг мажбуриятлари назарда тутилган. Хусусан, ФКнинг 274-моддаси 1-қисмига кўра, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаровга қўювчи ёки гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулк кимдалигига қараб (ушбу кодекснинг 269-моддаси):

1) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан унинг тўла қиймати бўйича, борди-ю мол-мулкнинг тўла қиймати гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан ошиб кетса, талаб миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаш;

2) гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини таъминлаш учун, шу жумладан уни учинчи шахсларнинг тажовузлари ва талабларидан ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўриши;

3) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки унинг шикастланиши хавфи пайдо бўлганлиги тўғрисида иккинчи тарафни дарҳол огоҳлантириши шарт.

Иқтисодий ривожланишнинг бугунги босқичида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усули сифатида гаров катта аҳамият касб этади. Кўп ҳолларда мазкур механизмдан жисмоний ва юридик шахслар, бизнес субъектларини кредитловчи, шунингдек, ипотека кредитлари берувчи банклар ва нобанк кредит муассасалари фойдаланадилар. Албатта, реал таваккалчилик ҳолатида кредит муассасалари ўз таваккалчиликларини бошқаришнинг шундай тизимини ташкил этишадикки, бу тизим ишончли ва молиявий барқарорликни максимал таъминлашга эътибор қаратади. Ҳозирги пайтда кредит бозорларидаги ҳолат шундай шакланганки, гарчи мол-мулк

гарови эвазига кредитлаш шароитида ҳам кредит муассасалари бир қатор ҳолатларга кўра гаров предметига ундирувни қаратиш имкониятига эга эмаслик билан тўқнаш келишмоқда. Бундай нохуш ҳолат (воқеъа)лар юз бермаслиги хавфини, шунингдек, ўзларининг кредит таваккалчиликларини камайтириш учун банк суғурта каби таваккалчилик хавфини бошқариш усулидан фойдаланиши мумкин. Суғурта кредит фаолиятидаги хавфларни бошқаришнинг методларидан бири бўлиб, хавфни суғурталовчи ва кредит бозор иштирокчилари ўртасида тақсимлаш имконини беради, кредитлаш тизимининг ишончилигини оширади. Банк томонидан гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталашни ташкил этишнинг сифати нафақат ташкилотнинг кредит хавфини камайтириш имконини беради, балки истеъмол кредит бозорида унинг рақобатбардошлиги элементи ҳам ҳисобланади [1].

Банк томонидан берилган кредитлар қайтарилишини кафолатлашга ёрдам берувчи суғурталашнинг бир нечта турлари мавжуд. Бундай суғурта турларига, хусусан, банк томонидан берилган кредит қайтарилишини таъминлаш кафолати сифатида берилган мол-мулкни суғурталаш (гаровни суғурталаш) ва қарздорнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш киради.

Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш тизимини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. *Уй-жой ипотека кредити соҳасидаги хавфлардан ҳимоялашнинг комплекси суғуртаси. Унинг таркибига ипотекага қўйилган кўчмас мулк суғуртаси, титул суғуртаси ва қарздорнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш киради.*

2. *Юридик ва жисмоний шахсларнинг бошқа мол-мулклари суғуртаси (масалан, транспорт, бино, иншоот, ускуна, товар-моддий бойликлар ва шу кабилар).*

3. *Гаровни суғурталашда кредит маблағлари қайтарилишининг қўшимча кафолати сифатида қўлланиладиган "гаров атрофидаги" деб номладиган суғурта (масалан, қарздорнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш) [2].*

Мол-мулкни лозим даражада сақлаш ва асраш мажбурияти гаров муносабатларининг томонларига юклатилади (гаровга қўювчи ёки гаровга олувчига) ва бу билан уларга ЎзР ФК 174-моддасининг қондасини жорий қилади. Бу мажбуриятлардан ташқари, шарҳланаётган модда билан гаровга қўйилган мол-мулкни унинг тўла қиймати бўйича суғурталаш талаби ўрнатилади. Агар мол-мулкнинг тўла қиймати гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан ошиб кетса, талаб миқдоридан кам бўлмаган суммага суғурталашга рухсат берилади [3].

Гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфи суғурталашда суғурталаш қийматини аниқлашнинг қуйидаги икки мезони белгиланган. Биринчидан, гаровга қўйилган мол-мулкнинг тўла қиймати суммаси; иккинчидан, гаров билан таъминланган талаб миқдоридан кам бўлмаган сумма. Бошқача айтганда, гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиш ёки шикастланиш хавфини суғурталашдан мақсад гаров билан таъминланган талабни қўшимча кафолатлаш ҳисобланади. Мабодо гаров объекти йўқолса ёки шикастланса, суғурта пули ҳисобидан гаров талаби қаноатлантирилади.

Д.В.Соболеванинг фикрича, гаров суғуртаси - бу кредитни таъминлаш учун берилган мол-мулкни фақат йўқолиш ёки шикастланиш хавфидан суғурталанаётган мол-мулкни таъминлаш талаблари даражасида белгиланадиган суғурта суммасининг минимал миқдоридаги суғурталашдир [4].

Ю.С.Поваров гаров нарсасини суғурталаш гаров шартномасининг асосий шarti эканлигини таъкидлайди [5].

Д.Б.Раднаеванинг фикрича, қарздор томонидан мажбуриятнинг бузилиши кам аҳамиятли бўлиши лозим, яъни, бунинг натижасида гаровга олувчининг талаблари ҳажми гаровга қўйилган мол-мулкнинг қиймати билан тенг бўлиши зарур. Бундан истисно сифатида гаровга олувчининг мажбуриятни бажарилиши муддатидан олдин ундирувнинг гаров нарсасига қаратиш ҳолатлари ҳисобланади. Бундай ҳолатларга гаров нарсасини суғурта қилиш мажбуриятини бажармаслик киради [6].

Назаримизда, гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш мажбурияти, гаров предмети кимдалигидан қатъи назар, гаровга қўювчида бўлади ва бу мажбуриятни бажармаслик гаровга қўювчига нисбатан салбий ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш мажбурияти бажарилмаганда, гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбурият бажарилиш муддатидан аввал шартномани бекор қилиб, ундирувни гаров нарсасига қаратиши ёки гаровга қўювчидан дарҳол гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Таъкидлаш лозимки, ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми 1-бандидаги қоида гаровга қўювчининг мулкий ҳолатини ёмонлаштиришга қаратилган ва кўп ҳолларда уни асоратга солишга қаратилганга ўхшайди. Зеро, гаровга қўювчи гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталашда, фақат гаров билан таъминланган талаб доирасидаги мажбуриятни зиммасига олади ва ундан ортиғи учун мажбуриятни зиммасига олмайди. Бироқ, ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми 1-банди

гаровга қўювчига нисбатан ана шундай қўшимча мажбуриятни юклайди. Зеро, мазкур нормадаги "гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан унинг тўла қиймати бўйича" суғурталаш мажбурияти гаровга қўювчи учун қўшимча харажатлар қилишига олиб келади. Шу боис ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми 1-бандини қуйидаги таҳрирда ифодалаш зарур:

1) гаровга қўйилган мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши хавфидан гаров билан таъминланган талабнинг миқдоридан кам бўлмаган суммага гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаш;

Бундай қоида бир қатор хорижий мамлакатлар қонунчилигида ҳам назарда тутилганлигини кузатишимиз мумкин. Жумладан, Россия Федерацияси Фуқаролик Кодексининг 343-моддаси 1-қисми 1-бандида айнан шундай қоида назарда тутилган.

Шу ўринда, гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш борасида ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги 614-І-сон "Гаров тўғрисида" [7] ги Қонунининг 12-моддаси биринчи қисмидаги такрорланиш ҳолати хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур қонун ҳужжатларидаги нормаларда айнан бир хил қоида такрорланган. Бироқ "Гаров тўғрисида" ги Қонунининг 12-моддаси биринчи қисми қоидалари модданинг номига мос эмаслигини ҳам қайд этиш лозим. Зеро, "Гаров тўғрисида" ги Қонуннинг 12-моддаси "Гаров нарчасини суғурта қилиш" - деб номлангани ҳолда, унинг биринчи қисми 2-3-бандлари гаровга қўйилган мол-мулкни сақлаш ва асрашга доир қоидаларни назарда тутати. Шу боис ФКнинг 274-моддаси биринчи қисми қоидаларини такрорламаслик ҳамда "Гаров тўғрисида" ги Қонуннинг 12-моддаси номи ва унинг биринчи қисми мазмуни мослигини таъминлаш мақсадида, ушбу нормани қуйидаги мазмунда ифодалаш лозим:

Гаровга қўйилган мол-мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши хавфи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 274-моддаси биринчи қисми 1-банди талабларига кўра, гаровга қўювчи ҳисобидан суғурталаниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Воронина Е.В., Тимошенко И.Е. Проблемы страхования залогового имущества при потребительском кредитовании // Сибирская финансовая школа. №2. 2008. - С. 115.

2. Черных А.А. Тенденции развития рынка страхования залогового имущества в РФ // Российский Академический Журнал. № 2. Том 16. 2011. - С. 29.

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ, 1-жилд (биринчи қисм) - Т.: "Vektor-Press", 2010. - Б.429.

4. Соболева Д.В. Актуальные проблемы развития залогового страхования в России // Известия Санкт-

Петербургского университета экономики и финансов. 2010. - №2. - С. 56.

5. Поваров Ю.С. Существенные условия договора залога. - М., 2011.

6. Раднаева Д.Б. Правовое регулирование договора ипотеки (залога недвижимости): автореферат диссертации канд. юрид. наук. - М., 2012. - С.27.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 96-модда; 2002 й., 1-сон, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 14-сон, 132-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда.

Н. СУЛАЙМОНОВА

ТДЮУ "Фуқаролик-процессуал ва хўжалик-процессуал ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси

Б. ШАМСУТДИНОВ

ТДЮУ талабаси

ФУҚАРОЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ

Мазкур мақолада фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари қонун нормалари асосида кафолатланганлиги, ишга қабул қилишга оид қонунчилик нормалари, уларга берилган кафолатлар ва мажбуриятлар, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш билан боғлиқ тақлиф ва мулоҳазалар ўз аксини топган.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолияти кенг тарқалиб, аҳоли даромад манбаларининг анъанавий шакллари юзага келаётган бўлса-да, фуқароларнинг корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишлашлари орқали миллий даромад яратилишида қатнашаётганлари, иш ҳақи сифатида даромад олиш йўли билан эса ушбу миллий даромаддан ўз улушларини олаётганлари жамият иқтисодий ҳаётида салмоқли ўринга эга ҳисобланади. Ана шундай шароитда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий механизмини чуқур англаб етиш, бу механизмнинг самарали ишлашини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Мазкур объектив заруратни фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалда таъминлаш ва улар манфаатларини ҳимоялашнинг асосий омилларидан бири сифатида қайд этиб ўтиш лозим.

Юртбошимиз И.А.Каримов: "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият, айнан шу талабни қонунлар ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб қўйиш ҳамда устувор принцип сифатида ҳаётга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга" [1], - деб таъкидлаганлар.

Жаҳон тажрибасида ҳамда дунёнинг бозор иқтисодиёти асосида ривожланган етакчи мамлакатларининг миллий қонунчилик тизимида меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда ҳимоялашнинг йиллар давомида синовдан ўтган самарали усул ҳамда воситалари ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Уларни ўрганиш ҳамда бу соҳадаги миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришда уларнинг ижобий хусусиятларидан унумли фойдаланиш фақатгина фуқароларимизнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда уларни муҳофаза қилишда эмас, айни пайтда давлатимиз ва жамиятимизнинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш борасида ҳам муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Биз учун янгилик бўлган бозор иқтисодиётининг асослари яратилди. Мамлакатимизда хусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожини устувор аҳамият касб этди. Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва корпоратив мулк шаклига ўтган бўлиб, уларда жами иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда замонавий меҳнат бозори шаклланди - мустақиллик йилларида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди" [2]. Амалга оширилаётган мазкур ислохотлар, ижобий ўзгаришларнинг ўзиёқ бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат муносабатларидаги масалалар, муаммоларни ҳал қилишнинг нақадар долзарб эканини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 57-моддасига мувофиқ, унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир.

Ишга қабул қилиш — қонунчиликка мувофиқ, иш берувчи ва ишга кираётган шахс ўртасида меҳнат муносабатларини вужудга келтириш борасида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлардир.

Меҳнат шартномасини тузиш деганда, ходим билан иш берувчи ўртасида шартнома шартлари бўйича келишувга эришилгани ва уни расмийлаштириш зарурлиги назарда тутилади.

Бинобарин, ишга қабул қилиш жараёни ишга кирувчи билан иш берувчининг шунчаки эркин хатти-ҳаракати эмас, балки хатти-ҳаракатнинг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муайян қоидаларидир.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меҳнат шартномаси тузишнинг муайян тартибини назарда тутди. Ишга қабул қилишнинг умумий қоидалари Меҳнат кодексида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари ходимларнинг айрим тоифалари учун ишга қабул қилишнинг умумий тартибидан бошқа бир қатор қўшимча шартларни назарда тутди. Масалан, чет эл фуқароларини, моддий жавобгарлиги бўлган лавозимларга кираётган шахсларни, муқобил хизматчилар ва шу кабиларни ишга қабул қилиш пайтида қўшимча шартлар назарда тутилган. Меҳнат шартномасини тузиш чоғида ишга қабул қилиш қоидаларига қаттиқ риоя этилиши керак.

Иш берувчи ишга қабул қилиш пайтида зарур бўладиган ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга, ходим эса тегишли равишда шундай ҳужжатларни тақдим этиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тиббий кўриқдан ўтиши, иш берувчининг бошқа қонуний талабларини (танловдан ўтиши, 16 ёшга тўлмаган шахсларни ишга олаётганда ота-онасидан бирининг ёзма розилигини олиши) бажариши керак.

Қонун ҳужжатлари ишга қабул қилишда бир қатор чеклашларни ҳам назарда тутадик, уларга риоя этиш иш берувчи учун ҳам, ходим учун ҳам мажбурийдир. Жумладан, Меҳнат кодексининг 225, 241-моддаларига биноан, меҳнат шароити ноқулай ишларда аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланади. Иш берувчи, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кичик ёшга етмаган шахсларга ҳам ишга қабул қилишда рад жавоби беришга мажбур. 16 ёшгача бўлган ўсмирлар билан уларнинг ота-онасидан бири ёхуд уларнинг ўрнини босувчи шахснинг розилигисиз меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш соҳасидаги ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида ишга қабул қилиш, меҳнат шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тартиби қатъий белгиланган ва уларга амал қилиш барча турдаги иш берувчиларнинг асосий вазифа ва мажбуриятларидан саналади.

Жумладан, ишга қабул қилиш юзасидан махсус қоидалар ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш орқали давлат фуқаролари ҳаёти ва саломатлигини муҳофазалаш, мулкӣ ва шахсий ҳуқуқ ҳамда эринликларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини белгилаб беради.

Ишга қабул қилиш қоидаларининг бузилиши иш берувчи ёки ходимнинг айбли хатти-ҳаракати ва уларнинг ҳуқуққа хилофлигидир. Бунда меҳнат шартномасининг бир тарафи ёхуд ҳар иккала тараф қонун ҳужжатлари, локал меъёрий ҳужжатлар ва ўзга келишув талаблари ҳамда нормаларини қасддан ёки эҳтиётсизликдан бузади. Бунда меҳнат шартномаси тарафининг қонун ҳужжатининг қайси нормаси, қайси локал меъёрий ҳужжатни бузганлиги аниқ-равшан кўрсатиб қўйилиши керак [3].

Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин, иш берувчи ишга қабул қилишда, албатта, ушбу тартиб-қоидаларга риоя қилиши лозим.

Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида, башарти бу қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бўлса, меҳнат шартномалари тузиши мумкин. Ўриндошлик асосида ишга қабул қилишда ҳам иш берувчи муайян талабларга бўйсунishi керак. Хусусан, бир нечта асосий вазифани бир вақтда бажариш лозим бўлса, айрим тоифадаги ходимларга ўриндошлик асосида ишлаш қонун билан тўғридан тўғри тақиқланганда, иш вақти ўриндошлик асосида ишлашга йўл қўймаган ҳолатларда иш берувчи томонидан фуқарони ишга қабул қилишлик ғайриқонуний ҳисобланади.

Шунингдек, танлов ёки сайлов асосида ишга қабул қилиш ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ходим билан меҳнат шартномаси тузишнинг қонун ва бошқа ҳужжатлар билан белгиланган махсус тартиби назарда тутилади ва иш берувчи уларнинг талабини бажариши лозим.

Ишга қабул қилишнинг учинчи босқичи ходимни ишга қабул қилинганлиги ҳақидаги буйруқ чиқариш билан яқунланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 82-моддасига кўра, ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Ишга қабул қилишга оид ҳуқуқий адабиётлар ва қонунчиликни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳуқуқий адабиётларда ҳам, меҳнат қонунчилигида ҳам ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилишига махсус таъриф берилмаган. Ваҳоланки, ишга қабул қилиш тўғрисидаги қоидалар бузилиши меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан бирини ташкил қилади. Амалиётда ушбу қоидалар бузилганлиги муносабати билан меҳнат шартномаларини бекор қилишни тўғри амалга ошириш учун мазкур тушунчани аниқлаштириш муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият. - Т.: "Ўзбекистон", 2005. - С.48.
 2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: "Ўзбекистон", 2009. - Б.18.
- Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. - Т.: ТДЮИ, 2015. - Б.622.

СУДНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИ, АЖРИМЛАР ВА ҚАРОРЛАРНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада фуқаролик ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш институтининг моҳияти, асослари, ишни кўрадиган судлар доираси, ваколатлари, расмийлаштирилаётган процессуал ҳужжатлар баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 40-боби 362-369-моддаларида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тартиби белгиланган [1].

Янги очилган ҳолатлар бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти фақат аниқ иш бўйича қарор қабул қилинишида маълум бўлмаган ва эътиборга олинмаган, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг очилиши муносабати билан ишни қайта кўриш зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин [2].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 362-моддаси талабига биноан, қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирдагина қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилиши мумкин:

Биринчидан, аризачига номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар;

Иккинчидан, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни гувоҳнинг била туриб берган ёлғон кўрсатуви, экспертнинг била туриб берган ёлғон хулосаси, атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар;

Учинчидан, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёки судьяларнинг муайян ишни кўришда содир этган жиноий қилмишлари;

Тўртинчидан, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим ёки қарорнинг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа органлар қарорининг бекор қилиниши.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 363-моддасида ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ваколатига эга бўлган судлар белгиланган. Унга асосан, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори янги очилган ҳолатлар бўйича шу ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан қайта кўрилади. Шунингдек, биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарган апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судларининг ажрим ва қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарган суд томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 364-моддасига асосан, янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этган шахслар ёки прокурор томонидан ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни чиқарган судга берилади. Ишда иштирок этувчи шахслар бундай аризани ҳал қилув

қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичида беришлари мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 329-моддасига асосан, янги очилган ҳолатлар бўйича ариза берганлик учун аризачи давлат божи тўлашдан озод қилинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 365-моддасида 362-моддада кўрсатилган асосларнинг ҳар бири учун алоҳида ариза бериш муддатини ҳисоблаш тартиби белгиланган. Жумладан:

1) аризачига номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар аниқланган ҳолларда - иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилган кундан эътиборан;

2) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар ёхуд суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёки судьяларнинг муайян ишни кўришда содир этган жиноий қилмишлари аниқланган ҳолларда - суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан;

3) суд чиқарган ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим ёки қарорнинг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа органлар қарори бекор қилинганда - қайта кўриладиган ҳал қилув қарорига, ажрим ёки қарорга асос бўлган ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорга мазмунан қарама-қарши бўлган суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан ёхуд бошқа органнинг ана шундай қарори чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади.

Янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бекор қилиш тўғрисидаги ариза учун алоҳида талаблар белгиланмаган. Бироқ умумий асосларга кўра, ариза Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 149, 150-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддаси талабига асосан, аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

1) ариза бериладиган суднинг номи;

2) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги, шунингдек, агар ариза вакил томонидан бериладиган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзили;

3) жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги;

4) даъвогарнинг талаби;

5) агар даъво ни баҳолаш лозим бўлса, унинг баҳоси;

6) даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар;

7) аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Ариза даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки унинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Суд янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бекор қилиш тўғрисидаги аризани аризачини ва ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда кўради. Бироқ бу шахсларнинг келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Суд янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиққач, қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

1) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ва ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бекор қилиш тўғрисидаги ажрим;

2) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ва ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги ажрим [1].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига янги очилган ҳолатлар бўйича аризани қаноатлантирганлик ва ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бекор қилиш тўғрисидаги ажрим учун алоҳида талаблар белгиланмаган. Бироқ умумий қоидадан келиб чиққан ҳолда, янги очилган ҳолатлар бўйича аризани қаноатлантириш тўғрисидаги ажрим Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддасига асосан, ажримнинг мазмунига қўйилган талабларга мувофиқ бўлиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида"ги 2012 йил 25 майдаги